

БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ПЕДАГОГ  
КАДРЛАРНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ  
МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ МИНТАҚАВИЙ МАРКАЗИ

## ИСЛОМ ВА ҲОЗИРГИ ЗАМОН

2021

Юнусова Г.С. фалсафа фанлари доктори,  
доцент



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ПЕДАГОГ  
КАДРЛАРНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ  
ОШИРИШ МИНТАҚАВИЙ МАРКАЗИ**

**“ИСЛОМ ВА ҲОЗИРГИ ЗАМОН”**

**МОДУЛИ БЎЙИЧА**

**ЎҚУВ-УСЛУБИЙ МАЖМУА**

**Диншунослик**

Модулнинг ўқув-услубий мажмуаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 7 декабрдаги 648-сонли буйруғи билан тасдиқланган ўқув дастури ва ўқув режасига мувофиқ ишлаб чиқилган.

**Тузувчи:** Г.С.Юнусова фалсафа фанлари доктори, доцент.

**Такризчи:** Э.Х.Зоиров фалсафа фанлари номзоди, доцент.

**Ўқув -услубий мажмуа Бухоро давлат университети Илмий  
Кенгашининг қарори билан нашрга тавсия қилинган  
(2020 йил “30” декбардаги 9-сонли баённома)**

## **МУНДАРИЖА**

<b>I. ИШЧИ ДАСТУР .....</b>	<b>5</b>
<b>II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ .....</b>	<b>12</b>
<b>III. НАЗАРИЙ МАТЕРИАЛЛАР .....</b>	<b>17</b>
<b>IV. АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ .....</b>	<b>99</b>
<b>V. ГЛОССАРИЙ .....</b>	<b>107</b>
<b>VI. АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ .....</b>	<b>113</b>

## I. ИШЧИ ДАСТУР

### Кириш

“Ислом ва ҳозирги замон” модули ҳозирги кунда Ислом дини, унинг муқаддас манбалари, Ислом таълимоти ва унинг моҳияти, Исломдаги бўлинишлар, Ислом дини ва ислом илмлари ривожиди Марказий Осиё алломаларининг ўрни ва роли, ҳозирги кундаги ислом омили ҳамда уларнинг келажакдаги ўрни масалаларини қамрайди.

### Модулнинг мақсади ва вазифалари

**«Ислом ва ҳозирги замон» модулининг мақсади:** педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малака ошириш курс тингловчиларининг бу борада мамлакатимизда ва хорижий давлатларда тўпланган исломийфанларни инфор­мацион технологиялар асосида ўқитишнинг замонавий усулларини ўрганиш, амалда қўллаш, кўникма ва малакаларини шакллантириш.

### **«Ислом ва ҳозирги замон» модулининг вазифалари:**

- Ислом ва ҳозирги замон модулини ўқитиш жараёнига замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ва хорижий тилларни самарали тадбиқ этилишини таъминлаш;

- Ислом ва ҳозирги замон модулидаги ўқитишнинг инновацион технологиялар ва ўқитишнинг энг сўнгги замонавий усулларидан фойдаланишни ўргатиш;

- тингловчиларга «Ислом ва ҳозирги замон» масалалари бўйича концептуал асослар, мазмуни, таркиби ва асосий муаммолари бўйича маълумотлар бериш ҳамда уларни мазкур йўналишда малакасини оширишга кўмаклашиш;

- таълим-тарбия жараёнида модулнинг мазмуни, функциялари, таркибий қисмларини ёритиш ва тингловчиларда улардан фойдаланиш маҳоратини ошириш ва амалиётга тадбиқ этишга ўргатиш.

### **Модуль бўйича тингловчиларнинг билими, кўникма, малака ва компетентлигига қўйиладиган талаблар**

Ислом ва ҳозирги замон модули бўйича тингловчилар қуйидаги янги

билим, кўникма, малака ҳамда компетенцияларга эга бўлишлари талаб этилади:

**Тингловчи:**

- Ўзбекистонда ислом динининг янги тараққиёти, мустақилликдан кейин Ўзбекистонда динларни ўрганишга муносабатнинг ўзгариши ва фаннинг таълим жараёнига жалб этилиши муаммоларини ва унинг ривожланиш истиқболларини;

- жаҳонда динларни ўрганиш тажрибаси, замонавий глобаллашув даврида динларни ўрганишнинг долзарблиги, динларни ўрганишдаги замонавий қарашлар ва диншунослик фанининг жорий ҳолати ва истиқболдаги вазифаларини;

- динларни ўрганишнинг шарқона услуби, бугунги кунда мусулмон мамлакатларида диншунослик фанининг ўқитилиш йўллари бўйича салоҳиятни ошириб бориш борасида мунтазам ишлашни;

- ислом ва замонавий илмлар йўналишида Марказий Осиё олиму уламоаларининг ислом илмларига қўшган ҳиссасини ва ижтимоий ҳаёт ҳамда диний жараёнлар моҳиятини;

ислом ва ҳозирги замон модулида фойдаланиладиган замонавий амалий дастурлар мажмуаларини **билиши** керак.

**Тингловчи:**

- ислом ва ҳозирги замон модулининг ўқитиш бўйича янги технологияларни амалиётда қўллаш;

- ахборот технологияларининг замонавий воситаларидан фойдаланиб диний манбаларни бағрикенглик жиҳатидан ўрганиш, диний манбалар: муқаддас ёзувлар, моддий манбалар, шарҳлар тадқиқи усуллари бўйича илмий-тадқиқотларни ўтказиш;

- Қуръони карим ва ҳадисларда келтирилган турли динлар, динларни ўрганишнинг шарқона услуби, мусулмон мамлакатларида диншунослик фанининг ўқитилишини таҳлил қилиш ва акс эттириш, хулосалар чиқариш, илмий мақолалар тайёрлаш, тавсияларини ишлаб чиқиш;

- Абу Райҳон Беруний асарларининг диний ва дунёвий илмларни ўрганишдаги ўрни, диний манбаларни бағрикенглик жиҳатидан ўрганиш, муқаддас ёзувлар, моддий манбалар, шарҳлар, тадқиқ усуллари бўйича илғор тажрибалардан фойдаланиш;

- ўз устида ишлаб, фаннинг янги тадқиқотларини ўқитиш тизимига қўллаш;

- ислом ва ҳозирги замон модули бўйича маъруза, амалий машғулот ва назорат ишларини ташкил этиш;

- педагогик жараёнда мулоқот услубларини тўғри қўллай олиш **кўникмаларига** эга бўлиши лозим.

#### **Тингловчи:**

- ислом ва ҳозирги замон модулида ахборот-коммуникацион технологияларини илмий-назарий ва амалий жиҳатдан қўллаш;

- ислом ва ҳозирги замон модулини ўрганишдаги замонавий қарашлар, Шарқ алломаларининг асарларидаги ислом ва ҳозирги замон модули масалалари бўйича замонавий йўналишларни ишлаб чиқиш ва оммалаштириш;

- ислом ва ҳозирги замон модулини ижтимоий-маънавий соҳаларга татбиқ қилиш;

- ислом ва ҳозирги замон модулида дастурлар пакети ёрдамида муаммоларни ўрганишнинг замонавий усуллари қўллаш **малакаларига** эга бўлиши зарур.

#### **Тингловчи:**

- ислом ва ҳозирги замон модулининг дастурлар пакетини ўқув жараёнига татбиқ этиш;

- ислом ва ҳозирги замон модули дастурлари пакети ёрдамида муаммони ечишнинг замонавий масалаларини таҳлил қила олиш;

- ислом ва ҳозирги замон модули бўйича касбий фаолият юритиш учун зарур бўлган билим, кўникма, малака ва шахсий сифатларга эга бўлиш;

- ислом ва ҳозирги замон модули видеодарсларни тайёрлаш;

- эгалланган тажрибани танқидий кўриб чиқиш қобилияти, зарур бўлганда ўз касбий фаолиятининг тури ва характерини ўзгартира олиш;

- ислом ва ҳозирги замон модулида тизимли таҳлил усулидан фойдаланиш йўллари ишлаб чиқиш.

- ислом ва ҳозирги замон модулининг долзарб масалаларига оид замонавий манбалардан фойдалана олиш *компетенцияларига* эга бўлиши лозим.

### **Модулнинг ўқув режадаги бошқа модуллар билан боғлиқлиги ва узвийлиги**

«Ислом ва ҳозирги замон» модули ўқув режадаги бошқа модуллар ва мутахассислик фанларининг барча соҳалари билан узвий боғланган ҳолда педагогларнинг бу соҳа бўйича касбий педагогик тайёргарлик даражасини орттиришга хизмат қилади.

### **Модулнинг олий таълимдаги ўрни**

Модулни ўзлаштириш орқали тингловчилар Ислом ва ҳозирги замонмодулини ўқитишда замонавий усуллар ёрдамидатаълим жараёнини ташкил этишда педагогик ёндашув асослари ва бу борадаги илғор тажрибаларни ўрганадилар, уларни таҳлил этиш, амалда қўллаш ва баҳолашга доир касбий лаёқатга эга бўлиш, илмий-тадқиқотда инновацион фаолият ва ишлаб чиқариш фаолияти олиб бориш каби касбий компетентликка эга бўладилар.



### Модуль бўйича соатлар тақсимоти

№	Модул мавзулари	Тингловчининг ўқув юкلامаси, соат			
		Ҳаммаси	Аудитория ўқув юкلامаси		
			Жами	жумладан	
				Назарий машғулот	Амалий машғулот
1	Ислом динининг вужудга келиши.	4	4	2	2
2	Ислом дини ва ислом илмлари ривожда Марказий Осиё алломаларининг ўрни ва роли.	2	2		2
3	Ислом ва ҳозирги замон.	4	4	2	2
4	Ислом фалсафаси.	4	4	2	2
5	Президент Ш.Мирзиёев асарларида диний масалаларнинг ёритилиши.	4	4	2	2
	<b>Жами</b>	<b>18</b>	<b>18</b>	<b>8</b>	<b>10</b>

### НАЗАРИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ

#### 1–Мавзу: Ислом динининг вужудга келиши.

##### Режа:

1. Ислом динининг вужудга келишининг тарихий, ахлоқий зарурати
2. Қуръон ва Сунна Исломнинг асосий манбалари сифатида.
3. Ислом – яккахудолик дини.

#### 2–Мавзу: Ислом ва ҳозирги замон.

##### Режа:

1. Ислом динидаги бўлинишлар ва уларнинг тарихий илдизлари.
2. Исломнинг замонавий оқимлари ва йўналишлари.
3. Исломнинг ҳозирги замондаги ўрни ва аҳамияти.

### **3–Мавзу: Ислом фалсафаси.**

#### **Режа:**

1. Ислом фалсафининг вужудга келиши, унинг манбалари.
2. Ислом динида бағрикенглик масаласи.
3. Исломшуносликнинг замонавий масалалари.

### **4–Мавзу: Президент Ш.Мирзиёев асарларида диний масалаларнинг ёритилиши.**

#### **Режа:**

1. Ўзбекистонда динга муносабатнинг янги босқичи.
2. Президент Ш.Мирзиёев асарларида диний масалаларнинг ёритилишининг ўзига хос жиҳатлари.
3. Ўзбекистонда диний бағрикенглик маданияти ва динга муносабат.

## **АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ**

### **1–Мавзу: Ислом динининг вужудга келиши.**

1. Ислом динининг вужудга келишининг тарихий, ахлоқий зарурати
2. Қуръон ва Сунна Исломнинг асосий манбалари сифатида.
3. Ислом – яккахудолик дини.

### **2–Мавзу: Ислом дини ва ислом илмлари ривожига Марказий Осиё алломаларининг ўрни ва роли**

1. Исломий илмлар ривожига Абу Ҳафс Кабир Бухорий, Имом Бухорий, Ҳаким ат-Термизий ва бошқа олиму уламоларнинг қўшган ҳиссаси
2. Аниқ ва табиий фанлар ривожига ислом уламолари жумладан, Ўзбекистон ҳудудидан етишиб чиққан алломаларнинг қўшган ҳиссаси.

### **3–Мавзу: Ислом ва ҳозирги замон.**

1. Ислом динидаги бўлинишлар ва уларнинг тарихий илдишлари.
2. Исломнинг замонавий оқимлари ва йўналишлари.
3. Исломнинг ҳозирги замондаги ўрни ва аҳамияти.

### **4–Мавзу Ислом фалсафаси. Ислом динида бағрикенглик масаласи.**

1. Ислом фалсафининг вужудга келиши, унинг манбалари.
2. Ислом динида бағрикенглик масаласи.
3. Исломшуносликнинг замонавий масалалари.

### **5–Мавзу: Президент Ш.Мирзиёев асарларида диний масалаларнинг ёритилиши.**

1. Ўзбекистонда динга муносабатнинг янги босқичи.
2. Президент Ш.Мирзиёев асарларида диний масалаларнинг ёритилишининг ўзига хос жиҳатлари.
3. Ўзбекистонда диний бағрикенглик маданияти ва динга муносабат.

## II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ

### АҚЛИЙ ХУЖУМ МЕТОДИ

**Ақлий хужум** - ғояларни генерация (ишлаб чиқиш) қилиш методидир. «Ақлий хужум» методи бирор муаммони эчишда талабалар томонидан билди - рилган эркин фикр ва мулоҳазаларни тўплаб, улар орқали маълум бир эчимга келинадиган энг самарали методдир. Ақлий хужум методининг ёзма ва оғзаки шакллари мавжуд. Оғзаки шаклида ўқитувчи томонидан берилган саволга талабаларнинг ҳар бири ўз фикрини оғзаки билдиради. Талабалар ўз жавобларини аниқ ва қисқа тарзда баён этадилар. Ёзма шаклида эса берилган саволга талабалар ўз жавобларини қоғоз карточкаларга қисқа ва барчага кўринарли тарзда ёзадилар. Жавоблар доскага (магнитлар ёрдамида) ёки «пинборд» доскасига (игналар ёрдамида) маҳкамланади. «Ақлий хужум» методининг ёзма шаклида жавобларни маълум белгилар бўйича гуруҳлаб чиқиш имконияти мавжуддир. Ушбу метод тўғри ва ижобий қўлланилганда шахсни эркин, ижодий ва но - стандарт фикрлашга ўргатади.

Ақлий хужум методидан фойдаланилганда талабаларнинг барчасини жалб этиш имконияти бўлади, шу жумладан талабаларда мулоқот қилиш ва мунозара олиб бориш маданияти шаклланади. Талабалар ўз фикрини фақат оғзаки эмас, балки ёзма равишда баён этиш маҳорати, мантиқий ва тизимли фикр юритиш кўникмаси ривожланади. Билдирилган фикрлар баҳоланмаслиги талабаларда турли ғоялар шаклланишига олиб келади. Бу метод талабаларда ижодий тафаккурни ривожлантириш учун хизмат қилади.

**Вазифаси.** “Ақлий хужум” қийин вазиятлардан қутулиш чораларини топишга, муаммони кўриш чегарасини кенгайтиришга, фикрлаш бир хилли - лигини йўқотишга ва кенг доирада тафаккурлашга имкон беради. Энг асосийси, муаммони эчиш жараёнида курашиш муҳитидан ижодий ҳамкорлик кайфиятига ўтилади ва гуруҳ янада жипслашади.

**Объекти.** Қўлланиш мақсадига кўра бу метод универсал ҳисобланиб

тадқиқотчиликда (янги муаммони эчишга имкон яратади), ўқитиш жараёнида (ўқув материалларини тезкор ўзлаштиришга қаратилади), ривожлантиришда (ўз-ўзини бир мунча самарали бошқариш асосида фаол фикрлашни шаклланти - ради) асқотади.

**Қўлланиш усули.** “Ақлий хужум” иштирокчилари олдида қўйилган муаммо бўйича хар қандай мулохаза ва таклифларни билдиришлари мумкин. Айтилган фикрлар ёзиб борилди ва уларнинг муаллифлари ўз фикрларини қай - тадан хотирасида тиклаш имкониятига эга бўлди. Метод самараси фикрлар хилма-хиллиги билан тавсифланди ва хужум давомида улар танқид қилин - майди, қайтадан ифодаланмайди. Ақлий хужум тугагач, муҳимлик жихатига кўра энг яхши таклифлар генерацияланади ва муаммони эчиш учун зарурлари танланади.

«Ақлий хужум» методи ўқитувчи томонидан қўйилган мақсадга қараб амалга оширилади:

1. Талабаларнинг бошланғич билимларини аниқлаш мақсад қилиб қўйилганда, бу метод дарсинг мавзуга кириш қисмида амалга оширилади.
2. Мавзуни такрорлаш ёки бир мавзуни кейинги мавзу билан боғлаш мақсад қилиб қўйилганда - янги мавзуга ўтиш қисмида амалга оширилади.
3. Ўтилган мавзуни мустаҳкамлаш мақсад қилиб қўйилганда - мавзудан сўнг, дарсинг мустаҳкамлаш қисмида амалга оширилади.

**«Ақлий хужум» методининг афзаллик томонлари:**


1. натижалар баҳоланмаслиги талабаларни турли фикр-ғояларнинг шакл - ланишига олиб келади;
2. талабаларнинг барчаси иштирок этади;
3. фикр-ғоялар визуаллаштирилиб борилади;
4. талабаларнинг бошланғич билимларини текшириб кўриш имконияти мавжуд;
5. талабаларда мавзуга қизиқиш уйғотиш мумкин.

**«Ақлий хужум» методининг камчилик томонлари:**

- ўқитувчи томонидан саволни тўғри қўя олмаслик;

- ўқитувчидан юқори даражада эшитиш қобилиятининг талаб этилиши.

### «Ақлий хужум» методининг таркибий тузилмаси



### «Ақлий хужум» методининг босқичлари:

1. Талабаларга савол ташланади ва уларга шу савол бўйича ўз жавобларини (фикр, мулоҳаза) билдиришларини сўралади;
2. Талабалар савол бўйича ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришади;
3. Талабаларнинг фикр-ғоялари (магнитофонга, видеотасмага, рангли қоғозларга ёки доскага) тўпланади;
4. Фикр-ғоялар маълум белгилар бўйича гуруҳланади;
5. Юқорида қўйилган саволга аниқ ва тўғри жавоб танлаб олинади.

### «Ақлий хужум» методини қўллашдаги асосий қоидалар:

- а) Билдирилган фикр-ғоялар муҳокама қилинмайди ва баҳоланмайди.
- б) Билдирилган ҳар қандай фикр-ғоялар, улар ҳатто тўғри бўлмаса ҳам инобатга олинади.
- в) Билдирилган фикр-ғояларни тўлдириш ва янада кенгайтириш мумкин.

## Мавзу бўйича асосий тушунча ва иборалар

Замонавий таълим воситаси тушунчаси , таълим воситаси турлари, таълим воситасини қўллаш усуллари

### Кластер

Кластер - (ўрам, боғлам). Билимларни актуаллашишини рағбатлантиради, мавзу бўйича фикрлаш жараёнига янги бирлашган тассавурларни очик ва эркин кириб боришига ёрдам беради.

«Кластерни тузиш қоидалари» билан танишадилар. Катта коғознинг марказига калит сўзи ёзилади.

Калит сўзи билан бирлашиши учун унинг ён томонларига кичик айланалар ичига «йўлдошлар» ёзилади ва «Катта» айланага чизикчалар билан бирлаштирилади. Бу «йўлдошлар» нинг «кичик йўлдошлари» бўлиши мумкин ва х.о. Мазкур мавзу билан боғлиқ бўлган сўзлар ва иборалар ёзилади.

Мулохаза қилиш учун кластерлар билан алмашишади.

## Гуруҳларда иш олиб бориш қоидалари

- ✓ Ўзаро ҳурмат ва илтифот кўрсатган ҳолда ҳар ким ўз дўстларини тинглай олиши керак;
- ✓ Берилган топшириқга нисбатан ҳар ким актив, ўзаро ҳамкорликда ва маъсулиятли ёндашиши керак;
- ✓ Зарур пайтда ғар ким ёрдам сўраши керак;
- ✓ Сўралган пайтда ҳар ким ёрдам кўрсатиши керак;
- ✓ Гуруҳ иш натижалари баҳоланаётганда ҳамма қатнашиши керак;
- ✓ Ҳар ким аниқ тушуниши керакки:
- ✓ Ўзгаларга ёрдам бериб, ўзимиз ўрганамиз!
- ✓ Биз бир қайиқда сузаяпмиз: ё бирга кўзлаган манзилга етамиз, ёки бирга чўкамиз!

### Мустақил ўрганиш учун саволлар

1. Замонавий таълим воситалари деганда нимани тушунасиз ?
2. Замонавий таълим воситаларини турларини тушунтиринг ?
3. Замонавий таълим воситаларини қўллаш усулларини тушунтиринг ?
4. Ахборотларни кодлаштириш нима учун хизмат қилади ?

### “Давра суҳбати” мунозарасини ўтказиш бўйича йўриқнома

1. Сўзга чиққанларни диққат билан, бўлмасдан тингланг.
2. Маърузачининг фикрига қўшилмасанг, ўз фикрингни билдиришга рухсат сўра.
3. Маърузачининг фикрига қўшилсанг, кўриб чиқиладиган масала бўйича қўшимча фикрлар билдир.

### Таянч сўзлар ва иборалар:

- ❖ Алгоритм
- ❖ Объект
- ❖ Сўз
- ❖ Аниқлик
- ❖ Дискретлик
- ❖ Оммавийлик
- ❖ Тушунарлилик
- ❖ Нативавийлик
- ❖ Блок-схема



### III. НАЗАРИЙ МАТЕРИАЛЛАР

**Мавзу: Ислом динининг вужудга келиши.**

**Режа:**

1. Ислом динининг вужудга келишининг тарихий, ахлоқий зарурати.
2. Куръон ва Сунна Исломнинг асосий манбалари сифатида.
3. Ислом – яккахудолик дини.

**Таянч тушунчалар:** Жоҳилия, ал-Васания, Ислом, Иймон, Куръон, Сунна, яккахудолик, ҳанифлар, Ҳажар ал-асвад, Пайғамбар, Фаришта, ваҳий, мушрик.

#### **Исломгача Арабистондаги ижтимоий-сиёсий ҳолат**

“Жоҳилия” сўзи араб тилида билимсизлик, нодонлик маъноларини беради. Исломдан аввал араблар орасида “ал-Васания” – кўпхудолик ҳукм суриб, улар яккахудолик эътиқодидан беҳабар бўлганлиги сабабли бу давр “жоҳилия” деб аталган. Бундан ташқари халқ орасида норасида қизларни тириклайин кўмиш, майхўрлик ва бошқа ахлоқий бузукликлар кенг ёйилган эди. Баъзи тадқиқотчилар жоҳилия даври юз эллик-икки юз йил давом этган деган фикрни билдирадилар. Бироқ ушбу даврнинг муддати манбаларда аниқ белгиланмаган.

Арабистонда ҳар хил худоларнинг тимсоллари – санамлар қачон пайдо бўлгани ҳақида муайян тарихий маълумотлар йўқ. Баъзи тарихчиларнинг хабар беришича, Арабистонга биринчи бўлиб санам келтириб ва унга ибодат қилишни бошлаб берган Амр ибн Луҳай исмли шахс бўлган. У Шомга тижорат мақсадида тез-тез сафар қилиб турарди. Шомда эса бутпарастлик, турли санамларга сиғиниш одатлари анча аввал шаклланган эди. Арабистоннинг турли ерларида муайян санамларнинг қароргоҳи мавжуд бўлиб, улар зиёратгоҳлар сифатида маълум эди. Макка Арабистоннинг диний марказига айлангач, у ердаги Каъба санамлар тўпланган жойга айланиб

колди. Ислом арафасида араблар орасида бутпарастлик шунчалик авжида эдики, ҳатто ҳар бир хонадоннинг ўз санами бўлган.

Ибн ал-Калбийнинг араб кўпхудолигига бағишланган “Китоб ал-асном” (“Бутлар китоби”) асарида тилга олинган дастлабки беш санам (аёл худо тимсоли) Вадд, Сувоъ, Ёғус, Ёъук, Наср бўлиб, Қуръонда ҳам зикр қилинган (“Нух” сураси, 22-23-оятлар). Қуръонда зикр қилинган энг қадимги санамлар жумласига Лот, Манот ва Уззо ҳам киради. Жоҳилия арабларининг тасавурида бу учала санам ҳам аёл худолар бўлган.

Исломдан олдин Арабистоннинг кўп жойларида яҳудий жамоалари мавжуд бўлгани ҳақида маълумотлар бор. Яҳудийлар билан бирга Арабистон ярим оролига яҳудий дини ҳам кириб келди. Арабистон яҳудийлари ҳақида, асосан, Қуръон, ҳадис, тафсир, сийра ва тарих китоблари хабар беради. Бу мавзуга аниқлик киритадиган ҳозирга қадар топилган ҳужжатларнинг энг қадимийси Янги Бобил подшоҳи Набонидга (мил. ав. 555-539 й.) тегишли хроникадир. Унда айтилишича, милоддан аввалги 552-542 йиллар Шимолий Арабистондаги Тейма шахрини ўзига пойтахт қилиб олган Набонид бу ердаги шаҳарларни ўзлаштириш мақсадида Бобилдан талайгина аҳолини кўчирган. Улар орасида кўпчиликни яҳудийлар ташкил қилган. Маълумки, бундан олдинроқ (мил. ав. 586 й.) Навуходоносор II Қуддусни забт қилганида салкам 30 минг яҳудийни асир қилиб, Бобилга келтирган ва “Бобил асирлиги” 50 йил давом этган. Шундан сўнг ҳам баъзи яҳудийлар Фаластинга қайтмай Бобилда қолиб кетганлар.

Арабистон ярим оролида яҳудийлик билан бир қаторда христианлик дини ҳам тарқалган. Христианлар бу ерда кенг тарғиботчилик ишларини олиб борганлар. Улар Арабистонга қачон кириб келганлиги номаълум. Тарихий манбаларда хабар берилишича, қул савдоси бу ерга христианларнинг кириб келишида асосий омиллардан бири бўлган. Византия вилоятлари ва Ўрта ер денгизи оролларида келтириладиган оқ танли эркак-аёл қулла одатда уй ишлари ва ҳунармандчилик ишларига жалб қилинар эди. Шаҳар бойлари чиройли христиан қизларни ўзларига жорияликка олар,

улар она бўлганларидан кейин озод қилардилар. Масалан, Маккадаги Бану Махзум уруғининг бойлари кўл остида юнонистонлик жориялар кўп бўлган.

Жоҳилия жамиятида ўзларининг катта боболари Иброҳим алайҳис-салом динини сақлаб қолган бир жамоа кишилар “ханифлар” деб аталган. Улар санамларга сиғинмас, балки ягона худога ибодат қилганлар. Ханифлар очикдан-очик бутпарастларни танқид қилардилар. Бу танқидлар, табиийки, зодагонларга ёқмас эди. Шунинг учун ҳам улар бир ерда муқим турмай, ўлка бўйлаб кўчиб юришга ва қаландарона ҳаёт кечиришга мажбур бўлдилар. Ушбу тоифа кишилардан Зайд ибн Амр, Варақа ибн Навфал, Убайдуллоҳ ибн Жаҳш, Усмон ибн Ҳувайрис, Қусс ибн Сайидоларни келтириш мумкин.

### **Ислом динининг вужудга келиши**

“Ислом” – (араб. бўйсунуш, итоат этиш) – Аллоҳга тил билан имон келтириб, дил билан тасдиқлаш, унинг кўрсатмаларига бўйсунушни англатади.

**Муҳаммад пайғамбар ҳаёти.** Муҳаммад ибн Абдуллоҳ ибн Абд ал-Мутталиб Арабистон тарихида “Фил воқеаси” номи билан машҳур жангдан 50 кун кейин таваллуд топгани ҳақида илк ислом манбаларида хабар берилади. Пайғамбарнинг таваллуд санаси милодий 570 йилга тўғри келади. Оталари Абдуллоҳ ўз ўғли Муҳаммад туғилмасидан олдин савдо иши билан Шомдан қайтаётиб Ясрибда (ҳозирги Мадина шаҳрида) вафот этган. Оналарининг исми Омина бинт Ваҳб бўлиб, Бану Зухра уруғидан эди.

Манбаларда пайғамбарнинг таваллуд кунларида турли мўъжизалар рўй бергани ҳақида хабар берилади. Ушбу ҳодисалар ҳақида кўплаб тарихчилар ўз асарларида ривоятлар қолдирганлар. У кишининг оналари ҳомиладор бўлганида тушида “Сен бутун инсонларнинг улуғига ҳомиладор бўлдинг, у дунёга келгач, исмини Муҳаммад қўйгин” деган овоз эшитди. Шунга кўра туғилган пайтларида боболари “Муҳаммад”, яъни “ғоят мақтовли” деган исми қўйдилар. Ислом таълимотига кўра, Муҳаммад пайғамбар номлари зикр этилганда “саллаллоҳу алайҳи васаллам” (қисқача: с.а.в.: “унга

Аллоҳнинг раҳмат ва саломи бўлсин”) ёки “алайҳис-салом” (қисқача: а.с.: “унга салом бўлсин”) ибораси айтилади.

Арабларда бола соғлом ва зийрак бўлиб ўсиши учун саҳройи аёллардан сут-она топиб эмизиш одати бор эди. Ана шу одатга кўра, Муҳаммад алайҳис-саломга Бакрий қабиласидан бўлган Ҳалима исмли аёл сут-она бўлди. Расулуллоҳни тўрт йилдан ортиқ вақт ичида эмизган Ҳалиманинг оиласига барака ёғилиб турган.

Беш ёшли Муҳаммад ўз онаси Омина билан биргаликда Ясрибга ота қабрини зиёрат қилиш учун борадилар. Бу сафардан қайтиб келаётганларида Абво деган жойда оналари Омина вафот этади. Маккага оталарининг чўриси Умму Айман билан бирга етиб келадилар. Шундан сўнг уларни саккиз ёшгача боболари Абдулмутталиб ўз қўлида тарбиялади. Абдулмутталиб ўз неварасини жуда яхши кўрарди. Шунинг учун ўзи ҳасталаниб, ўлим тўшагида ётган пайтда ўғиллари орасида энг саховатли ва меҳрибон бўлган Абу Толибни чақириб, Муҳаммад алайҳис-саломни ўз қарамоғига олишни буюради. Отаси вафотидан сўнг амакилари Абу Толиб ўз отасининг васиятига биноан уларни ўз қарамоғига олди.

Пайғамбар ёшлик чоғларида икки марта Шомга, бир марта Яманга қарвон билан бирга сафарга чиқдилар. Шомга биринчи марта 12 ёшга тўлганда, иккинчи марта 25 ёшга, Яманга 17 ёшга тўлганда сафар қилдилар. 12 ёшга етганда амакилари Абу Толиб Шомга сафарга отланди. Энг яқин кишисидан айрилиб қолиш бўлғуси пайғамбарга қаттиқ таъсир қилиб, маъюс қолганини кўрган Абу Толиб болани бирга олиб кетишга жазм қилди.

Уларнинг қарвони Шом йўлидаги Бусра номли мавзеда тўхтади. Яҳудийларнинг олимларидан Бухайро исмли бир роҳиб узоқдан қарвоннинг келишини кузатиб турар эди. Кўрдикки, қарвон билан бирга бир булут ҳам келаяпти. Қарвон бир дарахт остига тўхтади. Булут ҳам ўша дарахт тепасига қўнди. Бухайро дарҳол бир зиёфат тайёрлади. Абу Толибни шериклари билан ибодатхонага таклиф қилди. Бўлажак пайғамбар ҳақидаги маълумотларни билиб олиш учун бир неча саволлар берди. Олган жавобларидан

хайратланган Бухайро ўспириннинг икки кураклари ўртасидаги пайғамбарлик муҳрини очиб кўрди. Шундан сўнг Абу Толибга жиянининг порлоқ келажак эгаси эканини башорат қилди ва уни эҳтиёт қилишни уқтирди.

25 ёшга тўлганларида Бану Асад уруғидан бўлган бой аёл Хадича бинт Хувайлид у кишидан ўзининг савдо карвони билан бирга Шомга сафар қилишни сўради. Бу савдодан катта фойда тушди. Муҳаммаднинг тўғри сўз, ҳалол, садоқатли эканини кўрган Хадича ёши анча катта бўлишига қарамай, таомилга зид равишда унга совчи қўйди. Бир томондан амакилари Абу Толиб, иккинчи томондан Хадичанинг амакиваччаси Варақа розилик бериб никоҳ ўқилди.

Айнан мана шу аёл Расулуллоҳнинг етти фарзандларидан олтитаси, яъни Зайнаб, Умму Кулсум, Руқия, Фотима, Қосим, Абдуллони дунёга келтирган. Фақат битта ўғил – Иброҳим Мориядан туғилган эди.

605 йилда маккаликлар Каъбани таъмир этадилар. Уни қайта қуриш жараёнида муқаддас саналган “Ҳажар ал-асвад” (“Қора тош”)ни ким кўтариб ўрнига қўяди, деган масалада тортишиб қоладилар. Шунда улардан бири: “Эрталаб Сафо эшигидан ким биринчи кириб келса, ўша бизга ҳакамлик қилсин” дейди. Эрталаб Сафо тарафидан Муҳаммад алайҳис-салом кириб келадилар. Уни кўрган оламон “Муҳаммад ал-Амин (ишончли Муҳаммад) келди” деб хурсанд бўладилар. У киши чопонларини ечиб, унинг устига “қора тош”ни қўйиб, барча қабила бошлиқларини чопонни бараварига кўтаришга буюрадилар ва ўзлари келтирилган Қора тошни жойига олиб қўядилар. Муҳаммад алайҳис-салом ўз зукколиклари билан қабилалар ўртасида чиқиши мумкин бўлган низонинг олдини олгандилар.

**Ваҳийнинг нозил бўлиши. Макка даври.** Милоднинг 610 йилда, яъни Муҳаммад алайҳис-салом 40 ёшга етганда кўпроқ ёлғизликни қумсайдиган бўлиб қоладилар. Кўпинча Маккадан уч мил юқоридаги Нур тоғида жойлашган Ҳиро ғорига кетар ва Рамазон ойини у ерда кечириб, ибодат қилардилар. Ғамлаган озуқалари тугагач, Хадича олдига қайтар, бу ерда

бироз қолиб, яна ўша ғорга кетардилар. Манбаларда айтилишича, пайғамбарликнинг илк белгиси сифатида у кишининг қулоқларига ғойибдан “Сен Аллоҳнинг элчисисан” деган товушлар эшитиларди, тушларида кўрган нарсалари тўғри чиқарди.

Шу йилнинг Рамазон ойида Муҳаммад алайҳис-салом одатга кўра, Ҳиро ғорида аввалги ўтган пайғамбарлардан Иброҳим, Мусо, Исо каби “таҳаннус” ибодати билан машғул бўладилар. Имом ал-Бухорий томонидан бу ибодатга шундай шарҳ берилган: “Пайғамбаримизнинг қайси шаклда ибодат қилгани ҳақида сўраладиган бўлса, бунинг тафаккур ва ибратдан иборат бўлганлигини айтамин”.

Пайғамбарликнинг бошланиши тушда кўрилган нарсаларнинг ўнгда ойдин бир субҳ каби юз бериши билан бошланган. Кунларнинг бирида Ҳиро ғорида фаришта Жаброил кўринди ва:

“Ўқи”, – деди.

Пайғамбар:

“Мен ўқишни билмайман”, – дедилар.

Фаришта яна амрини такрорлади. Пайғамбар яна:

“Мен ўқишни билмайман”, – жавобини бердилар. Сўнгра малак уларни бошдан оёққа қадар кучлари қолмагунча сикди.

У замон фаришта илоҳий оятларни ўқий бошлади:

“(Эй, Муҳаммад, бутун борликни) яратган зот бўлмиш Раббингиз исми билан ўқинг! У инсонни лаҳта қондан яратди. Ўқинг! Раббингиз эса Карамлидир. У инсонга қалам билан (ёзишни) ўргатган зотдир. У инсонга билмаган нарсаларини ўргатди” (“Алақ” сураси, 1-5-оятлар).

“Алақ” сурасининг бошидаги ушбу оятлар илк келган ваҳий ҳисобланади. Расулуллоҳ бу оятларни ўз қалбларига жойладилар. Шундан сўнг бўлиб ўтган воқеадан ниҳоятда хайрат ва кўрқувга тушиб, дарҳол Хадичанинг ҳузурига қайтдилар ва “Мени ўраб қўйинг, ўраб қўйинг” дедилар. Узоқ уйқудан сўнг бўлган воқеани аёлларига сўзлаб бердилар. Хадича буни яхшиликка йўйиб, Варақа ибн Навфал номли аввалги самовий

китоблардан бохабар бўлган қариндошининг ҳузурига бориб, бу воқеанинг тафсилотини сўрадилар. Варақа бу кўринган фаришта Мусо ва Исо пайғамбарларга ваҳий олиб тушган Жаброил фаришта эканини айтади. У яна келажакда Муҳаммад ўз умматига пайғамбар бўлиши, бу йўлда кўп азият чекиши, ўз юртидан чиқарилиши ҳақидаги хабарларни билдиради.

Шу воқеадан сўнг илк исломдаги “яширин даъват даври” бошланган. Биринчи бўлиб Расулуллоҳ чақириқларини қабул қилган, яъни “илк имон келтирганлар” – аёллари Хадича бинт Хувайлид ва Али ибн Аби Толиб эдилар. Улардан сўнг қуллари Зайд ибн Ҳориса ва бўлғуси қайноталари Абу Бакр Сиддиқ бўлдилар. Улар жамиятнинг турли табақаларидан эканликлари ислом динининг барча учун очиқ дин эканини кўрсатарди. Вақт ўтиши билан жами мусулмонларнинг сони 30 кишига етди. Улар қурайшликларнинг янги динга қарши эканликларини билганликлари учун ўз эътиқодларини яширин сақладилар. Бу ҳолат уч йил давом этди.

Шундан сўнг “ошкора даъват” даври бошланади. Расулуллоҳ шу сабабли Абдулмутталиб оиласини, амакилари Абу Толиб, Аббос, Ҳамза, Абу Лаҳабларнинг барчасини уйларига таклиф этдилар. Зиёфатдан сўнг Аллоҳдан янги дин ваҳий қилинганини билдириб, унга барчани чақириш Аллоҳ томонидан ўз вазифалари этиб белгиланганини айтдилар. Абу Лаҳаб бу сўзларни қатъий инкор этиб, йиғилганларни тарқатишга тушди.

Ислом динини қабул қилмаган маккаликлар ҳам Муҳаммад пайғамбарнинг юксак ахлоқ эгаси эканини тан олар эдилар. Мусулмонлар сафи кенгайиб пайғамбар амакилари Ҳамза, ундан сўнг Умар ибн Хаттобнинг имон келтиришларидан маккаликлар саросимага тушиб қолдилар. Улар мусулмонларга тазйиқ ўтказишни янада кучайтириб юбордилар.

Маккаликлар Абдуманоф уруғини Абу Толиб дарасига қамал қилдилар. Шундан сўнг икки марта Ҳабашистонга ҳижрат қилинди. Қамалдан сўнг Хадича вафот этди. Маккада “Исро ва Меърож” воқеаси юз берди. Душманлар Пайғамбарни ўлдириш ҳаракатига тушдилар.

**Мадина даври.** Мадиналиклар Маккага Расулulloҳ ҳузурига келиб исломни қабул қилдилар. Улар билан маккалик мусулмонлар ўртасида дўстлик алоқалари ўрнатилди. Макка мушрикларининг мусулмонлар устидан тазйиқлари кучайгач, Пайғамбар кўрсатмасига биноан аввал мусулмонлар ундан сўнг ўзлари Ясрибга ҳижрат қилдилар.

Мадиналик “ансор” (“ёрдамчи”)лар маккалик муҳожирларни дўстона ва самимий кутиб олдилар. Пайғамбарнинг ҳижрати Рабиъ ул-аввалнинг 8-куни – милодий 622 йил 20 сентябрда бўлди. Шу йилдан бошлаб ҳижрий йил ҳисоби бошланди. Ушбу йили биринчи мусулмонлар масжиди қурилди.

Авс ва Хазраж араб қабилалари ҳамда Бану Қурайза, Бану Қайнуко, Бану Надир қабилалари билан ўзаро сулҳ тузилди. Ҳар томондан Мадинага қарши ҳужумлар уюштирилди. “Бадр” жангида мусулмонлар уларни муваффақият билан қайтардилар.

Ҳижратнинг олтинчи йилида Макка қурайшийлари билан тузилган Ҳудайбия шартномаси энг муҳим тарихий ҳужжатлардан бири бўлди. Бу сулҳ битими тузилиши арафасида мусулмонлардан 1500 жангчи ўқ-ёй ва найзалар олмасдан, фақат қилич тақиб, Байту-л-ҳарам зиёрати вақтида курбонликка сўйиладиган 70 туяни ҳайдаб, Макка шаҳрига яқин келди. Бу кичик кўшин Макка мушрикларига кўп кўриниб, улар мусулмонларни жанг қилишга, урушга келган деб гумон қилиб, шаҳарга киритмадилар. Ҳар икки тараф бир неча бор элчилар алмашиб, вазиятни тушунтирдилар. Мусулмонларнинг тинч мақсадда келганига ишонмасдан, Макка мушриклари урушга тайёрланиб турдилар. Аммо жоҳилия замонларида ҳам Байту-л-ҳарамда, яъни Каъба ва унинг атрофида жанг қилиш, қон тўкиш ман қилинган эди. Шунинг учун ҳам бу қоидага амал қилган ҳолда мусулмонлардан Усмон ибн Аффон етакчилигида навбатдаги элчилар юборилди. Макка мушриклари буларни гаровга, асир олгандай қайтариб жўнатмадилар. Мусулмонлар ҳам Макка вакилларини вақтинча ушлаб турдилар.

Орадаги кескин вазиятни юмшатиш учун Макка раислари Ҳудайбия



деган жойда 10 йиллик сулҳ шартномаси тузишни таклиф этдилар. Ҳудайбия шартномаси мусулмонлар учун мураккаб вазиятда тузилди. Унда асосан кўйидаги шартлар белгиланган эди:

1. Ўртамизда душманлик тугатилади, талончилик ва макр-ҳийлаларга йўл қўйилмайди.

2. Истаган одамлар Муҳаммад билан шартнома тузиб, иттифокқа қўшилишни хоҳласа қўшилаверади, истаган одамлар қурайшийлар билан шартнома тузиб, иттифокқа қўшилишни хоҳласа қўшилаверади.

3. Сен (Муҳаммад) бу йил Маккага кирмай қайтиб кетасан, келаси йили биз Маккадан чиқиб турамиз ва мусулмонлар уч кун Маккада туришлари ихтиёрийдир. Ўша вақтда мусулмонларнинг қиличлари қинида бўлиб, бошқа ҳеч қандай қурол билан келмайдилар.

Шартномага мусулмонлар жамоаси тарафидан Расулуллоҳдан сўнг Абу Бакр Сиддиқ, Умар ибн Хаттоб, Абдурраҳмон ибн Авф, Абдуллоҳ ибн Суҳайл, Саъд ибн Абил Ваққос, Муҳаммад ибн Маслама имзо чекдилар. Қурайшийлар тарафидан Суҳайл ибн Амр, Микроз ибн Ҳафс, Хувайлид ибн Абдул Уззо имзо чекдилар.

Ҳижратнинг саккизинчи йили Макка фатҳ этилди. Ҳавозин, Сақиф қабилалари билан Ҳунайн жангги бўлди. Мушрикларнинг Лот, Манот, Уззо номли бутлари йўқ қилинди.

632 йили Муҳаммад алайҳис-салом ҳажга боришга қарор қилдилар. Бу охириги ҳаж бўлгани туфайли ислом тарихида “Ҳажжат ул-видо” (“Видолашув ҳажи”) деб номланди. Бу сафарга 90 минг мусулмон отланди. Зулҳижжа ойининг тўққизинчи куни Арафот тоғида Расулуллоҳ томонидан ислом динининг асосий шартларини баён этган “Видолашув хутбаси” ўқилди. Шундан сўнг, деярли барча араб қабилалари исломни тан олиб, элчи ва мактублар йўллай бошладилар.

Ҳаждан Мадинага қайтган Расулуллоҳ бироз муддатдан сўнг касалликка чалиниб, ҳижратнинг ўн биринчи йили – 632 йилда вафот этдилар.

3.«Ислом» – «бўйсунуш, тоат, ихлос, тинчлик, сулҳ» демакдир. Ислом тавҳид (яккахудолик) динидир. Аллоҳ таоло юборган барча пайғамбарлар инсониятни асоси бир динга – Аллоҳ таолонинг борлиги ва бирлигига, Унинг китобларига, фаришталарига, пайғамбарларига ва Қиёмат кунига иймон келтиришга, фақат Унга ибодат қилишга даъват этишган. Ислом динидаги кишилар «муслмон-муслим» деб аталади. Ҳозир ер юзида салкам бир ярим миллиард нафар муслмон бор.

Муслмонлар Ислом шариатига мувофиқ ҳаёт кечирадилар. «Шариат» сўзи луғатда «изҳор қилмоқ, баён этмоқ, йўл» маъносида бўлиб, «тўғри йўл, илоҳий йўл, қонунчилик»ни англатади. Шаръий истилоҳда Ислом динининг ҳукмлар тўплами, Аллоҳ таолонинг амр ва тақиқлари «шариат» дейилади. Пайғамбарлар даъват этган динларнинг асоси бир бўлса-да, улар етказган ҳукмлар, яъни шариатлар турличадир. Шунинг учун кейин келган пайғамбар даврида аввалда ўтган пайғамбар етказган ҳукмлар (шариат) бекор бўлган. Пайғамбаримиз етказган ҳукмлар, яъни Ислом шариати қиёматгача боқийдир. Инсонлар манфаатини таъминлаш ва уни ҳимоя қилиш шариатнинг асосий мақсадидир. Бу ердаги манфаатдан инсон хоҳиш-истагига мос манфаат тушунилмайди, балки инсоннинг шаръий мезондаги ҳақиқий манфаати тушунилади. Қундалик ҳаёт тарзининг Ислом шариатига мувофиқ бўлишини таъминловчи қонунлар ва мезонлар «фиқҳ» дейилади. «Шаръий аҳком» – Аллоҳнинг буюрган, қайтарган ёки ихтиёр этган қатъий кўрсатмаларидир. Аллоҳ таоло Шориъ, яъни шариат асосчисидир.

Муслмонлик икки буюк ишонч асосига қурилган:

1. Аллоҳдан ўзга ибодат қилишга лойиқ илоҳ йўқлиги («*Лаа илааҳа иллаллоҳ*»);
2. Муҳаммад алайҳиссалом Аллоҳ таолонинг барча инсонларга юборган элчиси (пайғамбари) эканлари («*Муҳаммадур Расулulloҳ*»).

Бу муборак жумлаларни қалбидан тасдиқлаб, иқрор бўлиб, тилида изҳор қилган киши Ислом динида бўлади. Бу ишонч «иймон», иймон келтирган киши эса «мўмин» деб аталади.

Ислом дини қуйидаги беш асос (устун) устига қурилган:

1. Иймон («Лаа илааха иллаллоҳ, Муҳаммадур расулуллоҳ» деб дил билан иқрор бўлиш ва тилда айтиш);
2. Намоз (қунига беш вақт намоз ўқиш);
3. Закот (моли маълум ҳисобга етса, қирқдан бир улушини Аллоҳ таъйин қилган муҳтожларга ажратиш);
4. Рўза (Рамазон ойида бир ой рўза тутиш);
5. Ҳаж (қодир бўлса, умрида бир марта ҳаж қилиш).

### **ИЙМОН НИМА?**

«Иймон»нинг маъноси тасдиқ этиш, ишонишдир. Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссаломга Аллоҳ таоло томонидан етказилган барча нарсаларни дил билан тасдиқлаб, уларга тил билан иқрор бўлиш «иймон» дейилади.

Иймон бундай изҳор қилинади:

أَشْهَدُ أَنْ لَا إِلَهَ إِلَّا اللَّهُ، وَأَشْهَدُ أَنَّ مُحَمَّدًا عَبْدُهُ وَرَسُولُهُ.

«Ашҳаду аллаа илааха иллаллоҳу ва ашҳаду анна Муҳаммадан ъабдуҳу ва росулуҳ» (яъни «Гувоҳлик бераманки, Аллоҳ таолодан ўзга илоҳ йўқдир ва гувоҳлик бераманки, Муҳаммад алайҳиссалом Унинг бандаси ва Расулидир»).

Ким бу калимани тили билан айтиб, дили билан унинг маъносини тасдиқ ва қабул қилса, яъни Аллоҳ таоло ягона сиғиниладиган Зотдир, Ундан ўзга сиғинишга лойиқ ҳеч мавжудот йўқ, Муҳаммад алайҳиссалом Аллоҳ таолонинг бандаси ва расулидир, Муҳаммад алайҳиссалом Аллоҳ таоло томонидан етказган барча нарса ҳақ-ростдир, деб қалби билан тасдиқ ва қабул қилса ҳамда тили билан шунга иқрор бўлсагина иймонли саналади. Ибодат ва солиҳ амалларнинг қабул бўлиши учун иймон шартдир.

### **Ислом дини таълимоти**

Исломнинг асосий манбаси бўлмиш Қуръони карим VII асрда нозил бўлган. Ислом таълимотига кўра, “Муҳаммад алайҳис-салом аввалги пайғамбарлар ишини давом эттирган, улар динини қайта тиклаган, қиёмат олдидан юборилган охирги пайғамбар – Набий ва Расул”, деб тан олинади.

Набий – араб тилидан таржимаси “хабарчи”, “хабар етказувчи”

маъноларини беради. Пайғамбарлар орасида уларга Аллоҳ томонидан алоҳида китоб ва шариат нозил қилинмаган ва аввалги пайғамбарнинг китоб ва шариатини инсонларга ўргатиб, тарғиб қилганларни (Исмоил, Исҳоқ, Яъқуб, Закариё каби) набийлар деб аталади.

Расул – араб тилида элчи маъносини англатади. Аллоҳдан алоҳида китоб ва шариат олган Иброҳим, Мусо, Исо каби пайғамбарлар “расул” даражасига эришган ҳисобланади. Зеро, Иброҳимга юзта саҳифа, Мусога Таврот ва Исога Инжил номли китоблар нозил қилинган бўлиб, шу билан бирга ўзларига хос шариат ҳам берилган. Муҳаммад алайҳис-салом ҳам алоҳида китоб ва шариат олган “расул”лардан ҳисобланади.

Мусулмон бўлишнинг асосий шарти имон келтириш ҳисобланади. “Имон” сўзининг луғавий маъноси “ишонмоқ”, “тасдиқламоқ бўлиб”, истилоҳда эса “Ла илаҳа иллаллоҳу, Муҳаммадур расулуллоҳ” (“Аллоҳдан ўзга илоҳ йўқ ва Муҳаммад унинг расули”) калимасини тил билан айтиб, дил билан тасдиқлашдан иборат. Имоннинг етти шарти қуйидагилар ҳисобланади:

1. Аллоҳнинг борлиги ва бирлигига имон келтириш, яъни Аллоҳнинг Қуръони каримда ва Муҳаммад алайҳис-салом ҳадисларида баён қилинган барча исмлари ва сифатларига имон келтириш;

2. Фаришталар – Аллоҳнинг нурдан яратган, унинг буйруқларини сўзсиз бажарувчи, унинг амридан ташқари чиқмайдиган хос бандалари деб ишониш;

3. Илоҳий китобларга имон келтириш: Аллоҳ таоло Муҳаммад алайҳис-саломга Қуръонни юборганидек, бошқа пайғамбарларга ҳам китоблар юборган. Улардан бизга маълум бўлганлари: Иброҳим алайҳис-салом “Саҳифалари”, Мусо пайғамбарга берилган “Таврот”, Довуд пайғамбарга берилган “Забур” ва Исо пайғамбарга берилган “Инжил” китобларидир;

4. Пайғамбарлар – Аллоҳ таоло томонидан инсонларга тўғри йўлни кўрсатиш учун юборилган элчилари, деб имон келтириш. Барча пайғамбарлар бир-бирининг ишларини давом эттирган бир занжирнинг

бўғинлари ҳисобланади. Қуръонда 25 пайғамбарнинг номлари зикр этилган. Ҳадисларда пайғамбарларнинг умумий сони 124 минг экани баён қилинган;

5. Охират кунига ишониш: дунёнинг ибтидоси бўлгани каби унинг интиҳоси ҳам бор, бу дунё – инсонлар учун синов майдони, бу дунёда қилинган савоб ишлар учун мукофот, гуноҳ ишлар учун жазо бериладиган охират ҳаёти мавжуд деб ишониш;

6. Тақдирга – инсонга етадиган яхшилик ва ёмонлик Аллоҳдан деб эътиқод қилиш;

7. Ўлгандан кейин қайта тирилишга ишониш. Ислом таълимотига кўра, қиёмат куни бўлганда барча инсонлар қабрларидан турадилар ва маҳшаргоҳ майдонига йиғиладилар. У ерда барча одамлар дунёдаги амалларига қараб мукофот (жаннат) ёки жазо (дўзах)га маҳкум этиладилар.

Ислом динининг беш асосий рукни бор: 1. Имон, яъни шаҳодат (*араб.* – гувоҳлик бериш); 2. Намоз ўқиш; 3. Закот (*араб.* – поклаш, ўсиш, ортиб бориш); 4. Рўза тутиш; 5. Ҳаж – қодир бўлган киши учун умрида бир марта Макка шаҳридаги Каъбани зиёрат қилиш ва ушбу ибодат ўз ичига оладиган арконларни адо этиш.

### **Қуръон ва ҳадис – ислом динининг манбалари**

**Қуръони карим** – Аллоҳ таоло тарафидан 23 йил мобайнида Муҳаммад пайғамбарга оят-оят, сура-сура тарзида нозил қилинган илоҳий китоб ҳисобланади. Манбаларда берилишича, “Қуръон” сўзи арабча “қараа” – “ўқимоқ” ўзагидан олинган бўлиб, “Ўқиладиган (китоб)” маъносини беради деб талқин этилади. Қуръон 114 сура (*араб.* – “бўлак”, “девор”, “тўсик”) ва 6236 та оятдан ташкил топган. Унинг “мўъжиза”, “белги”, “аломат” каби маънолари ҳам бор.

Маккада нозил бўлган Қуръон сураларининг хронологик тартиби қуйидагича:

1. Макка даври (610-615 йиллар). Бу даврда юксак адабий ижод намуналари бўлган “сажъ” жанрига яқин шаклдаги суралар нозил бўлган.

Европа олимлари уларга “Назмий суралар” деб ном берганлар.

2. Макка даври (616-619 йиллар), мусулмонлар доимий таъқиб остида яшаган ва кўпчилик Ҳабашистонга кўчиб кетган вазиятда нозил бўлган. Бу сураларда Аллоҳнинг номи “Раҳмон” сифатида кўп тилга олингани сабабли Европа олимлари уларни “Раҳмон суралари” деб атаганлар.

3. Макка даври (620 йил бошларидан 622 йил сентябригача). Бу даврда ҳам мусулмонлар таъқиб остида яшаганлар, махфий равишда, кўпинча шаҳардан ташқарида ибодатга тўпланганлар. Бу давр сураларида исломнинг ақида ва таълимотига кенг ўрин берилгани сабабли, европалик тадқиқотчилар уларга “Пайғамбарлик суралари” деб ном берганлар.

Мадинада туширилган 24 та суранинг нозил бўлиш даврини тарихий воқеаларни аниқроқ кўзда тутган ҳолда беш босқичга ажратиш мумкин:

Биринчи давр (622 йил октябрдан 624 йилгача). Мусулмонлар Мадинага кўчиб келганларидан маккаликлар билан биринчи йирик тўқнашув – Бадр жангигача ўқилган тўрт сура бу даврга киради.

Иккинчи давр (624 йил мартдан 625 йил мартигача). Бадр жангидан кейин Уҳуд жангигача ўтган бир йил ичида ўқилган уч сурани ўз ичига олади.

Учинчи давр (625 йил мартдан 627 йил мартигача). Уҳуд жангидаги мағлубиятидан кейин Хандақ жангигача ўтган икки йил ичида бешта сура ўқилган.

Тўртинчи давр (627 йил апрелидан 630 йил январигача). Хандақ жангидан сўнг Макканинг олинишигача ўтган салкам уч йил ичида ўқилган саккизта сура шу даврга киради.

Бешинчи давр (630 йил февралидан 632 йил майигача). Макка фатҳидан кейин Расулulloҳ вафотигача ўтган икки йилдан ортиқроқ муддат ичида ўқилган тўртта сура шу даврга киради.

Пайғамбар ҳаётлик чоғларида яна ваҳий тушиб қолиши мумкинлиги назарда тутилиб, Қуръон жамланиб, китоб ҳолига келтирилмаган эди. Муҳаммад алайҳис-салом вафотларидан кейин Қуръон кишиларнинг

хотирасида ва ёзган нарсаларида сақланиб қолди. Пайғамбардан сўнг мусулмонларга Абу Бакр Сиддиқ халифа этиб сайланди. Унинг халифалик даврида (632-634) “муртадлик (диндан қайтиш) ҳаракатлари” юзага келди. Абу Бакр Сиддиқ бу исёнчиларга қарши шиддатли жанглар олиб борди. Ушбу жангларда кўплаб Қуръонни тўлиқ ёд олган қорилар ҳалок бўлдилар.

Умар ибн Хаттоб таклифига биноан Абу Бакр Сиддиқ саҳобалардан Зайд ибн Собитни чақириб, унга Қуръонни жамлаш ва ёзма ҳолга келтириш вазифасини топширди. Шундай қилиб, Зайд ибн Собит ва Умар ибн Хаттоб машаққатли уринишлардан кейин Қуръоннинг илк ёзма нусхасини жамлашга эришдилар. Бу тўплам “сухуф”, яъни “саҳифалар” деб номланди. Абу Бакр Сиддиқ вафот этганидан сўнг саҳифалар Умар ибн Хаттоб (634-644) уйида, у вафотидан кейин эса унинг қизи – Пайғамбар алайҳис-салом аёллари Ҳафсада қолди.

Вақт ўтиши билан ислом оламининг ҳудудлари кенгайиши натижасида мусулмонларнинг сони кўпая борди. Турли тиллар ва шевалар ўртасида мавжуд фарқларга кўра Қуръонни қандай ўқиш кераклиги борасида ихтилофлар чиқа бошлади. Бу ҳолатни кўрган халифа Усмон ибн Аффон саҳоба Зайд ибн Собитга барча сураларини йиғиб, таққослаб чиқиб, қайтадан Қуръон матнини жамлашни буюрди. Қуръоннинг биринчи расмий нусхаси 651 йилда тақдим этилди. У асл нусха ҳисобланиб яна учта, баъзи манбаларга кўра еттита нусха кўчиртирилиб, йирик шаҳарлар – Басра, Дамашқ, Куфага жўнатилади. “Имон” деб номланган асл нусха эса Мадинада, халифа Усмон ҳузурида қолди. Кўчирилган нусхалар “Мусҳафи Усмон” деб аталди.

**Усмон мусҳафи.** Араб тарихчиларининг хабар беришича, 656 йилда халифа Усмон Қуръонни мутолаа қилиб ўтирганларида ўлдирилган. У кишининг қони Қуръонга тўкилган. Шу туфайли ҳам Усмон Қуръони асл нусхалиги ва халифа қони тўкилгани билан мусулмон дунёсида алоҳида эътибор билан қаралади. Тошкент шаҳридаги Усмон Қуръонида ҳам қон излари бўлиб, шу нусха халифа Усмонга тегишли деган фикрлар мавжуд.

Усмон Қуръони Россия империяси Марказий Осиёни босиб олгунча

Самарқандда, Хожа Аҳрор мадрасасида сақланар эди. Қуръоннинг Самарқандга келтирилиши ҳақида ҳам халқ ўртасида ҳар хил ривоятлар мавжуд.

Кўпчилик олимларнинг фикрича мазкур мухсаф соҳибқирон Амир Темур томонидан Басрадан кўплаб қўлёзма китоблар ва бошқа ўлжалар билан бирга Самарқандга келтирилган ва машҳур Темур кутубхонасига кўйилган. 400 йил давомида бу муқаддас китоб Самарқандда сақланади.

1868 йилда Россия аскарларининг Самарқандга бостириб кириши билан халқимизнинг моддий, маънавий бойликларига тажовуз бошланди. Бу тажовуздан қабр тошлари, макбара ичидаги ёдгорликлар ҳам, мусулмонлар диний эътиқодининг шоҳона мулки Усмон Мухсафи ҳам четда қолмади. Мусулмонлар Қуръонини тезликда бекитиб Бухорога жўнатмоқчи бўладилар. Бироқ бу хабар Зарафшон ўлкасининг бошлиғи генерал Абрамовга етиб, “фан учун бундай нодир, бебаҳо, қадимий ёдгорликни қўлдан чиқармаслик учун ҳамма чора кўрилсин” деб полковник Серовга буйруқ беради. Серов Қуръонни генерал Абрамовга келтиради. Абрамов эса уни зудлик билан Туркистон генерал-губернатори К.Н.Кауфманга етказди. У ўз навбатида зудлик билан 1869 йил 24 октябрда Петербургга – Император кутубхонасига алоҳида кузатувчилар билан юборади.

1917 йил Октябрь тўнтаришидан сўнг Бутунроссия мусулмонлар жамияти номидан РСФСР Халқ Комиссарлари Советига мурожаат қилиб, муқаддас Усмон Қуръони ўз эгаларига, яъни мусулмонларга топширилишини талаб қилади. РСФСР (ХКС – Халқ комиссарлари совети) томонидан мусулмонларнинг талаби қондирилиб, Қуръон мусулмонлар ихтиёрига берилади. 1917 йил 29 декабрь куни Петербургдаги подшо кутубхонасининг “нодир қўлёзмалар” бўлиmidан олиниб, Уфа шаҳрига жўнатилади. Қуръон 1923 йилгача Уфада сақланади.

1923 йил 23 июлда Бутуниттифоқ Марказий Ижроқўми Усмон Қуръонини Туркистонга қайтаришга қарор қилади. Муқаддас ёдгорликни Уфадан Тошкентга махсус комиссия кузатувида олиб келинади. Усмон



Мусҳафи Тошкентдаги Эски шаҳар музейига келтирилади ва махсус пўлат сандиқда сақлана бошланади. 1926 йилнинг 1 январидан Эски шаҳар музейи Ўзбекистон давлат музейига айлантирилди. Музей очилгандан сўнг 1926 йилнинг фақат бир ойи ичида бу ерни 4000 киши зиёрат қилган. 2000 йилда ЮНЕСКО ташкилоти томонидан махсус сертификат билан “энг бебаҳо ёдгорлик” деб эътироф этилган Усмон Мусҳафи бугунги кунда Ўзбекистон мусулмонлари идораси кутубхонасида сақланади.

**Ҳадис.** Ҳадис сўзининг араб тилидаги луғавий маъноси “сўз”, “янги”, “суҳбат”, “ҳикоя”, “ривоят” маъноларини англатади. Унинг истилоҳий маъноси Муҳаммад пайғамбарнинг айтган сўзлари, қилган ишлари ва тақрирлари, яъни кўриб қайтармаган ва қўллаб-қувватлаган ишларидир. Ҳадислар икки қисмдан: айнан хабар берувчи матн ва уни ривоят қилган ровийлар занжири – санадан иборат.

Ҳадис икки хилдир:

- ал-ҳадис ал-қудсий (бу каби ҳадисда, маъно Аллоҳдан, лафз эса Пайғамбардан бўлади);
- ал-ҳадис ан-набавий (бунда эса, маъно ҳам лафз ҳам Пайғамбарникидир).

Ҳадислар илк даврда фақат оғзаки равишда авлоддан-авлодга узатилган. Ёзма равишда ҳадисларни тўпламаслик ҳақидаги Пайғамбарнинг кўрсатмалари асосан илк ислом даврига тааллуқли эди. Расулуллоҳ ўз сўзларини ёзиб олишдан саҳобаларни қайтаришларига сабаб ҳадисларнинг Қуръон оятларига аралашиб кетмаслиги учун эди. Чунки ваҳий нозил бўлиб турган пайтда баъзи кишилар Қуръон оятларини ёзиб борар эдилар. Бошқа ҳадисда эса Расулуллоҳ: “Бу оғиздан – дея ўз оғизларига ишора қилдилар – фақатгина ҳақ сўз чиқади” – деб, ўз сўзларини ёзиб олишга буюрганликлари ҳақида ривоят қилинган. Абу Довуд ўзининг “Сунан” асарида икки ҳадисни кетма-кет келтиради. Улардан бирида Пайғамбар ўз сўзларини ёзиб олишдан қайтарган бўлсалар, иккинчисида унга буюрадилар.

Кейинчалик эса бу ёзувлар катта тўпламларга асос бўлди. Шундай илк тўпламлардан бири Мадинадаги Урва ибн Зубайрга (ваф. 94/712 ёки 99/717

й.) ва иккинчиси Сурияга кўчиб кетган Муҳаммад ибн Муслим Зухрийга (ваф. 124/741 й.) тегишли.

*Ҳадис* кўпинча *сунна* сўзи билан ҳам ёнма-ён келади. Сунна сўзининг луғавий маъноси – “одат”, “тариқа – йўл” бўлиб, истилоҳий маъноси – пайғамбар одатлари, тутган йўллари, тақрир (кўриб қайтармаган) ва буюрган ишларига нисбатан ишлатилади. Бундан келиб чиқиб айтиш мумкинки, ҳадисларнинг замирида сунна ётади. Ислом таълимотида эътиқод мезонларини белгилаш ва фикҳий масалаларни ҳал этишда Қуръондан кейин суннага асосланилади.

IX аср асосан мавжуд ҳадис тўпламлари қайта ишлаган ҳолда уларни боблар бўйича тасниф қилиб, *мусаннафлар* ёзиш даври бўлди. Бу эса ҳадислардан фойдаланиш учун қулайлик туғдирди. Ислом оламида шундай мусаннафлардан олтитаси алоҳида эътиборга молик саналади. Улар – энг катта обрўга эга бўлган Имом Бухорий (810-870) ва Имом Муслимнинг (ваф. 875 й.) “Ал-Жомий ас-саҳиҳ” тўпламлари, ундан кейинги энг муҳим асарлар – Абу Довуд, Термизий (ваф. 892 й.), Насоий (ваф. 915 й.) ва Ибн Можанинг (ваф. 886 й.) “ас-Сунан” асарларидир.

“Ал-Жомий ас-саҳиҳ” китоблари ўз ичига биографик маълумотлар, Қуръон оятларига тафсирлар, диний қонун-қоидалар, ижтимоий ва шахсий ахлоқ мезонларини ҳам қамраб олди. “Ал-Жомий ас-саҳиҳ”нинг ишончлилиқ даражаси бошқа тўпламлардан кўра анча юқори ҳисобланади.

Ислом таълимоти ва қоидаларининг асосий манбалари – Қуръон ва ҳадислардан ташқари иккинчи даражали манбалари ҳам мавжуд. Улардан бири *ижмо* бўлиб, у Қуръон ва ҳадис матнларида аниқ кўзда тутилмаган масалалар юзасидан машҳур ислом уламоларининг мазкур мўътабар манбаларга зид бўлмаган бир фикрга иттифоқ қилишларини билдиради. VII асрнинг иккинчи ярмидан йўлга қўйилган ижмонинг ислом аҳкомларини бир меъёрда бўлиши ҳамда мусулмонлар орасида турли ихтилофлар келиб чиқишининг олдини олишдаги аҳамияти беқиёсдир.

Шунингдек, яна бир манба сифатида **қиёс** қабул қилинган бўлиб, у илк исломдан кейинги даврларда вужудга келган, Қуръон ёки ҳадисда ҳукми айтилмаган муаммоларни аввалги ҳукмларга қиёслаб ҳукм чиқариш услубидир. Бунда олимлар тарафидан мўътабар манбалар матнида ўрганилаётган муаммога ўхшаш масалалар тадқиқ қилинади. Шу асосда мантиқий жавоб топилиб, ҳукм қилинади. Қиёс жамиятда вужудга келувчи турли муаммоларни мантиқий жиҳатдан осон ҳал қилишда муҳим аҳамият касб этади.

### **Ўтилган мавзу бўйича саволлар**

1. Ислом дини қачон ва қаерда юзага келган?
2. “Жоҳилия” деб қайси даврга айтилади?
3. Муҳаммад пайғамбарга қачон ва қаерда илк ваҳий нозил бўлди?
4. Маккадан Мадинага ҳижратнинг сабаблари нимада эди?
5. Қуръони карим нечта сура ва оятлардан иборат?
6. “Ҳадис” сўзининг мазмун-моҳияти нимада?
7. Тавҳид нима? Ислом таълимотининг асосларини биласизми?

### **Мавзу: Ислом ва ҳозирги замон.**

#### **Режа:**

1. Ислом динидаги бўлинишлар ва уларнинг тарихий илдизлари.
2. Исломнинг замонавий оқимлари ва йўналишлари.
3. Исломнинг ҳозирги замондаги ўрни ва аҳамияти.

**Таянч тушунчалар:** амир, халифа, мўмин, хавориж, муҳаккима, суннийлик, шиъалик, Гуноҳи кабира, Шиату Али, Исно ашарийлар, Зайдийлар, жаъфарийлар, тасаввуф, тариқат.

Пайғамбар вафотидан сўнг жамоа-давлатни теократик-авторитар услубда бошқаришда туб ўзгаришлар рўй бериши муқаррар эди. Биринчидан, Пайғамбар даврининг охирларида *ваҳй* поёнига етган эди. Чунки, ислом

таълимотига биноан, Муҳаммад – пайғамбарларнинг сўнггиси-муҳри (*Хотим ал-анбийо* – خاتم الأنبياء) эди. Демак, сиёсий ва ижтимоий жараёнларни бевосита илоҳият амри ила бошқариш, унга туб ўзгартиришлар киритиш бундан сўнг мумкин бўлмай қолди, бошқа сўз билан айтсак, ислом тарихида теократия даври тугай бошлади. Бундай шароитда, ислом расмий дин сифатида эътироф этилган жамиятда дунёвийлик ва динийликнинг мутлақо янги мувозанати жадаллик билан шакллана бошлади. Бу жабҳада, албатта, биринчидан, умманинг қисқа вақт ичида шакллантирган ўз анъаналари, иккинчидан, аввал ички Арабистон давлатчилиқ унсурлари, кейинчалиқ, араб истилолари натижасида, бой Яқин Шарқ анъаналари ўзаро таъсир жараёнига киришди.

Муҳаммад пайғамбар вафотидан кейин мусулмон жамоаси дуч келган аввалги муаммолардан бири Пайғамбарга ўринбосар (*халифа*)ни тайинлаш ва унга қасамёд (*بيعة* – бай‘ат) келтириш бўлди. Исломдан аввалги давр арабларига *халифа* сўзи эскидан маълум бўлиб, у *малик* (подшоҳ)нинг *волийси* (вилоят ҳокими) маъносида қўлланилган. Мавқе жиҳатидан *халифага* яқин яна бир шахс – *радиф* ҳам шундай вазифани бажарган. Бу мансаб Лахмийлар подшоҳлигида мавжуд бўлиб, унга етакчи қабила улуғларидан бири тайинланган. *Радиф* қабуллар пайтида маликнинг ўнг тарафида ўтириб, юришлар даврида ўлжанинг чорак қисмини олган.

Манбалар Муҳаммад пайғамбарнинг ўринбосарига бай‘ат қилиш арабларнинг исломдан олдин қабила улуғини (саййид) сайлаш жараёнига ўхшаш тарзда олиб борилганлигига гувоҳлик беради. Бу амалга Пайғамбар ҳам риоя этган: у исломни қабул қилган (яъни *уммага* бўйсинган) қабила аъзоларидан шундай қасамёдларни қабул қилган. Халифа тайинлаш услублари ва уларнинг хилма-хиллиги асосида сайлаш усуллари шартли равишда тўрт турга бўлинади: 1) умумий сайлов; 2) номзод усули; 3) хусусий сайлов; 4) «қилич ҳаққи» йўли билан ҳокимиятга келиш.

Биринчи - умумий сайлов турида халифаликка номзод масжидда барча жамоа аъзоларидан бай‘ат олади. Бунга мисол тариқасида Абу Бакр (632-634) ва ‘Али ибн Абу Толиб (656-661) сайланишларини киритиш мумкин.

Иккинчи сайлов шакли билан ‘Умар ибн ал-Хаттоб (634-644) халифаликка тайинланган эди. Унга кўра, эски халифа ўзи танлаган кишини валиахд сифатида ўз ўрнига қолдиради ва бу қарор *умма* томонидан қабул этилади.

Учинчи хусусий усул – эски халифа томонидан сайлов учун танланган санокли кишилар (*шуро*) ичидан бирини халифаликка тайинлаш. ‘Усмон ибн Аффон (644-656) мазкур усулда халифаликка ўтирди.

Тўртинчи йўл («қилич ҳаққи») орқали ‘Али ибн Абу Толиб ҳокимиятдан олиниб, унинг ўрнига Му‘овийа (661-680) давлат бошига келди.

Манбалар халифаликка тайинлаш тафсилотлари ҳам турли бўлганлиги ҳақида хилма-хил маълумотлар беради. Масалан, Абу Бакрни халифа этиб сайлаш жараёнида аввал Бану Со‘ида гузарида тўпланган *умма* етакчилари қасамёд (*بيعة الخاصة* – *бай‘ат ал-хосса*) этганлар. Сўнгра, эртаси куни барча жамоа қасамёд (*بيعة العامة* – *бай‘ат ал-‘омма*) этган. Бунда Мадина аҳли масжидда Абу Бакрга бирма-бир бай‘ат қилган бўлса, атрофдаги араб қабилалари Мадина ҳукмронлигига ва Абу Бакрнинг раҳбарлигига қасамёдни вакиллар орқали изҳор этганлар.

Бай‘атни эркаклар номзоднинг қўлини сиқиш орқали, аёллар эса оғзаки (қўл бермай) изҳор этганликлари эътиборга молик. Исломдан олдинги даврда бу сўз бозор аҳли орасида расман савдо битимини англатган, уни тузиш – қўл қисиш йўли билан ифодаланган.

Қуръонда халифа жумласи икки маротаба зикр этилган бўлиб, бу оятларда Аллоҳ ерда Одам, Довуд пайғамбарларни *халифа*, яъни ўзига ўринбосар этиб тайинлаганлиги баён этилган.

Муҳаммад пайғамбардан кейин жамоа-давлат раҳбари лавозимини «*ал-халифа* (*الخلافة*)», хусусан, Абу Бакр раҳбарлик лавозимига тайинлангач, уни «*Халифату расулиллоҳи*», яъни «*Аллоҳ пайғамбарининг ўринбосари*» деб атадилар. Маълумки, Муҳаммад пайғамбар *малик* лақабини ўзига эп кўрган эмас, лекин унинг вазифаларини *умма* ичида бажарган. Мадина масжидидаги *минбар* малик ҳокимлигидаги тахт рамзи вазифасини ўтаган. Лекин, Абу

Бакр Пайғамбар вафотидан сўнг минбарнинг пастки қисмида ўтирган. Бу билан у пайғамбарлик даражасига даъвоси йўқлигини таъкидламоқчи бўлган. Бу амалиёт Усмон тарафидан бузилган: учинчи халифа Пайғамбар каби минбарнинг юқори қисмига ўтирган. Аммо, унинг бу хатти-ҳаракати уламоларнинг кескин қаршилигига учрайди. Чунки бу даврда динийлик соҳасини тўла эгаллаган уламолар дунёвий ҳокимият – халифаликнинг бу соҳани забт этишга бўлган навбатдаги уринишини шу тариқа қайтардилар.

Абу Бакрдан сўнг раҳбарликка сайланган ‘Умар ибн ал-Хаттоб мантик бўйича Абу Бакрнинг ўринбосари, яъни «*Халифату халифати расуллиллоҳи*» деб аталди. Ҳокимиятнинг бу турда узатилиши (халифадан халифага) Мадина жоме масжидида минбарга янги келган ҳар бир халифага қўшимча нешин яшаш амалида ҳам кўришимиз мумкин.

Умар ибн ал-Хаттоб даврида давлат шаклланиш жараёнларининг тезлашиши ва халифа бажараётган вазифалар ичида дунёвийлик жиҳатининг кўпайиб кетиши оқибатида бу мансаб диний ҳиссиёти кучли фуқаролар тарафидан бир томонлама, яъни дунёвий деб қабул этила бошланди. Ҳокимият сакрал тусини йўқотиши ижтимоий онгда унинг умумий ижтимоий заифлашувиға олиб келиши мумкин эди. Шундай бир ҳолатда халифа ўзини «ярим диний – ярим дунёвий» атама – «*Амир ал-му’минин*» (Мусулмонлар амири, яъни *амир* дунёвий маънони англатувчи атама бўлса, *му’минун* (мўминлар) атамаси мусулмонлар жамоасига ишорат эди) деб аташларини маъқул кўрди.

‘Усмон ибн ‘Аффон ўлдирилганидан сўнг бошланган биринчи фуқаролар уруши (656-661) даврида бу икки атама (*халифа* ва *амир ал-му’минин*) ҳокимларнинг салбий хатти-ҳаракатлари оқибатида жамият аъзолари, айниқса унинг диндор қисми вакиллари – уламолар кўз олдида ўз ишончини, салмоғини йўқотди. Шу сабабли диний шиорлар остида ўз ҳокимиятини сақлаб қолиш учун курашаётган халифа ‘Али ибн Абу Толиб тарафдорлари уни «*Имом*» деб атай бошладилар. Демак, эндиликда халифанинг вазифаларидан бири – жамоа намозига бошчилик қилиш

амалидан олинган атамаси давлат раҳбари сиймосига «диний тус» бериш (унинг ҳокимиятини сакраллаштириш) мақсадида фойдаланила бошланди. Бу эса давлат раҳбари функцияларининг орасида динийликка нисбатан дунёвийлик унсурларининг янада ортиб борганлигининг нишонидир. Т.Арнолд ўзининг «Халифалик» номли китобида ўрта асрлардаги Рим билан илк Араб халифалигининг фарқини ёритиб беришга ҳаракат қилган. У қуйидагича ёзади: Император аҳолининг диний ишларига аралашмаган. Давлатнинг диний ишлари билан Папа шуғулланган. Араб халифалигида эса мазкур вазифанинг ҳар иккаласи ҳам халифа зиммасига юкланган. Халифаликка ўтирган шахс давлат бошлиғи сифатида ҳам диний, ҳам сиёсий вазифаларни бошқара олиши лозим бўлган. Халифа одамларга намозда имом, аскарларга лашкарбоши ва яна бир қатор вазифаларни ўз бўйнига олиши керак эди.

Муҳаммад пайғамбар ўз шахсида ҳам дунёвий, ҳам диний ҳокимиятни бирлаштирганлиги халифалар фаолиятида катта роль ўйнади. Бу эса янги жамият тақдирида ҳам кўп оқибатларга олиб келдики, улар кейинчалик ўзларини ёрқинроқ намоён қила бошладилар. Бу ўринда илк халифаларнинг дунёвий ва диний соҳада олиб борган фаолиятларининг маълум жиҳатларини батафсил кўриб чиқиш мақсадга мувофиқдир.

Халифалик махсус диний институт ҳисобланмай, у кўпроқ дунёвий компонентларни ўзида мужассамлаштирган эди. Пайғамбар вафотидан сўнг муҳожирлар ва ансорлар ўртасидаги асосий тортишув мамлакатга ҳарбий йўлбошчи (*амир*) – халифа сайлаш масаласида бўлди. Шу ернинг ўзида хукмронликнинг бошқа вазифалари (қозилик ва молиявий масалалар бўйича) муҳожирлар ўртасида тақсимланди. Бунга Пайғамбарнинг *умма* орасида тарқалган «Имомлик – Қурайшдан, қозилик – ансорлардан ва азон чақириш эса ҳабашлардандир», деган ҳадиси ишорат беради. Халифаликнинг дунёвий вазифаси, биринчи навбатда, давлатни бошқариш, яъни амирлик деб белгиланди. Янги забт этилган мамлакатлардаги мавжуд давлатчилик анъаналарининг рационал унсурлари Араб давлатининг бошқарув

тизимларига жадал кириб келди. Бунинг натижасида халифа асосан давлат аппаратини тузиш ва бошқариш, сиёсий масалаларга раҳбарлик қилишга ўзининг асосий эътиборини қаратди.

Ушбу тўрт халифа янги вужудга келган давлат воситасида ҳеч қандай тартиб ва интизомни билмайдиган Арабистон ярим оролидаги бадавий қабилаларини ягона давлат ҳукмига бўйсундириб, ўз замонасининг кучли салтанатлари саналмиш Сосонийлар ва Византия империяларига шикаст етказиш имконига эга бўлдилар. Мана шу тарқоқ яшайдиган қабилалар кучларини бирлаштириш натижасида Сосонийлар салтанати каби юксак тараққиётга эга бўлган империянинг тўрт юз йиллик тарихига яқун ясалди. Византия империясининг арқларини ларзага солди. Ироқ, Сурия ва Миср каби қадимги маданият ўчоқлари Араб халифалиги таркибига қўшиб олинди. Халифалар фаолиятида соф дунёвий вазифалар – давлатни бошқаришда қарорлар қабул қилиш ва уларнинг ижросини назорат қилиш функцияларининг мунтазам ортиб борганлигини кўрамыз. Давлат аппарати тезда шаклланиб, бир маромда ишлайдиган тизимга айлана борди.

### **Исломдаги илк бўлиниш**

Исломдаги бўлинишларнинг бирламчи замини Муҳаммад алайҳис-салом вафотларидан бошланган. Чунки мусулмон жамоасига энди ким бошчилик қилади, деган масалада барчанинг фикри бир хил эмасди. Бунга сабаб мусулмонларнинг марҳум йўлбошчиси томонидан жамоага кейинги раҳбар ким бўлиши очиқ-ойдин кўрсатилмаганида эди. Аммо Пайғамбарга “халифа” (ўринбосар) бўлишга саҳобий Абу Бакр Сиддиқ учун алоҳида “ишора” бўлгани манбаларда қайд этилган. Расулуллоҳ вафотлари арафасида Абу Бакр Сиддиқнинг намозда мусулмонларга имомлик вазифасини ўтаб беришга берган кўрсатмалари йирик саҳобийлар томонидан мазкур “ишора” сифатида қабул қилинган эди.

Илк икки халифа даврида мусулмонлар орасида бирликка эришилган бўлса, халифа Усмон ибн Аффон даврига келиб жамоа орасида фитналар пайдо бўлди. Усмон (р.а.)га уюштирилган суиқасд ҳам ана шу фитналарнинг



натижаси эди. Халифа қатл этилгач, унинг ўрнига Али ибн Абу Толиб (р.а.) сайланди.

Ҳазрат Али (р.а.) қўшини таркибида собиқ халифа Усмон (р.а.) қотилларининг борлиги баъзи мусулмонларнинг норозилигига сабаб бўлди. Талха ибн Убайдуллоҳ, Зубайр ибн Авом ва Муъовия ибн Абу Суфён каби саҳобалар Алига қарши чиқиб, бу ҳолатни шундай талқин қилдилар: “Али кўзғолончиларга қарши курашда Усмонга ёрдам бермади, қодир бўла туриб одамларни бу ишдан қайтармади, бундан ташқари у халифалик мансабига кўтарилганидан кейин Усмоннинг қасосини олмади, балки у Усмонни қатл этилишидан манфаатдор бўлди”.

Бу уч саҳобанинг шундай фикр билдиришларига сабаб уларнинг ҳар бири халифаликка Алидан кўра ўзларини лойиқроқ деб ҳисоблаб, агар бу мансабда ўтирганларида, жамиятда илдиз отиб бораётган фитналарни томири билан юлиб ташлашга қодир эканликларини даъво қилардилар. Улар ўз даъволари ҳақ эканлигини турли йўллар билан исботлардилар. Талха ва Зубайр Умар вафотидан олдин халифа сайлаш хусусида кенгашга чақирилган олти кишидан биримиз... дейишса, Муовия эса Усмонга яқин қариндош ва унинг қасосини олишга лойиқ эканлигини рўкач қилди.

Талха ва Зубайр “ал-Жамал” (“Туя”) жангида ҳалок бўлди. Шундан сўнг Али ўрнига халифаликка даъвогарлардан биргина Муовия ибн Абу Суфён қолди. 657 йили Шомда Муовия ва Али ўртасида бўлиб ўтган Сиффин жанги мусулмонлардан икки гуруҳнинг ажралиб чиқишига сабаб бўлди. Бу гуруҳлар кейинчалик исломдаги икки катта оқим – хавориж ва шиаларга айланди.

Бу жангда Али ибн Абу Толиб ортиқча қон тўкилишини истамай, қарши томон билан ўзаро битим тузиб, урушни тўхтатишга рози бўлди. Алининг тутган бундай муросасозлик сиёсатидан унинг қўшини орасидаги бир гуруҳ кишилар норози бўлиб, ажралиб чиқдилар.

Худди шу вақтда янги диний оқим юзага келди. Яъни, Алига итоат этишдан бош тортганлар “хавориж” деб, Муовияга қўшилмай Али атрофида

тўпланганлар эса кейинчалик “шиа” деб номлана бошланди. Бу икки тоифанинг ёнида эса “жумхур” яъни қолган мусулмонлар жамоати турарди. Ҳар бир тоифанинг ўзига хос диний нуқтаи назари ва “фикҳи” пайдо бўлди.

### **Хаворижларнинг келиб чиқиши**

Али билан Муовия ўртасидаги тузилган битим бир гуруҳ Али тарафдорларининг кескин қаршилигига дуч келди. Битим пайтида Куфа яқинида турган 12 минг кишидан иборат кўшиннинг бир қисми Алидан норози бўлиб, “ҳукм чиқариш фақат Аллоҳнинг кўлидадир”, деган шиор билан кўшинни тарк этиб, Куфа яқинидаги Ҳарура қишлоғига кетдилар. Илгари Алига тарафдор бўлган бу фирқанинг Куфадаги “хуруж” (чиқиш) воқеаси уларнинг “хавориж” (қарши чиқувчи) номини олишларига сабаб бўлди. Бу воқеа Ҳарура қишлоғида юз берганлиги боис уларни “харурийлар” деб ҳам атаганлар. Бундан ташқари, улар ўзларини “Шурот” (жонларини Аллоҳ йўлида тиккан кишилар) деб ҳам номлаганлар. Яна уларнинг “Муҳаккима” (“ҳукм Аллоҳнинг кўлида” дегувчилар) номлари ҳам бор.

Хаворижлар ўзларига Абдуллоҳ ибн Ваҳб ар-Росибийни амир этиб сайлаб, Али ва Муовияни йўқ қилиш пайига тушдилар. Алини хаворижлардан Абдурахмон ибн Мулжам қатл этгач, улар икки фирқага бўлиниб, бири Ироқда қолди, иккинчиси Арабистон ярим оролига кетди. Умавийлар даврида хаворижларга қарши кескин кураш олиб борилди. Чунки улар давлатга катта хавф солардилар. Бу даврда хаворижлар кучайиб, Карман, Форс, Ямома, Хадрамавт, Тоиф ва Яман каби катта шаҳарларни эгалладилар.

Умавийлар даври тугаб, аббосийлар сулоласи халифаликни қўлга олганидан кейин ҳам бу тоифа бир муддат ўз кучини йўқотмади. Бирок аббосийлар узоқ вақт уларга қарши узлуксиз олиб борган курашларидан сўнггина хаворижлар инқирозга юз тутди. Уламолар томонидан хаворижлар адашган фирқа сифатида тан олинган ва уларнинг ақидалари ботил, деб ҳисобланган.

*Хаворижлар таълимотлари:*

– “Гуноҳи кабира” (“катта гуноҳ”) қилган кишини кофир деб эътиқод қилдилар. Шунга кўра, Усмонни Абу Бакр ва Умар йўлидан юрмагани учун кофир дедилар. Али, Муовия, Абу Мусо, Ибн Ослар “Сиффин” куни ўзаро сулҳда қатнашганлари учун улар наздида кофирдирлар;

– Золим подшоҳга қарши чиқишни вожиб деб билдилар. Шиаликдаги “тақия”, яъни ўз эътиқодини яширин сақлаш мумкинлиги ҳақидаги ақидани рад этдилар. Ўзлари заиф бўлсалар ҳам, золим подшоҳ қудратли бўлса ҳам унга қарши чиқиш вожиб бўлаверади деб ҳисоблардилар;

– Курайш қабиласидан бўлмаса ҳам, араб бўлмаса ҳам мусулмонлар томонидан сайланган ҳар қандай одам халифа бўла олади. Халифалик шиалар айтганидек, маълум жамоат ичида чекланмаган;

– Куръони каримни “махлук”, яъни “яратилган”, азалий эмас деб эътиқод қиладилар;

– Намоз, рўза, закот ва бошқа амалларни имоннинг бир бўлаги ва киши то барча амалларни бажармагунча дили билан тасдиқлаб, тили билан айтиши кифоя эмас дедилар.

VII аср иккинчи ярмида хаворижлар орасида йигирмага яқин турли гуруҳлар пайдо бўлди. Улар ичида энг йириклари – ибодийлар, азракийлар, ҳамда суфрийлардир.

### **Шиалик**

Исломдаги уч йирик йўналишдан бири бўлиб, халифалик хусусидаги ихтилоф натижасида вужудга келган.

Шиа сўзининг тўлиқ шакли “аш-Шиа” (тарафдорлар, гуруҳ, партия) ёки “Шиату Али” (Али тарафдорлари) бўлиб, бу ном ҳазрат Алига эргашганлар ва уларнинг авлодларига нисбатан берилган.

Шиаликда имомат асосий диний рукнлардан ҳисобланиб, у жамият манфаатларидан эмас, балки дин рукнларидан келиб чиқади деб эътиқод қилинади. Уларнинг таълимотига кўра, раҳбар халқ томонидан сайланмай, балки раҳбарлик мерос сифатида ўтади. Расулulloҳ Алини халифа этиб тайинлаган, ундан кейин эса халифалик унинг авлодларида қонуний мерос

сифатида васият йўли билан узатилади. Улар Алининг халифаликка ҳақли эканлигини илоҳий деб биладилар, имомлик уларда пайғамбарлик каби илоҳий мансаб ҳисобланиб, Аллоҳ бандалари орасидан пайғамбарларини танлаб, уларни гуноҳлардан сақлагани ва уларга “илми ладун” (Аллоҳ хузуридан берилган илм) бергани каби, халифаларни ҳам шундай танлайди дейдилар. Абу Бакр, Умар ва Усмонлар эса бу ҳуқуқни Алидан зўрлик билан тортиб олишган, Али ўша даврда халифаликни бошқарганми ёки йўқми бундан қатъи назар, Алининг халифалиги Расулуллоҳ вафотларининг биринчи кунидан бошланган, деб даъво қиладилар.

Шиалик имомийлар ва исмоилийлар каби икки йирик оқимга бўлиниб кетган.

**Имомийлар ёки “Исно ашария”.** Ушбу фирқа эътиқодича, имомлик Али ибн Абу Толибдан бошланади, сўнг унинг Фотимадан бўлган ўғлилари Ҳасан ва Ҳусайнга ўтади ва ниҳоят ўн иккинчи имом Муҳаммад Махдийга бориб тугайди. Шунинг учун бу фирқа *Исно ашарийлар* – ўн икки имомга эътиқод қилувчилар деб ҳам номланган.

Имомийлар эътиқодига кўра, сўнгги – ўн иккинчи имом Муҳаммад Махдий ҳали ўлмаган, балки у 873-874 санада ғойиб бўлган ва охир замонда пайдо бўлиб, зулм ва фасодга тўлган Ер юзини тинчлик ва адолатга тўлдиради.

Улар имомларни хато ва гуноҳдан маъсум (пок) деб ҳисоблайдилар. Бунга сабаб, уларнинг эътиқодларича, имомларга илоҳий илҳом келади ёки Расулуллоҳ ўз замонларида баён этишларига ҳожат бўлмаган аҳкомлар илмини уларга қолдирганлар. Шу боис улар имомга имон келтиришни мусулмонлик шартларидан бири деб ҳисоблашади. Улар имомга шундай тавсиф берадилар: *“Имом хатодан, адашишдан йироқ бўлган, тўғри йўлдаги, тақволи ва Аллоҳ қўллаган маъсум кишидир. Аллоҳ ва бандаларнинг ўртасида ҳужжат бўлиши учун Аллоҳ уларга шу хусусиятларни берди”*.

Имомийлар шариат қонунларини Қуръонга, ўз олимларидан нақл қилинган кўрсатмаларга асосан тузадилар. Суннийликда фатво (диний ҳукм)

чиқариш учун қўлланиладиган ижмо масаласида фақатгина аҳли байт (Али авлодлари) ижмосини қабул қиладилар ва бошқаларини рад этадилар.

Исно ашария фирқаси суннийлик мазҳабларидан нафақат эътиқод масалаларида, балки ибодат масалаларида фарқланади. Бунга бир неча мисол келтириб ўтиш мумкин:

- Қуръони каримнинг зоҳири (ташқи томони) ва ботини (ички томони) бўлиб, инсонлар фақат зоҳиринигина биладилар, ботинини эса, имомлардан бошқа ҳеч ким билмайди;

- мутъа никоҳи (вақтинча никоҳ) қонуний;

- талоқ икки гувоҳ олдидагина қабул бўлади;

- оҳод хабарлар (фақат бир кишидангина нақл қилинган ҳадислар) қабул қилинмайди;

- қайтиш ҳақ (Аллоҳ ўлганларнинг баъзиларини аввалги суратда дунёга қайтаради, бунинг учун имон даражаси ўта кучли ёки ўта бузғунчи инсон бўлиши керак);

- тақия ҳалол (тақия – азият етиш мумкин бўлганда ўз эътиқодини махфий тутиш).

Ушбу фирқанинг таълимотини асослаб берувчи кўплаб китоблар мавжуд. Мисол тариқасида Жаъфар ибн Ҳасан Ҳалабийнинг “Шарои ал-ислом”, Муҳаммад ибн Ҳасан Наждийнинг “Жавоҳир ал-калом”, Муҳаммад ибн Юсуфнинг “Тазкират ал-фуқаҳо” ва бошқаларни келтириш мумкин.

Исно ашария имомлари қуйидагилардир:

1. Али ибн Аби Толиб (ал-Муртадо);
2. Ал-Ҳасан ибн Али (ал-Мужтабо);
3. Ал-Ҳусайн ибн Али (аш-Шаҳид);
4. Али Зайн ал-Абидин ибн ал-Ҳусайн (ас-Сажжод);
5. Муҳаммад ал-Боқир ибн Али Зайн ал-Абидин (ал-Боқир);
6. Жаъфар ас-Содиқ ибн Муҳаммад ал-Боқир (ас-Содиқ);
7. Мусо ал-Козим ибн Жаъфар ас-Содиқ (Ал-Козим);
8. Али ар-Ридо ибн Мусо ал-Козим (Ар-Ридо);

9. Муҳаммад ал-Жавод ибн Али ар-Ридо (Ат-Тақий);
10. Али ал-Ҳоди Муҳаммад ал-Жавод (Ан-Нақий);
11. Ал-Ҳасан ал-Аскарӣ ибн Али ал-Ҳоди (Аз-Зақий);
12. Муҳаммад ал-Маҳдий ибн ал-Ҳасан ал-Аскарӣ (ал-Ҳужжатул қоимул Мунтазир).

*Имомий* шиалар асосан Эронда истиқомат қиладилар. Ундан ташқари Сурия, Ливан, Ҳиндистон, Покистонда ҳам Исно ашария оқими вакилларини учратиш мумкин. Аини дамда имомийлар ҳам бир неча фиркаларга бўлинади.

**Зайдийлар.** Мазкур фирқа асосчиси Зайд ибн Али Мадинада туғилган (698-740). Отаси Мухтор Сақафӣ, онаси эса Синд юртидан келган чўрилардан эди. Имом Зайд отаси кўлида таҳсил олди. Отасининг вафотидан сўнг диний илмларни акаси Муҳаммад Боқирдан ўрганди. Шунингдек, ўз тенгқурларидан бўлган Жаъфар Содикдан ҳадис ва фикҳ илмларини ўрганди. Зайд ибн Али илм йўлида Басрага бориб мўътазила, қадария, жаҳмия ва бошқа турли фирқалар ақидалари асосларини ўрганди. У вақтда Басра ва Куфада мазкур фирқалар каби форс фалсафасидан таъсирланган оқимлар кўп эди. У ерда Восил ибн Атодан (мўтазилия фирқаси асосчиси) ақида илмини мукамал эгаллагач, ўзи учун мўтазилийлар йўлини танлади.

Кейинчалик Зайд ибн Али мўътадилроқ йўлни танлади. Унинг фикрига кўра, имомлик бир шахс томонидан тайин қилинмайди ва у ўз авлодларига имомликни васият ҳам қилмайди, балки Фотиманинг зурриётидан бўлган шижоатли, мужтаҳид, ҳақни баралла айтувчи киши сайланади.

Зайдийлар эътиқодига кўра:

- бир вақтнинг ўзида икки ўлкада икки имомга байъат қилиш жоиз;
- имомлар бегуноҳ эмас;
- тақия (шароит оғирлашган пайтда эътиқодни сир тутиш) ножоиз;
- саҳобалар ҳақида нолойиқ сўзларни айтиш мумкин эмас;
- Абу Бакр, Умар ва Усмон (р.а.)лар ҳам халифаликка лойиқ бўлганлар.

Имом Зайд ибн Алининг “Мажмуъ” номли китобидаги қарашлари зайдия

фикҳининг асосини ташкил қилади. У ҳам бошқа фақиҳлар каби биринчи ўринда Куръонни, кейин эса сунна, ижмо, қиёс, истихсон, сўнгра ақлни шариат асосларидан деб ҳисоблайди.

Зайдия фикҳининг ўзига хос томонлари қуйидагича:

– аҳли китоб (самовий китобга эга бошқа дин вакиллари: яҳудийлар, христианлар) томонидан сўйилган ҳайвон гўштини ейиш, улар билан қуандачилик қилиш ҳаром;

– махси (оёқ кийим)га масҳ тортиш жоиз эмас.

Зайдия фирқаси вакиллари ҳозирги кунда Яманда кўп учрайди. Бу фирқа бир неча майда фирқачаларга бўлинган. Улардан жорудия, сулаймония, батрия, қосимия, носирия, ҳодувияларни зикр этиш мумкин.

**Жаъфария.** Шиаликнинг имомия фирқасидаги имомлардан бири Абу Абдуллоҳ Жаъфар ас-Содиқ 699 йил Мадинада туғилди. У Имом Муҳаммад ибн ал-Боқирнинг ўғли бўлиб, ота тарафидан насаби Али ибн Аби Толибга, она тарафидан насаби Абу Бакр ас-Сиддиққа боради. Ёшгина Жаъфар бобоси Зайн ал-Обидин кўлида тарбия топиб, ундан илм олди. Бобоси вафот этгач, отасининг кўлида илм олиб, кейинчалик замонасининг кучли олимларидан бирига айланди. Отаси 732 йил вафот этгач, уларнинг хонадони гўё Мадина дорилфунунларидан бирига айланди. Куфа, Басра ва ҳижоздан кўпгина олимлар келиб, ундан илм олганлар. Абу Абдуллоҳ диний ва дунёвий илмларни эгаллаган олимлардан эди. У Исломда биринчилардан бўлиб фалсафа йўналишига асос солган. Бундан ташқари у фикҳ, ҳадис, калом илмларида ҳам пешқадамлардан бўлган.

Жаъфария мазҳабининг суннийлик мазҳабларидан фарқли томони шундаки, уларда қиёс билан фатво чиқариш усули тан олинмайди, ҳадислардан фақат пайғамбар хонадонидан бўлган аҳли байт ривоят қилганларинигина қабул қиладилар. Бундан ташқари уларда мутъа ва тақия ҳалол деб ҳисобланади.

**Исмоилия.** Исломдаги шиа оқимининг асосий шаҳобчаларидан бири бўлиб, Ислом тарихида жуда муҳим ўрин тутган. Ушбу фирқа вакиллари

турли мамлакатларда “ботиния”, “сабъия”, “қарматия”, “таълимия”, “мулхидия” ва ҳоказо номлар билан аталганлар.

Исмоилиянинг пайдо бўлиши VIII асрда шиалар орасидаги бўлинишдан бошланди. Шиаларнинг кейинчалик “имомийлар” деб аталган бир гуруҳи Жаъфар ас-Содикнинг кичик ўғли Мусо ал-Козимни еттинчи имом деб тан олдилар. Чунки Имом Жаъфар ичкилик ва маишатга берилган катта ўғли Исмоилни ворисликдан маҳрум этиб, имомликни кичик ўғлига васият қилган эди.

Аммо, шунга қарамай, бошқа бир гуруҳ Жаъфар ас-Содикнинг катта ўғли Исмоилни имомликнинг меросхўри сифатида тан олдилар. Исмоил отаси тириклигида вафот этганлиги сабабли, кейинчалик унинг ўғли Муҳаммад ибн Исмоилни еттинчи имом сифатида қабул қилдилар. Имомия шиаларидан фарқли равишда имоматнинг давомчиси Исмоилдир деб даъво қилувчи ушбу фирқа ўзларини “исмоилийлар” деб атадилар.

Муҳаммад ибн Исмоилнинг ўлимидан сўнг улар орасида бўлиниш юзага келди. Улардан бир гуруҳлари еттинчи имом деб Муҳаммадни тан олдилар. Шунинг учун улар сабъия (еттинчилар) деб аталдилар.

IX асрнинг 2-ярмида “Исмоилия”нинг бу йўналиши “қарматия” деб номлана бошлади. Бошқа гуруҳ эса Муҳаммад ибн Исмоилнинг авлодларини имомлар сифатида тан олишда давом этдилар. Бу имомлар Аббосийлардан Сурия, Хуросон ва бошқа ерларга қочиб юрганлиги учун “яширинган, махфий” имом дейилиб, бу гуруҳ тарафдорлари уларнинг номидан жуда фаол даъватчилик ҳаракатини амалга оширдилар. Шимолий Африкада “фотимийлар” хокимият тепасига келгунига қадар Исмоилия ҳаракати тарихида “ас-сатр” “яширинлик” (махфийлик) даврини бошдан кечирди.

X аср бошларидан бошлаб бу гуруҳни “фотимий-исмоилийлари” деб атала бошлади. Яширин имомнинг номи ва қайтиш жойи қаттиқ сир сақлангани учун узоқ вақт қарматийлар ва исмоилийлар орасида катта фарқ бўлмади. Баъзи тадқиқотчилар фотимийларгача бўлган даврни “Исмоилия” ҳаракатининг қарматийлик босқичи деб ҳисоблайдилар.



Исмоилия мафқураси шаклланишининг илк даврдаёқ унинг икки қирраси “ташқи” – экзотерик (аз-зоҳир) ва “ички” – эзотерик (ал-батин) намоён бўлди. “Ташқи” таълимот ўз ичига барча урф-одат ва жамоанинг оддий аъзоларига мажбурий бўлган шариатнинг ҳуқуқий қонунларини олган эди. “Исмоилия” таълимотининг бу жиҳати имомийлар таълимотидан кам фарк қилади. “Исмоилия”нинг “Ички” эзотерик ақидаси икки қисмдан иборат:

1. “Ат-Таъвил” – Қуръон ва шариатни аллегорик тарзда шарҳлаш;
2. “Ал-Ҳақоик” – “махфий”, “олий” ҳақиқатларни тафсир қилишга асосланган фалсафий ва илоҳий билимлар тизими.

“Исмоилия” илоҳиётчилари “ташқи” ва “ички” жиҳатларнинг бир-бири билан мустаҳкам боғлиқ эканлигини таъкидлайдилар. Исмоилийларнинг диний-сиёсий ақидасининг асоси *имомат* – Али ибн Абу Толиб авлодларидан бегуноҳ имомнинг бор бўлиши эди. Исмоилийларда дин асослари еттита бўлиб, улардан асосийси имомга итоат этишдир. Қолган олтитаси таҳорат, намоз, закот, рўза, ҳаж ва жиҳоддир.

Бу фирқа вакиллари Ҳиндистон, Покистон, Арабистон ярим оролининг жануби ва бошқа жойларда мавжуд.

### **Суннийлик (Аҳли сунна вал-жамоа) йўналиши**

657 йилги воқеалар ва уларнинг натижасида келиб чиққан фирқабозлик шароитида ҳам ўрта йўлни тутган, давлат раҳбарларига қарши бормаган, ўзларини суннатга амал қиладиган ва жамоатдан ажралмайдиганлар гуруҳи суннийлар ёки “аҳли сунна вал жамоа” деб аталди. Бугунги кунда суннийлар дунё мусулмонларининг 92,5 фоизини ташкил этади.

Суннийлик доирасида тўрт фикҳий мазҳаб (*араб.* йўл) ва икки ақидавий таълимот мавжуд бўлиб, хавориж ва шиа фирқаларидан фарқли равишда улар бир-бирларини рад этмайдилар. Бугунги кунга қадар ҳам, сунний уламолар тўрттала фикҳий ва иккала ақидавий мазҳабларнинг тўғри экани, уларнинг бир-бирини тўлдириши, бундай фарқлилик тарихий, ижтимоий омиллар маҳсули экани ва бу мусулмонлар учун осонлик яратишига иттифок

қилишган.

“Аҳли сунна вал-жамоа” таркибига кирувчи **фиқҳий мазҳаблар** қуйидагилардир:

**Ҳанафийлик мазҳаби.** Ҳанафия мазҳабининг асосчиси ал-Имом ал-Аъзам Абу Ҳанифа ан-Нуъмон ибн Собит ал-Куфий (80-150/699-767) – форслардан бўлиб, умавийлар (661-750) ва аббосийлар (750-1258) давлати айна авж олган даврда яшаган тобиинлардандир. Абу Ҳанифа Анас ибн Молик билан учрашган ва ундан “Илм талаб қилиш ҳар бир муслим учун фарздир” ҳадисини ривоят қилган. Уни “аҳли раъй Имоми”, “аҳли Ироқ фақиҳи”, “Ҳанафий мазҳаби соҳиби” каби номлар билан манбаларда келтирилади. Касби газлама савдоси билан шуғулланиш эди. Ёшлиқ чоғидаёқ Қуръонни ёд олган. 18 йил устози Ҳаммод ибн Аби Сулаймондан таҳсил олган. Фиқҳ илмини Иброҳим ан-Нахайй ва аш-Шаъбийдан олган. Абу Ҳанифанинг етук талабаларидан Абу Юсуф (113-182/731-769) ва Муҳаммад ибн ал-Ҳасан аш-Шайбонийларни (132-189/709-805) алоҳида айтиб ўтиш зарур.

Ҳанафий мазҳаби “насс”лардан (яъни Қуръон ва ҳадис) ташқари ҳадисларни қабул қилишда алоҳида шартларни белгилаганлиги, қиёс (аналогия), истехсон принципларидан фойдаланиши, Мовароуннаҳр мактаби маҳаллий урф-одатларни ҳуқуқ манбаи сифатида қабул қилиши билан ажралиб туради. Бошқа мазҳаблардан фарқли жиҳатлар мазкур хусусиятлар негизида юзага келади.

Ҳанафий мазҳаби, асосан, Албания, Босния ва Герцеговина, Туркия, Сурия, Ироқ, Афғонистон, Покистон, Ҳиндистон, Бангладеш, Туркманистон, Ўзбекистон, Қирғизистон, Қозоғистон, Тожикистон, Россия, Жибути, Эритрея мамлакатларида кенг тарқалган.

**Моликийлик мазҳаби.** Имом Моликнинг тўлиқ исми – Молик ибн Анас ибн Молик ибн Аби Омир ал-Асбахийдир. Катта бобоси Абу Омир буюк саҳобий бўлиб, Муҳаммад алайҳис-салом билан доимо бирга бўлган. Баъзи ривоятларга қараганда, у тобиий мухдарам (яъни, саҳобалар даврида яшаган,

лекин уларнинг бирортаси билан учрашмаган) эди. Кичик боболари Молик тобиъийларнинг улуғ уламоларидан бўлган.

Имом Молик 711/712 йили Мадинада туғилган. Мадина уламоларидан илм олган. Илк устози Абдурахмон ибн Ҳормуз бўлиб, у билан жуда узок вақт бирга бўлган, шу орада бошқа олимлардан ҳам таҳсил олган. Бундан ташқари улуғ саҳобий Абдуллоҳ ибн Умар хизматида бўлган Нофеъдан ва Ибн Шихоб аз-Зухрийдан ҳам илм олган. Молик ўн етти ёшга етганда ҳадис ва фикҳ илмлари бўйича мударрислик мансабига тайинланди. Шундан кейин унинг номи ҳамма тарафга овоза бўлиб, шухрати кенг тарқалади. Оқибатда одамлар ундан илм олишга ҳар тарафдан кела бошладилар. Илм талаб қилиб келганлар эшикларининг олдида издиҳом бўлиб, ҳатто бир-бирлари билан уришиб кетардилар. Имом Молик одамларга етмиш йил чамасида фатво бердилар ва илм ўргатдилар. Имом Молик ҳадисларни саралаб “Муваатто” (“Оммалаштирилган”) китобини ёзди.

Моликия мазҳаби кўпроқ Миср, Судан, Ливия, Тунис, Жазоир, Марокаш, Мавритания, Кувайт, Баҳрайнда тарқалган.

**Шофийлик мазҳаби.** Имом Шофийий “Аҳли сунна вал жамоа”нинг Шофия мазҳаби асосчиси бўлиб, тўлиқ исми – Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Идрис ибн Аббос ибн Усмон ибн Шофиъ ал-Ҳошимий ал-Мутталибий. У 767 йилда Фаластин диёрида таваллуд топган. Унинг насаби Муҳаммад алайҳис-саломнинг улуғ боболари Абдуманофга бориб тақалади.

Муҳаммад ибн Идрис ёшлик чоғидаёқ Куръони каримни ёд олган. У илм истаб онаси билан ота-боболари юрти Маккага келган. У ерда Макка муфтийси Муслим ибн Холид Занжийдан дарс олди. Муҳаммад ибн Идрис 15 ёшида диний илмларни мукамал эгаллади. Шундан сўнг устозлари унга фатво беришга рухсат бердилар.

Имом Шофийий Мадинага Имом Молик ибн Анас ҳузурига илм олиш мақсадида боради ва унинг “Муваатто” китобини ёд олади. У Молик ибн Анас, Суфён ибн Уяйна, Фудайл ибн Иёд, амакиси Муҳаммад ибн Шофийий ва бошқалардан ҳадис илмини ўрганди.

Имом Шофийй 184/800 йилда шиа мазҳабини қабул қилган деб айбланиб, Ироққа сургун қилинди. Кейинчалик Ҳорун ар-Рашид бу ишнинг тухмат сабабли бўлганини билиб, Имом Шофиййга белгиланган сургунни бекор қилди ва унинг ўз фаолиятини давом эттиришига рухсат берди.

Ироқда Имом Шофийй Абу Ҳанифанинг шогирдларидан Имом Муҳаммад аш-Шайбоний ва бошқа Ироқ фақиҳлари билан учрашиб, улар билан илмий мунозаралар ўтказди.

У 199/814-815 йили Мисрга келиб, у ерда ўз илмий фаолиятини давом эттирди.

Мисрда Имом Шофийй Ҳижоз ва Ироқ фақиҳ ва муҳаддисларидан эшитмаган ҳадис, фатволардан хабардор бўлди, шу сабабли кўплаб масалаларда унинг ижтиҳодий қарашлари ўзгарди. У бу ерда ўз мазҳабининг асосини ташкил қилган “ал-Умм” асарини ёзди.

Имом Шофийй 204/819-20 йили Мисрда вафот этди. У ўз даврида саноксиз шогирдлар етиштирди. Улардан Исмоил ибн Яҳё ал-Музаний, Абу Яъқуб Юсуф ибн Яҳё ал-Бувайтийларнинг номларини қайд этиш ўринли.

Шофийй мазҳаби асосан Сурия, Ливан, Фаластин, Иордания, Саудия Арабистони, Бирлашган Араб Амирликлари, Яман, Миср, Сомали, Комор ороллари, Мальдив, Ҳиндистон, Малайзия, Индонезия, Бруней султонлигида тарқалган.

**Ҳанбалийлик мазҳаби.** Ҳанбалий мазҳабининг асосчиси Абу Абдуллоҳ Аҳмад ибн Ҳанбал ибн Ҳилол ибн Асад аш-Шайбоний 164/780 йили Бағдод шаҳрида туғилган. Унинг оиласи Марвдан Бағдодга кўчиб келаётган вақтда онаси ҳомиладор бўлганлиги сабабли Имом Аҳмад Марвда туғилган деган фикрлар ҳам манбаларда зикр қилинган. Ўғли Солиҳнинг ривоят қилган шажарасига қараганда аждодлари Расулуллоҳнинг боболаридан бўлмиш Низор ибн Маод билан бирлашиб, ҳазрат Исмоилга бориб етиши ҳақида манбаларда хабарлар келган. Бобоси Ҳанбал ибн Ҳилол умавийлар даврида Сарахс волийлиги лавозимини эгаллаган ва аббосийлар сулоласининг тахтга келишида катта хизмат қилган.

Аҳмад ибн Ҳанбал фаолиятининг энг юксак даври анъанавий илоҳиётшунослик билан мўътазилия орасидаги ғоявий курашнинг авжига чиққан (Қуръони каримни махлуқ, яъни яратилган деган ақидани халққа куч билан сингдириш билан боғлиқ “михна” - “синов”) даврига тўғри келди. 833 йилдан бошлаб аббосийлардан бўлмиш халифалар Маъмун, Муътасим ва Восиқ замонларида илоҳиётшунос олимлар “синов”дан ўтказилиб, мавжуд тузумга хайрихоҳ ёки муҳолиф эканлиги текширилган. Аббосий халифа Маъмун (813-835) ҳукмронлигининг охириги йилларида мўътазилия мазҳабининг кучайиши натижасида кўпгина олимлар қатори Имом Аҳмад ҳам қувғинга учраб, 833-834 йилларда ҳибсга олинди. У қамокда икки йилу тўрт ой тазйиқ ва қийноқ остида ҳаёт кечирди. Қамокдан озод бўлгандан сўнг, яна фатво бериш билан шуғулланди ва ҳадис илмида ўзининг “ал-Муснад” асарини ёзди.

Аҳмад ибн Ҳанбал 835 йил 31 майда Бағдодда вафот этди. У икки халифа – Маъмун ва Муътасим даврида Қуръони карим яратилган, деган ғоядан бош тортган. “Исломни бидъатлардан қутқарувчи” деган номи туфайли унинг атрофига Бағдоднинг йирик анъанавий илоҳиёт тарафдорлари (аҳл ас-сунна) йиғилади. Кейинчалик Аҳмад ибн Ҳанбал ҳанбалий мазҳабининг асосчиси сифатида танилди.

Ҳанбалий мазҳаби ҳозирги кунда Саудия Арабистони, Қатар, Баҳрайн каби давлатларда тарқалган.

Буюк мужтаҳидлар даврида юқорида зикр этилган мужтаҳидлар номи билан боғлиқ асосий сунний ҳуқуқий мазҳаблар пайдо бўлди ва ўз таълимотини шакллантирди.

VIII асрнинг охири – IX асрнинг бошларида Мовароуннаҳрда (ҳозирги Марказий Осиёнинг аксарият қисми) исломдаги аҳл ас-суннанинг ҳанафий мазҳаби тарқала бошлади. Бухоро ва Самарқанд шаҳарларида шу мазҳаб таълимоти асосида Мовароуннаҳр фикҳ мактаби таркиб топди. VIII-X асрларда Мовароуннаҳрнинг айрим шаҳарлардаги ҳанафийликка асосланган илмий марказлар пайдо бўлди. Бунга Ироқ ва Хуросон мактабларининг

таъсири катта бўлди. Бухоро мактабига Абу Ҳафс Аҳмад ибн Ҳафс ал-Кабир ал-Бухорий (ваф. 832 й.) асос солган. Самарқанд илмий марказининг шаклланишига Абу Сулаймон ал-Жузжоний, Ибн Самоа ва Шаддод ибн Ҳукайм каби Балх фақиҳларининг хизмати катта бўлди. Бухоро фақиҳлари бу даврда асосан фикҳнинг амалий масалалари (фуруъ ал-фикҳ) билан, самарқандликлар эса ўз илмий фаолиятларини илоҳиёт (усул ад-дин) мавзуи билан шуғулланишга қаратдилар.

Умуман фикҳ, хусусан ҳанафий мазҳабининг ривожланиш тарихида XI-XII асрлардаги Мовароуннаҳр фақиҳларининг илмий фаолияти жуда муҳим ўрин тутди. Бу даврда етишиб чиққан ҳанафий фақиҳларидан – ад-Дабусий Аби Зайд (ваф. 430/1063 й.), ал-Ҳалвоъий (ваф. 456/1063 й.), Абу Бакр Муҳаммад ас-Сарахсий (400-483/1009-1090), ал-Паздавий Али (ваф. 482/1089 й.), ас-Садр аш-Шаҳид Умар (ваф. 536/1141 й.), ан-Насафий Умар (ваф. 537/1142 й.), Алоуддин ас-Самарқандий (ваф. 539/1144 й.), Ибн Моза Маҳмуд (ваф. 570/1174 й.), ал-Аттобий Аҳмад (ваф. 586/1190 й.), ал-Косоний Масъуд (ваф. 587/1191 й.), Қозихон (ваф. 592/1191 й.) ва юқорида зикр этилган ал-Марғиноний Али (ваф. 593/1196 й.) каби маълум ва машҳур фақиҳларнинг номларини келтириш мумкин.

**2. Фикҳий мазҳаблар диний фирқалардан фарқ қилади.** Суннийликдаги тўрттала мазҳаб ҳам тенг ҳисобланади, йирик мусулмон университетларида тўрт мазҳаб бўйича алоҳида дарс ўқитилади. Мазҳаблар умуман анъанавий диний ҳуқуқ доирасидан чиқмагани ҳолда, шариат масалаларида энгилроқ ёки қаттиқроқ ҳукм чиқаришлари билан бир-биридан фарқ қилади. Ҳозир ислом мамлакатларида ҳанафийлик (Туркия, Покистон, Ҳиндистон ва ҳ.к.), моликийлик (Тунис, Жазоир, Марокаш, Ливия), шофеъийлик (Миср, Индонезия ва ҳ.к.), ҳанбалийлик (Саудия Арабистони) мазҳаблари, шунингдек, шиалик тарқалган мамлакатлар (Эрон, Ироқ, Яман ва ҳ.к.) нинг ҳуқуқий ҳаётида жаъфарийлик мазҳаби ўз мавқеини маълум даражада сақлаб келмоқда. Ўрта Осиёда, хусусан, Ўзбекистонда ҳанафийлик мазҳаби кенг ёйилган. Кейинги даврда пайдо бўлган «вахҳобийлик», «хизбут таҳрир» каби

йўналишларни фикҳий мазҳабларга тенглаштириб бўлмайди. Чунки улар шаръий масалаларда ўз мустақил ечимларини берган тизимга эга эмас. Уларга диний–сиёсий ҳаракат ва ноқонуний сиёсий партиялар сифатида қараш мумкин. VIII–IX асрларга келиб Ислом дини доирасида ақидавий ихтилофлар ҳам юзага келди. Ислом динида Аллоҳ таоло, унинг сифатлари, инсонларнинг тақдири, қиёмат, жаннат ва дўзах, гуноҳ ва савоб каби мавзулар ақидавий масалалар сирасига киради. Зикр этилган унсурларни ўрганувчи фан яна калом илми деб ҳам аталади. Қуръонда ҳам ҳадисларда ҳам бу борада тортишиш, ўзича ҳукм чиқариш қоралангандир. Шу сабабли ҳам аввал бошида уламолар калом илми билан шуғулланишни каттиқ қоралаганлар. “Мўътазила”, “жабарийя”, “қадарийя”, “мушаббиха” каби бир қатор адашган оқимлар юзага келгач оддий мусулмонларга соф ақидани тушунтириб бериш эҳтиёжи туғиган эди. Шундан сўнг калом илми билан шуғулланишга рухсат берилади. Калом борасида баҳс юритган илк оқим “мўътазила” ҳисобланади. Ушбу таълимот ислом тарихидаги адашган фирқалардан бўлиб, Ҳасан ал–Басрийнинг (в. 728 й.) собиқ шогирдлари бўлган Восил ибн Ато (в. 748 й.) ва Амр ибн Убайдга (в. 761 й.) бориб тақалади. Умавий халифа Ҳишом ибн Абдилмалик даврида ушбу икки шогирд Ҳасан ал–Басрий даврасидан ўзларининг “манзила байнал манзилатайн” (аросат) мавзуидаги ақидалари билан ажралиб чиқади ва «мўътазила» (ажралганлар) номини олади. Мўътазилийлар аббосийлар халифалиги даврида муҳим ўрин тутган. Мўътазилийлар аббосий халифа Хорун ар–Рашид даврида таъқиб остига олинган бўлса, Маъмун, ал–Мўътасим ва ал–Восиқ даврларида (813–847) суюкли пешволарга айланади ва йирик давлат мансабларига ҳам сазовор бўлади. Маъмун даврида мўътазилийлар “миҳна” деган жамоа тузиб, ўзларининг ақидавий қарашларини маҳаллий уламоларга мажбурлаб синдиришга ҳаракат қилган. Мўътазилийлар таълимоти “ал–адл” (Аллоҳнинг адолати), “тавҳид” (Аллоҳнинг ягоналиги), “ал–ваъд вал ваъийд” (ваъда ва жазолаш), “манзила байнал манзилатайн” (Оралиқ ҳолатда қолиш), “ал–амр бил маъруф ван

нахий анил мункар” (Яхшиликка чақириш ва ёмонликдан қайтариш) деб номланувчи беш тамойилга таянади. [www.ziyouz.com](http://www.ziyouz.com) kutubxonasi — 232 — Халифа Мутаваккил даврига келиб мўътазилийлар яна сиқувга олинди ва бора–бора бутунлай йўқ бўлиб кетди. Мўътазилийлар билан деярли бир даврда юзага келган ақидавий оқимлардан бири “қадария”дир. Қадарийлар ирода эркинлигини мутлақлаштириб, инсон барча амалларини ўз ихтиёри билан қилади, аввалдан тақдир белгилаб қўйилмайди, деган ақидани илгари сурдилар. Мўътазилийлар мазкур фикрни қўллаб қувватлагани боис, улар ҳам тақдир масаласида қадарийлар дея аталди. Уларга нисбатан уламолар томонидан: «Қадарийлар ушбу умматнинг мажусийларидир», деган хадис келтирилади. Зеро, тақдирга ишониш имоннинг еттита шартидан бири ҳисобланади. Кейинроқ шаклланган жабарийлар эса инсоннинг барча қиладиган ишлари Аллоҳ томонидан аввалдан белгилаб қўйилади деган ақидани мутлақлаштирдилар. Бу инсониятни тараққиётга интилишдан тўхтатиб қўядиган ақида бўлгани сабабли уламолар бу фикрни қўллаб–қувватламадилар. Аллоҳнинг зоти ва сифатлари масаласида эса “мушаббиха” (ўхшатувчилар) ёхуд “аҳлу–т–ташбих” (ўхшатиш аҳли) юзага келди. Улар Аллоҳнинг Қуръони каримда келган сифатларини тўғридан–тўғри ўз ақллари билан талқин қила бошладилар. «Аллоҳнинг «қўли» уларнинг қўллари узрадир» (Фатҳ сураси, 10), «Унинг Курсийси осмонлар ва Ерни (ҳам) ўз ичига сиғдира олур» (Бақра сураси, 255) каби оятлардаги «қўли», «курсийси» сўзларидан Аллоҳнинг ҳам инсон каби бадан ва аъзолари бор экан, у ҳам инсон каби ўтириш учун курсийга муҳтож экан, дея хулоса чиқардилар. Исмлари зикр этилган оқимларнинг бузғунчи ғояларига бир қатор аҳли сунна уламолари раддиялар берганлар. Натижада, мотуридия ва ашъария таълимотлари юзага келди. Мазкур икки йўналиш ҳам суннийлик доирасида тўғри ҳисобланиб, улар ўртасидаги фарқлиқлар лафзий характер касб этади холос. Мотуридия таълимотига мовароуннаҳрлик олим Абу Мансур ал–Мотуридий асос солган. Аксарият манбаларда [www.ziyouz.com](http://www.ziyouz.com) kutubxonasi — 233 — Мотуридий 870 йили Самарқанднинг “Мотурид”



кишлоғида туғилгани ва Самарқандда 944 йили вафот этгани ҳақида маълумотлар учрайди. Баъзи манбаларда унинг 100 йилга яқин умр кўргани ҳақида ҳам маълумотлар бор. Манбаларда Имом Мотуридийнинг ўндан ортиқ асарлари бўлгани ҳақида маълумотлар келтирилади. “Китоб ат-тавҳид”, “Китоб ал-мақолот”, “Китоб радд авоил ал- адилла лил-Каъбий”, “Китоб баён ваҳм ал-мўътазила”, “Китоб радд таҳзиби ал-жадал лил-Каъбий”, “Радд китоб ал-Каъбий фи ваийд ал-фуссоқ”, “Радд усул ал-хамса ли- Аби Умар ал-Бохилий”, “Радд китоб ал-имома ли баъзи ар- равофиз”, “Китоб радд ала ал-қаромита” ҳамда усул ал- фикҳга оид “Маъҳаз аш- шароий”, “ал-Жадал” каби асарлар шулар жумласидандир. Мотуридийнинг ақидавий қарашлари ва калом илмидаги ўзига хос услуби XI асрга келиб Мовароуннаҳрда алоҳида мактаб сифатида тан олинган ва “мотуридия” деб аталган. Мазкур мактаб ўзининг ярим-рационалистик қарашлари билан бошқа ақидавий таълимотлардан ажралиб туради. Унда, масалаларнинг ечимини топишда фақат Қуръон ва суннатга таянибгина қолмасдан, мантиқий тафаккур орқали ҳам ёндошилган. Мотуридия таълимотида асосан мўътазилия, шиа, хорижия, жабария, қадария каби таълимотларга раддиялар берилган. Мотуридия таълимоти XI–XII асрларда кенг миқёсда ривожланган. Ушбу даврларда энди таълимот нафақат Мовароуннаҳрда, барки Хуросон, Ироқ. Миср ва Шом ўлкаларига ҳам тарқала бошланган. Бунда мотуридия таълимоти вакилларидан Абул Муъин ан-Насафий, Абу Ҳафс ан-Насафий, Алоуддин ас-Самарқандий, Нуриддин ас-Собуний, Иброҳим ас-Саффор, Алоуддин ал-Асмандий каби мовароуннаҳрлик олимларнинг катта бўлган. Ашъария. Ушбу таълимотга басралик Абул Ҳасан ал- Ашъарий (873–936) асос солган. Ашъарий умрининг ярмини асосан мўътазилияга қарши курашишга бағишлаган бўлсада, дастлаб унинг ўзи мазкур таълимот вакили бўлган. Мўътазилия таълимотида Ашъарийнинг устози Абу Али ал-Жуббойи бўлган. Қирқ ёшида у мўътазилия таълимотидан воз кечади ва Бағдодга кўчиб умрининг охиригача ўша ерда яшаган. Ашъарий Муҳаммад ибн Жарир ат-Табарий, Иброҳим ибн Аҳмад ал-Марвазий, Махмуд ибн Довуд ал-

Исбахоний, Абдуллоҳ ибн Аҳмад ибн Ҳанбал (в. 290/903 й.), Абу Мансур ал-Мотуридий каби олимлар билан бир даврда яшаган. Ашъария таълимоти ҳам аҳли сунна вал жамоа ақидасига мувофиқ таълимот ҳисобланган. Ушбу таълимот ҳам асосан мўътазилия, қадария, жабария каби таълимотларнинг ақидавий ғояларига қарши турган. Ашъария таълимоти асосан Ироқда, сўнгра салжуқийлар ҳукмронлиги даврида Хуросонда ривожланган. Ашъария таълимоти оид Абул Ҳасан ал-Ашъарийнинг “ал-Ибона ан усул ад-дияна”, “Мақолат ал-исломийин” каби асарларни мисол келтириш мумкин. Ашъария таълимоти мотуридия таълимоти билан бир даврда шаклланиб ривожланган. Тасаввуф ва унга ўзакдош бўлган суфий, мутасаввиф атамаларининг келиб чиқиши ҳақида хилма-хил қарашлар мавжуд. Ҳозирги пайтга келиб кўпроқ тасдиқланган ва кўпчилик (Шарқ ва Ғарб олимлари) томонидан қабул қилинган фикр шуки, ушбу атама «жун, юнг» маъносини билдирувчи суф (ўзак ҳарфлари – свф) сўзидан олинган. Бундан ташқари мазкур атаманинг келиб чиқиши илк ислом даврида зоҳидлик гуруҳлари кўринишида шаклланган «аҳл ас-суффа» (Пайғамбарнинг Мадинадаги уйи яқинидаги суффага йиғилувчи зоҳид кишилар)га тегишли деган фикрлар ҳам мавжуд. Ғарбий Европа тадқиқотчилари эса то XX асрга қадар уни юнонча – «sophia» (ҳикмат) сўзидан келиб чиққан деган фикрга мойил бўлганлар. Суфийлик амалиётининг асосини зикр ташкил этади. Тариқат ҳаётини ташкил этишда тасаввуфда устоз-шогирд сифатида қабул қилинган муршид-мурид алоқалари муҳим роль ўйнайди. Айнан шу алоқа жамият ичида ўзаро манфаатларни биргалашиб ҳимоя қилувчи ташкилот тузилиши учун асос бўлиб хизмат этди.

ТАСАВВУФ — Мовароуннаҳр ҳаётида муҳим роль ўйнаган мутасаввифлардан Сайф ад-дин Боҳарзий, Термиз саййидлари, Саййид Барака, Хожа Аҳрор, Махдум-и Аъзам, Мир-и Араб, Лутфуллоҳ Чустий, Жуйбор хўжаларини айтиб ўтиш мумкин. Сиёсий тарқоқлик йилларида ўз ташкилотлари мададига суянган бу шайхларнинг мамлакат сиёсий ҳаётига таъсири юқори бўлган. Тасаввуф таълимоти кўра, танланган инсонлар (ал-

хосса) Аллоҳ билан ҳиссий боғланиши мумкин. Натижада улар Аллоҳни танишга эришадилар. Қатор суфий муаллифларга кўра, тасаввуфда инсон чуқур мушоҳада ва махсус руҳий–маънавий машғулотлар натижасида Аллоҳнинг бирлиги ичида маънан «йўқолиб кетиши» (фано) ёки у билан «абодийликка эришиши» (бақо) мумкин. Тасаввуф адабиётининг ёзма манбаларига кўра, саҳобалардан тўрт рошид халифа, Абу–д–Дардо, Абу Зарр, Ҳузайфа кабилар биринчи суфийлар эди. Кўпгина суфий тариқатлари ўзларининг силсилаларини Пайғамбар саҳобаларидан бирига ва илк тўрт халифага, кўпинча Абу Бакр (р.а.)га қадар етказадилар. Тасаввуфнинг мафкуравий–диний асоси, шубҳасиз, Қуръони карим маънолари устида чуқур мулоҳаза юритиш, Буюк китобнинг ботиний маъноларини қидириш анъанасини юзага келтирди. Ҳиссий йўл билан Ҳақиқатни излаш суфийларни инсон руҳининг энг нозик ҳаракатлари, ички изтироблар, диний ҳақиқатларни англаш ва чуқур таҳлил қилишга ундаган. Бу маънода тасаввуфнинг илк асосчилари ва намоёндаларидан бўлган «Қалблар ва фикрлар» илми (илм ал–қулуб ва–л– хавотир)га асос солган Ҳасан ал–Басрий (642–728) ни эсга олиш ўринли. Кейинчалик, Ҳасан ал–Басрийнинг издошларидан бўлган ва Басрада яшаган (VIII–IX асрлар) Рабоҳ ибн Амр, биринчи суфий аёл Роби‘а ал–Адавия, Молик ибн Динор ва бошқалар даъватларида аста–секин Аллоҳга [www.ziyouz.com](http://www.ziyouz.com) kutubxonasi — 236 — бўлган соф ҳақиқий муҳаббат, унга руҳан яқинлашишга интилиш ҳақида фикр ва ғоялар пайдо бўла бошлади. Мовароуннаҳрда тасаввуф йўналишининг вужудга келиши ва ривож шайх Абу Яъқуб Юсуф ал–Ҳамадоний (ваф. 1140–41 й.) шахси билан боғлиқ. Ҳамадоний 1048 йилда Эроннинг Ҳамадон шаҳри яқинидаги Бузанжирд қишлоғида таваллуд топган. У 17 ёшлигида илм истаб Бағдодга келади ва у ердаги машҳур “Низомия” мадрасасида ўқийди. Ҳамадоний ҳадислар тўплаш мақсадида Исфаҳон, Балх, Ҳирот, Марв, Бухоро ва Самарқанд шаҳарларига бир неча бор сафар қилади. Ҳамадоний Бағдодда яшаган кезларида ас–Самъоний, Аҳмад ал–Ғаззолий (Абу Ҳомид ал–Ғаззолийнинг акаси)лардан ҳам тасаввуфга оид илмларни

ўрганган. Юсуф Ҳамадоний умрининг иккинчи ярмини кўпроқ Ҳирот, Марв, Самарқанд ва Бухоро шаҳарларида ўтказди. Марв ва Бухорода хонақо ҳамда мадраса курдиради ва кўпдан кўп шогирдларни тарбиялайди. Улар орасида кўплаб туркий ва форсий миллатга мансуб шахслар бор эди, жумладан, Ҳасан Андоқий, Абдулло Бараққий, Аҳмад Яссавий ва Абдуҳолик Гиждувонийлар алоҳида ажралиб турар эдилар. XII асрда Марказий Осиёда пайдо бўлган илк тасаввуфий тариқатнинг асосчиси Хожа Аҳмад Яссавийдир. Яссавия ғоялари бир неча маротаба турли таҳрирда нашр этилган «Девони ҳикмат»да жамланган. Унинг фикрича, дунёнинг ноз-неъматларини сўраган киши суфий эмас, балки зуҳд ва таквони ихтиёр этиб, умрини тоат-ибодатда ҳамда йиғи билан ўтказган киши асл суфийдир. Унинг «ҳикматлар»и халқ орасида кенг тарқалган. Хожа Аҳмад Яссавий бугунги Қозоғистоннинг жанубидаги Чимкент вилояти Сайрам қишлоғида дунёга келган. Баъзи манбаларга қараганда, у Йасида (ҳозирги Туркистон) таваллуд топган. Ривоятларга кўра, бу ерда у Арслон-боб исмли машҳур шайхнинг хайрли дуосига эришган. Оддий халқ оммаси англайдиган услубда суфиёна ҳикматлари, шеърлари билан атрофдаги одамларни ҳақ йўлга чақиради, уларнинг маънавиятига кучли таъсир кўрсатади. Аҳмад Яссавий ҳаётлигидаёқ узоқ ўлкаларга муридларини жўнатиб, ўз тариқатини кенг тарқатишга ҳаракат қилди. Яссавий риёзат, чилла, зикр ва мужоҳадага кучли аҳамият бериб, ҳаётининг аксари қисмини чиллахонада ўтказди. Унинг ҳаёти ва кароматлари ҳақида кўплаб маноқиблар сақланиб қолган. Бу тариқатда муҳим ўрин тутган асослар қуйидагилардан иборат: Аллоҳни таниш (маърифатуллоҳ), мутлақ жўмардлик, ростгўйлик, ўзини Аллоҳга топшириш (таваккул) ва теран тафаккур. Яссавия тариқати хусусиятлари кейинчалик юзага келган кўплаб тариқатларда акс этган. Ҳатто Нақшбандияни Яссавиянинг бир шаҳобчаси деб билувчилар ҳам бор. Аҳмад Яссавийнинг энг машҳур халифаларидан Сулаймон Ҳаким ота Боқирғоний (ваф. 1186 й.), Суфий Муҳаммад Донишманд аз-Зарнуқий ва бошқалар маълум. Яссавийлик билан бир асрда юзага келган тариқатлардан бири бу Кубравиядир. Бу

тариқатнинг асосчиси – Шайх Нажмиддин Кубро ал–Хивақий бўлиб, тасаввуф тарихидаги энг ёрқин сиймолардан бири ҳисобланади. У 1145–1146 йилларда Хоразмдаги Хивак шаҳрида дунёга келган. Мисрда Рузбехон Ваззон ал–Мисрий (ваф. 1188 й.)дан, кейинчалик Табризга келиб, шайх Исмоил Касрийдан таълим олади. Сўнгра Хоразмга қайтиб келиб, хонақоҳ куради ва кўплаб шогирдлар тарбиясига киришади ҳамда “кубравия” ёки “заҳобия” деб аталувчи тариқатига асос солади. Мазкур тариқат соликлари (аъзолари) орасида зикрнинг овоз чиқармасдан “хуфия” ижро қилиш усули кенг қўлланган. 1221 йилнинг июлида Чингизхоннинг лашкарбошиларидан бири Хулагухонга қарши 76 ёшлик Шайх Нажмиддин Кубро халқ орасидан лашкар тўплайди ва Урганч қалъасини бир неча кун душмандан сақлаб туради. Мазкур жанг пайтида шайх Нажмиддин Кубро мўғул босқинчилари томонидан ваҳшиёна ўлдирилади. Ёзган асарлари орасида энг машҳури «Усули ашара» рисоласи бўлиб, бу асар барча тариқатларга ўз таъсирини кўрсатган. Кубронинг асарлари Эрон, Кичик Осиё ва Ҳиндистондаги тариқат муҳитларига кучли таъсир қилган. Чунончи, бу тариқат нақшбандия ва мавлавия тариқатларига ҳам таъсир кўрсатган. Кубравиянинг машҳур шаҳобчалари қуйидагилар: баҳоия хилватия, фирдавсия, нурия, рукния, ҳамадония, нурбахшия, барзанжия. Кубравияда бажариладиган амалларга мувофиқ тарзда Сулукни ўташ чоғида суфий бўйсунуши шарт бўлган 10 қоида ишлаб чиқилган: 1) ат–тавба – дунёвий ҳаёти давомида ўз «Мен»лигидан халос бўлиш; 2) аз–зуҳд фи–д–дунёя – дунёдан ва молу мулкдан воз кечиш; 3) ат–таваккул ала–ллоҳ – барча ишда Аллоҳга таяниш ва дунёвий ишлардан юз ўгириш; 4) қаноат – оз, фақат тириклик учун етарли нарсалар билан қаноатланиш; 5) узлат – тўғри ва руҳий маънода ёлғизлик; фақатгина шайх билан мулоқот қилишга рухсат берилган; 6) мулозамат аз–зикр – Аллоҳ номини доимий равишда ихлос билан ёд этиш (зикр), бу зикр қалбни поклайди; 7) ат–таважжух ила–ллоҳ – бутун борлиқ билан то Аллоҳнинг ягоналигини қалб билан ҳис этмагунича Унга юзланиш; 8) Сабр – тасаввуф йўлининг қийинчиликларини сабр билан адо этиш; 9) Мууроқаба –

дунёвий истаклардан покланган қалбга мутлақ осойишталик етмагунича ўз ўзини назорат қилиш; 10) Ридо – барча жисмоний ҳиссиётлардан, ҳатто ўзининг Аллоҳга бўлган севгисидан қаноатланишдан ҳам [www.ziyouz.com](http://www.ziyouz.com) kutubxonasi — 239 — халос бўлиш, бундан жисмоний ёки шахсий туйғулар йўқолиб, Аллоҳнинг алоҳида марҳаматига айланади. Кубравия таълимоти мўғуллар истилосига бардош берган кам сонли таълимотлардан биридир. Қолаверса, Сайф ад–Дин Бохарзий (ваф. 1363 й., Бухоро) каби кубравия шайхлари бошқа кўплаб шайхлар қатори мўғул қабилалари ва улар ҳукмдорларининг исломлашувига катта таъсир кўрсатганлар. XIV асрда Марказий Осиёда пайдо бўлган яна бир йирик тасаввуфий тариқат нақшбандиядир. Унинг иккинчи номи Хожагон йўналиши бўлиб, Хожа Юсуф ал–Ҳамадонийнинг машҳур шогирди Хожа Абдулҳолик Гиждувоний (ваф. 1179 ёки 1220 й.)га нисбат берилиб шундай номланган. Кейинчалик бу оқимга Хожа Баҳоуддин Нақшбанд (1318–1389) муршидлик қилган ва шу даврдан эътиборан нақшбандия тариқати бутун ислом оламига тарқала бошлаган. Баҳоуддин Нақшбанд Бухоро яқинидаги Қасри Орифон қишлоғида дунёга келган. Ёшлигида хожагон тариқати шайхларидан Муҳаммад Бобо–йи Самосий уни маънавий фарзандликка қабул қилди. Бир муддатдан кейин Самосий унинг тарбиясини Амир Кулолга топширди. Маълум муддат Самарқандда яшаб, у ердаги шайхларнинг суҳбат ва таважжуҳларига мушарраф бўлди. Амир Кулолдан халифаликни олгач, Қосим шайх, Халил ота ва Мавлоно Ориф каби Яссавия шайхларининг ҳузурида кўп йиллар қолиб, улардан илму файз олишга муяссар бўлди. Икки маротаба ҳажга бориб келган Баҳоуддин Нақшбанд ҳаётининг охирги йилларини Бухорода ўтказди. Ислом оламида жуда катта обрў–эътиборга эга бўлган Нақшбанднинг ҳаёти маноқибларга тўла бўлиб, бугунгача унинг ҳаёти ва тариқатини ифодаловчи жуда кўплаб асарлар битилган. Шулардан, Фахруддин Али ибн Ҳусайн Воъиз Кошифийнинг «Рашаҳот айн ал–ҳаёт» рисоласи Нақшбандия тариқати шайхлари ҳақида кенг маълумот беради. Нақшбандия аҳли сунна эътиқодига мувофиқ хафий (махфий) зикрга

асосланган. Зохиран кўзга ташланадиган хатти–ҳаракатлардан йироқ суҳбат ва алоқага кучли эътибор беради. Кўпчилик билан қилинадиган нақшбандий зикрга «Хатми хожагон» дейилади. Бу зикрда тариқатга кирмаганлар қатнашишлари мумкин эмас. Нақшбандияда тариқатга кирган дарвеш ушбу шартларга амал қилиши шарт: доимо тавбада бўлиш, суннатга қатъий амал қилиш, бидъатлардан қочиш, ҳаётий қулайликлардан воз кечиб, тақвони кучайтириш, зулм ва ноҳақлик қилмаслик, қарздор бўлмаслик, бировни норози қилмаслик, қазо намозларини адо этиш, Аллоҳни ҳар лаҳзада зикр қилиш. Нақшбандия тариқати қуйидаги тўрт тамойил асосига қурилган: 1) шариат билан зоҳирни поклаш; 2) тариқат билан ботинни поклаш; 3) ҳақиқат билан қурби илоҳийга эришмоқ; 4) маърифат билан Аллоҳга эришмоқ. Нақшбандия тариқатининг энг машҳур шаҳобчалари: аҳрория, мазҳария, мужаддидия ва холидия. Айни вақтда мусулмон дунёсининг деярли барча мамлакатларида турли тасаввуфий тариқатлар вакиллари фаолият юритаётганини кўриш мумкин. Туркия, Миср, Жазоир, Тунис, Ливия, Индонезия, Малайзия, Иордания, Покистон каби мамлакатларда мавжуд тариқатларнинг саноғига етиш ҳам қийин. Шу билан бирга ушбу сулуқларнинг кўпчилиги тасаввуф таълимотининг илк ғояларидан анча узоқлашиб кетган. Шайхлик мақоми маблағ тўплаш манбаи бўлиб қолган ҳолатлар ҳам йўқ эмас. Туркиядаги кўплаб тариқат вакиллари томонидан шайхларини ўта муболаға билан улуғланиши, уларнинг тавоф қилиниши, шайхларнинг ўз тарафдорлари ва муассасалари мавжудлиги ушбу фикрнинг исботидир. Покистон ва Ҳиндистон ҳудудларида тарқалган тариқатларнинг урф-одатларида йога, буддавийлик, ҳиндуийлик ва қадимги ҳинд фалсафасининг таъсири катталигини кўриш мумкин. Барлавийа, Меҳмандийа ва бошқа қатор тариқатларда қадимги ҳинд фалсафасидаги таносух, яъни руҳнинг кўчиб юриши ғояси кенг ўрин олган. Улар намоз ёки зикр вақтида юқоридан бир жойни бўш қўядилар ва унга Муҳаммад Пайғамбар руҳи келиб ўрнашади, деб ҳисоблайдилар. Масжидларининг қибла тарафида эса ўз тариқатларининг асосчиси ёки пирларининг қабри жойлашган бўлиб,

намоздан аввал ва кейин уни тавоф қиладилар. Ҳозирги пайтда дунёнинг кўп мамлакатларида, Америка Қўшма Штатларидан то Австралия архипелагигача бўлган ҳудудда Баҳоуддин Нақшбанд ва Нақшбандия тариқати маълум ва ҳурматли мақомга эга. Чунки Баҳоуддин Нақшбанд, аввало, ислом дини шариати мезонларини маҳкам ушлаган ва уларнинг бузилишига йўл қўймаган. Иккинчидан, у чин инсоний ғоялар ва фазилатларни илгари сурган, жамиятнинг турли вакиллари ўртасида футувват – жавонмардлик ришталари пайдо бўлишига туртки бўлган. Мустақиллик йилларида диний кадриятларни қайта тиклашга эътибор қаратилиши масжидлар, мадрасалар ва бошқа диний ташкилотлар билан бир қаторда тариқат вакилларининг ҳам фаолиятига кескин туртки бўлди. Натижада ҳозирги пайтда ҳам Марказий Осиёда, хусусан, Ўзбекистоннинг турли ҳудудларида тариқатчилар фаолияти жадаллашди. Ҳозирги кундаги бундай тариқат раҳнамоларининг тарафдорлари сони катта миқдорни ташкил этади. Ҳозирги кундаги «пир»ларнинг ўзига хос жиҳатларидан бири шундаки, улар ўз издошларининг мунтазам кўпайиб бориши ва ўз етакчиларини идеал шахс сифатида кўрсатишга интиладилар. Шунингдек, зикр қилишни ўргатадиган қўлланмаларни ҳали динни яхши билмайдиган аҳоли орасида тарқатмоқдалар. Ушбу қўлланмага доимий амал қилинса, кишининг жаннатга тушиши аниқлиги уқтирилади. Мазкур пирларнинг зиёратгоҳларни таъмирлашда, маиший хизмат кўрсатиш шаҳобчалари қурилишида ҳамда шу каби ободонлаштириш ишларида иштирок этиши ҳам мусулмон аҳоли орасида унинг обрўси ошишига ва тарафдорлари кўпайишига олиб келмоқда. Уларнинг уйида доимий тарзда 20-30 нафар мурид хизматда туради. Мазкур йўналишларда доимо махси-калиш кийиш, чопон ва салла ўраб юриш тавсия этилади. Муридлари учун қатор янгиликлар жорий қилинган бундай тариқатларда илк тасаввуф асосчилари таълимотидан анча йироқлашиш ҳолати кузатилади. Ислом динининг моҳиятига тўғри келмайдиган масалаларнинг бири – «тариқатга кирган кишига илмнинг шарт эмаслиги» ва ҳатто «илмни тарк қилишнинг афзаллиги» ҳисобланади. Бунга далил қилиб



айтадиларки, «илм ибодатга воситадир, у орқали инсон Роббини танийди ва унга бандалик қилишга ҳаракат қилади. Модомики инсон Аллоҳга ибодат қилиш йўлига ўтган экан, унга илмнинг кераги йўқ». Иккинчидан, Аллоҳнинг даргоҳидан қувилган Азозил, яъни Шайтон ҳам бир пайтлар жуда илмли бўлган ва ҳатто фаришталарга дарс берган. Бироқ Аллоҳ таоло Одам (а.с.)ни яратиб, барча мавжудотни унга сажда қилишга буюрганида Шайтон бош тортди ва «Мени оловдан яратдинг, уни эса ботқоқдан», – деб эътироз билдирди. Бу манманлиги туфайли Аллоҳнинг даргоҳидан қувилди», – деб далил келтирадилар. Кейинги пайтларда бундай тариқат вакиллари ўзларининг қарашларини ошқора баён этадиган, бошқаларга ташвиқ этадиган, айрим ҳолларда ўзларининг тариқатчи эканликларини пеш қилган ҳолда ҳокимиятнинг қонуний ишларига ҳам эътироз билдирадиган ҳоллари учрай бошлади. Ҳозирги кундаги тариқатчиларнинг ўзларига мажбурият сифатида олаётган даъволаридан айримлари қуйидагичадир: – ўзгалар (тарафдорлардан бошқалар)нинг диний ёки дунёвий мазмундаги маросимларида иштирок этмаслик; – қоплама (тилла, кумуш) тиш қўйган кишининг таҳорати мукамал бўлмайди дейиш; – намоздан кейин овоз чиқариб дуо ва тиловат қилишни макруҳ деб билиш; – Муҳаммад (а.с.) замонасида бўлмаган ҳар қандай ишни бидъат (янгилик) деб билиш ва инкор этиш. Тариқат вакилларида бошқаларнинг маросимларида иштирок этмаслик жамиятда кишилар орасидаги бирдамликнинг йўқолишига, тарфкашликнинг келиб чиқишига олиб келади. Расулуллоҳнинг даврида бўлмаган ҳар нарсани бидъат – адашишлик деб билиш ҳам тўғри бўлмайди. Чунки наҳв илми, сарф илми каби динимизнинг муқаддас китобини тушунишимизга ёрдам берувчи илмлар, талабаларга диний ва дунёвий илмлардан сабоқ берадиган, мутахассислар тайёрлайдиган мадрасалар, компьютердан дин илмларини ўрганиш каби мусулмонлар жонига оро бўлган амаллар ўша даврда мавжуд эмасди. Бундан ташқари ҳозирги тариқатчиларда айрим масалаларда ҳанафий мазҳаби уламолари билан келиша олмайдиган тарафлари мавжуд. Булар: – Эҳтиёти пешин намозини ўқишни қаттиқ ҳимоя

қилиш; – Ўлган кишига давра қилиш лозимлигига фатво бериш; – Ўзидан бошқа тариқатчиларни ошқора танқид қилиб, уларнинг адашганликларини айтиш. Ваҳоланки, жума намозидан кейин эҳтиётан пешин ўқиш ҳақида Муҳаммад (с.а.в.) ҳеч нарса демаганлар. “Давра” дегани луғатда “айланиш” маъносини англатади. Бу ўринда “давра” ўлган кишига атаб ўтказиладиган маросим бўлиб, маййитга ҳали жаноза ўқилмай туриб амалга оширилади. Бунда марҳумнинг умри давоми ўқиши зарур бўлган намозлари ва амалда ўқиган намозлари ҳисоблаб чиқилади. Рўзалари ҳам шу тарзда ҳисобланади. Шундан кейин адо этилмай маййит зиммасида қолган ибодатлар пул ёки буғдой ҳисобида кўпайтирилиб, марҳум қолдирган мулкнинг меросхўридан бир қисмини эҳсон қилиш талаб этилади. Меросхўр муайян маблағни (мисол учун 200 минг сўмни) даврадагиларга беради. Улар бу маблағни олиб марҳум ибодатларни бажара олмаган йиллари миқдорида (60 ёшга кирган бўлса, унга 12 ёшда намоз ва рўза каби ибодатлар фарз бўлган деб, қолган 48 йил учун 48 марта) ҳалиги маблағни даврада бир-бирларига ўтказишади. Бунда бир киши кўйидаги маънодаги дуони ўқиб туради: Яъни: “Сизларнинг қайси бирингиз яхшироқ амалларни қиласиз деб ўлим билан ҳаётни яратган Аллоҳга ҳамдлар бўлсин. Фалончи фалончининг ўғлининг зиммасида рўза, намоз, ҳаж, закот ва бошқа вожиботлардан Аллоҳ таолонинг ҳаққи бўлса, баъзиларини адо қилиб, баъзиларини адо эта олмай қолган бўлса, ҳозир ўлим сабабли ожиз бўлгани учун марҳумнинг рўза ва намозининг фидяси сифатида сизга мана шу маблағни бераман”. Шу тариқа даврада мавжуд бўлганларнинг ҳар бири ҳалиги маблағни қабул қилиб олади ва ундан кечади. Олдибердининг саноғи марҳумнинг умрига қараб бўлади. Шундай қилиб, даврага йиғилганлар маййит зиммасида бўлган намоз ва рўзалар учун меросхўрдан муайян бир (баъзида аввалдан келишиб олинган) маблағни оладилар. Асл шариат манбаларида давра қилишга бирор кўрсатма қайд этилмаган. Бу каби иш ислом таълимотидаги “ҳар бир инсон ўз қилган яхши ва ёмон ишлари учун ўзи мукофот ва жазо олади”, деган тамойилга мутлақо зид. Яна айрим замонавий тариқатларда тасаввуфга ёки умуман, ислом таълимотига алоқаси

йўқ “суфийлик жанг санъати” ёки “суфийлик рақс санъати” каби тушунчаларни киритиш ҳолатлари учрайди. Масаланинг бошқа тарафини эътибордан четда қолдирмаслик лозим. У ҳам бўлса ислом уламолари ислом маърифий жиҳатдан тарғиб қилиб турган бир пайтда, қандайдир жанг қилиш усулини ҳам бу динга олиб келиб такаш ёшларимизнинг маънавий тарбиясига салбий таъсир этади. Юртимизда ўнлаб шарқона кураш турлари ривожланиб бормоқда. Ватанимиз фарзандлари улар бўйича жаҳоннинг турли майдонларида мусобақаларда қатнашмоқдалар, бироқ уларнинг ҳеч бири қайсидир дин билан боғланмайди. Мазкур таълимот Ўзбекистондаги динлараро бағрикенглик тамойилларига ҳам мос келмайди.

### **Ўтилган мавзу бўйича саволлар**

1. Ислом динидаги илк бўлинишларнинг юзага келишига қандай омиллар таъсир кўрсатди?
2. “Сиффин” жанги қачон ва нима сабабдан бўлиб ўтди?
3. Хаворижларнинг илк амири ким эди?
4. Хаворижларнинг бошқа оқимлардан фарқи нимада?
5. Шиаликнинг асосий моҳияти нимадан иборат?
6. Шиаликнинг имомийлар ва исмоилийларга бўлиниб кетиш сабаблари нимада эди?
7. “Аҳли сунна вал-жамоа” нечта фикҳий мазҳабдан иборат?
8. Илк ислом давридаги бўлинишлар асосан қайси мезонлар бўйича рўй берган?

### **Мавзу: Ислом фалсафаси.**

#### **Режа:**

1. Ислом фалсафининг вужудга келиши, унинг манбалари.
2. Ислом динида бағрикенглик масаласи.
3. Исломшуносликнинг замонавий масалалари.

**Таянч тушунчалар:** Антропогенез, Рух, ҳаёт, ўлим, Калом, араб тили

маданияти, бағрикенглик, исломшунослик, модернизация, глобаллашув.

*Тасаввуф* таълимотига кўра, инсон борлиқдаги энг мукаммал мавжудот бўлиб, ўзида оламнинг моҳиятини жам этади. Шунга кўра борлиқ - дунэ оламу кабир бўлса, инсон олами сағирдир. Агар Коинот миқёсида борлиқнинг бирлиги худода ифодаланса, хоссалари кўринишининг ифодаси - инсондир. Инсон тинимсиз ўз-ўзини билиш орқали комиллик даражасига эришиш имкониятига эга.

Ислом фалсафаси вакиллари инсон муаммосининг барча асосий жихатлари билан шугулландилар. Жумладан, уларни инсоннинг келиб чиқиши, унинг оламда тутган урни, воқеликни узлаштириш имкониятлари, эзгулик юлини танлаган инсоннинг идеали ва ҳақозо масалалар кизиктирган эди. Бу масалаларни таҳлил этиш натижасида Форобий инсоннинг барча мавжудотларидан фарқи ақл идрокдадир, деган хулосага келган бўлса, Ибн Сино ақлнинг ўзини умумий қарашлар ва алоҳида нарсалар тўғрисида фикр юритишга кодирлик шаклида талкин қилади.

Бу муаммо ҳақидаги *Берунийнинг* фикрлари ҳам аҳамиятлидир. У инсоннинг Худо томонидан яратилганлигини курсатиб, айни вақтда унинг бутун ҳаёти ва жисмоний тузилиши жугрофик омиллар билан ҳам боглиқ эканлигини курсатиб шундай деган эди: "инсон танаси, ранги, ҳақиқий киёфаси, табиий белгилари фақат келиб чиқишигагина эмас, балки тупроқ, сув, ҳаво ва турар жойига ҳам боглиқдир".

Инсон муаммоси таҳлили янги замон фалсафасининг барча боскичларидан эгаллаган урни, тутган аҳамиятига кўра утмиш даврларида мавжуд бўлган таълимотлардан сифат жихатидан фарқланди. *Уйғониш даври* тафаккурида утмишдаги таълимотларнинг биронтасида булмаган хол инсонни бетакрор индивидуалликларнинг йигиндиси сифатида олиб қараш бошланди, инсоният бетакрор инсонлардан ташкил топгани курсатилди. Бундан эса тирик табиатда бўлганидек, инсон табиатининг ҳам бир хил эмаслиги, айни пайтда инсони билан инсониятнинг манфаатлари

муштараклашадиган муҳим нукталар борлиги тўғрисида хулосалар чиқарилади.

Бу давр фалсафасида биринчидан, инсон, унинг алоҳидалик сифати ва имкониятларининг чексизлиги масаласи турса, иккинчидан, индивидуализм, эгоизм (худбинлик), манфаатпарастликнинг ҳам фалсафий таҳлиллари кўрина бошланди. "Инсон инсонга бўри", "хамманинг ҳаммага қарши уруши" кишилар ҳаётининг табиий ҳолати (*Т. Гоббс*), деган қарашлар келиб чиқиши тасодиф эмас эди.

Нэмис мумтоз фалсафаси асосчиси *И. Кант* учун "инсон дунёдаги энг асосий мавжудотдир". У бир томондан, табиатга тегишлидир, иккинчи томондан - ахлоқан эркин ва, учинчидан, доимо қадриятлар билан иш кўради. Бу сифатларнинг биринчисида инсон зарурият олдида турса, иккинчисида маънавий эркинликка эгадир.

Инсон муаммоси *З. Фрөйд* асос солган руҳий таҳлил фалсафасида катта ўрин тутган. Унинг фикрича инсон онги ёрдамида ўзининг "МЕН"ига ҳам эга бўлади. Айни вақтда унда инсон руҳининг олий катлами - "суперМЕН" ҳамда энг паст кучли катлам "У" ҳам фарқланмоғи лозим. Булар биргаликда олингандагина инсон уз руҳий борлигини тушунтира олади.

*Антропогенез* доирасида инсоннинг биологик табиати билан ижтимоийлиги нисбатини аниқлаб олиш муҳимдир. Умуман олганда бу муаммони ўрганиш инсоннинг энг қадимги тарихидан бошлаб долзарб бўлиб келмоқда. Негаки, инсоннинг айни бир вақтнинг ўзида ҳам жонли табиатга, ҳам жамиятга мансублиги ҳар доим кўпгина масалаларни келтириб чиқариши билан бирга тўғридан тўғри, принтсипиал жихатидан дунёқараш масалаларини ҳам кун тартибига қуяди. Буни Арастунинг, инсон "сиёсий ҳайвондир", деган сузларида ифодаланган маънодан ҳам билса бўлади. Ҳақиқатдан ҳам Ҳомо сапиенс тури биологик жихатдан Ҳомо уругининг Ҳомо ҳофилис (қобилиятли одам), Ҳомо ерестус (тикка юрувчи одам) каби турларидан фарқ қилинмасада, лэкин бир хил сезиш органлари, бир хил қон айланиши, мускул, нафас олиш, суяк тизимлари ва ҳақозоларга эгадир.

Булардан келиб чикиб инсоннинг барча хатти - ҳаракатлари, орзу истақлари ва фаолияти турлари охир оқибатда биологиявий такозо этилган дейишга асос борми? Фалсафа тарихида бунга икки хил: инсон белгиловчи томонига кўра, биологик мавжудот ва инсон ижтимоий мавжудот, ижтимоийлик унинг биологиявий табиатини охир оқибатда белгилайди, деган жавоблар берилган.

Биринчи хил жавоб тарафдорларидан баъзилари ҳозирги замон сотсиобиология илми далилларига таяниб шундай мулоҳаза юритадилар: инсон хатти - ҳаракатининг асосий стереотип кўринишлари буйича барча сут эмизувчиларга анча яқин. Ўзига хосликларига кўра эса инсон ўзининг бевосита утмишдошлари бўлган гуруҳга мансубдир. Фрэйд ва унинг тарафдорлари таъкидлашича, инсон ҳам бутун ҳайвонот дунёсида бўлгани каби хилма - хил инстинкт туфайли ҳаракат қилади. Биринчи ўринда улар ичида инсон авлодини давом эттириш, жинсий инстинкт туради. Шу билан бирга инсон ўзида фаолиятини маънавий, ҳуқуқий чэкловчи ижтимоийлик сифатлари бўлгани учун бошқа ҳайвонлардан фарқ қилади. Бу ижтимоий сифатлар туфайли инсон ўзининг шахвоний хирсини чеклаши лозим бўлади.

Иккинчи нуқтаи назарга кўра (А. Н. Леонтгъев ва б.), одам боласи инсон бўлиш қобилияти билан тугилади. Бу ўринда табиат томонидан белгиланган ва инсон томонидан давом эттирилган хусусиятлар соков, қар, қур бўлган болаларда қандай намоён бўлиши устида утказилган тажриба яқунлари ҳам катта аҳамиятга эга. Москва университети психология факультетида ўтказилган тажриба жараёнида уларга дастлаб ёзиш кўникмалари ўргатилди. Ундан кейин эса улар аста секин гапиришга, Бройл алифбоси буйича ўқишга ўргатилди. Натижада, табиий қур, соков ва қарлигича қолганлари холда улардан тўрттаси университетни тугатган.

Инсон ривожланишида биологиявий ривожини ижтимоий - маданий ривожланиш босқичига ўтиши билан юзага келган бу бирлик унинг моҳиятини белгилайди.

Ҳар қандай жонли мавжудот сингари инсон ҳаётининг ниҳояси борлиги, бошқа мавжудотлардан фарқли уларок у ўзининг охир оқибатда

улимга махкумлигини англаши ҳам фалсафий муаммолар доирасига киради. Бу - тасодифий хол эмас. **Инсон ҳаёти ва ўлими масалалари** асотирлар ва динларда ҳам марказий ўринни эгаллаган. Кишиларда дастлаб ўлимдан куркиш туйғуси кучли бўлган. Кейинроқ асотирий диний тасаввурлар воситасида бу жараён мажбурий эканлиги ҳақидаги эътиқод билан алмашинди. Асотирларда ҳайвонлар ҳам, кишилар ҳам уладиган тана ва улмас руҳга эга деб курсатилган. Руҳ нозик, номоддий табиатга эга бўлиб, ўзида инсон вужуди тимсолини гавдалантирган. У йўқолмайди, ўлмайди ва ўз маконида яшайди, ҳамда ўз жойини алмаштириб туради. Баъзи диний таълимотларда тана ўлгач, руҳ бир жонзотдан иккинчисига ўтиб туриш курсатилган. Турли фалсафий юналишлар ва мактаблар ҳаёт ва улим масалаларини турлича тушунтирганлар. Фалсафа тарихида айрим буюк файласуфлар учун бу масалалар шахсий ҳаёт тақдирини хал қилиш билан боғлиқ бўлган. Масалан, Сукротнинг ўз ўлимига розилиги ҳақидаги қарори унинг ҳаёти учунгина эмас, балки ундан кейинги фалсафий муаммолар ривожланиши учун аҳамиятга эга бўлган. Афлотун бу қарорда файласуф учун уз ҳаётини олийжаноблик билан тугатиш имкониятини кўрган. Унинг фикрича инсон маънавий мавжудот сифатида илохий моҳиятга эга. Бу унинг ўзини устида ишлаши, ўзини такомиллаштириши ва илохий дунё сари интиланлигида намоён бўлади. Шунинг учун ҳам улим машуллиқдир, яъни маънавиятли инсонда улимдан куркиш туйғуси булмайди.

**Ислом динида инсон ҳаёти, унинг маъноси ва ўлими масаласи** катта ўрин олган. Ҳаётнинг маъноси - бу руҳнинг саломатлиги, доимий роҳат фарогатга элтувчи меҳнат ва билимдир. Инсон ўз ҳаётини худбинлик ва ёвузликдан сақламоғи, бутун умри давомида охиратни уйламоғи керак.

Суфий мутафаккирлар - Абдуҳолиқ Гиждувоний, Аҳмад Яссавий, Нажмиддин Кубро ва Баҳоваддин Накшбанд таълимотларида ҳаётнинг маъноси, улим ва мангулик масалалари инсоннинг илохий моҳиятини билишга интилиши, ҳалол меҳнат қилиб бошқаларга мэхр - мурувватли, раҳм - шафкатли бўлиши билан боғлиқ равишда ёритилди. Европадаги Янги давр

фалсафасида ҳам Шарк фалсафаси таъсири остида хаёт ва улим масалаларига янги қарашлар шаклланди. Жумладан, хаёт ва улимни икки антропологиявий моделда - табиий инсон ва янги Европача инсон моделлари орқали ифодаланди. Агар биринчи моделда инсон фанлар объектти бўлса, иккинчисида у ўзини оламнинг маркази сифатида англаган, ақл -идроқи ва эркинлигини ўзи йўналтирадиган, уз хаётини утмишдан ҳозирги, ундан эса келажакка қараб боришини тушунган мавжудот сифатида баҳоланади.

*Ҳозирги инсон фалсафаси* бу муаммо таҳлилида уз ичига 20 тагача оқимни олади. Уларнинг барчасида асосан инсон моҳияти, мазмуни ва ниҳояси мушоҳада қилинади. Бу таълимотларга кўра, инсон моҳияти масаласи таҳлилида ҳозирги цивилизация кадриятлари талабларини ҳисобга олиш ҳам муҳим аҳамиятга эгадир. Ҳозиргача эришилган юксак цивилизация сабоқларига асосланиб инсон муаммоси таҳлилида янги давр фалсафий таълимотлари ўртага қуйган гоёларга ҳам таянмоқ кэра. Калом Янги инсон модели табиий инсон моделини ҳам ўзига сингдиради. Шу сабабли янги ижтимоий, маънавий инсон модели юзага келди. Ҳозирги инсон кўпроқ шартли мулоҳазалар асосида яшашга мойилки, уни бундай яшаш ва фикрлаш юлига радио, телевидение, кино, театр, бадиий адабиёт ва албатта, ўзининг мустақил фикр - уйлари олиб келган. Натижада у ўзининг ўлимидан кейинги хаётдан кўпроқ ташвишланмоқда. Хаёт канча яхши бўлса, кишига ўлим шунчалик дахшатли кўринади.

**Калом** — (араб. - равон нутқ, жумла, гап, сўз) - ислом илоҳиёт илми. 8-а.да араб халифалигида пайдо бўлган. Калом ислом диний таълимотини асослашга ҳаракат қилади. Калом тарафдорлари мутакаллимлар дейилади. Калом турли диний-сиёсий гуруҳлар (хорижийлар, қадарийлар, жабарийлар, муржибийлар ва ҳ.Калом) пайдо бўлиши билан боғлиқ баҳслар жараёнида вужудга келди ва тараққий қилди. Уламолар илми каломнинг таърифида ҳам бир неча хил фикрлар айтганлар. Енг қад. таъриф Абу Наср Форобийга тегашли бўлиб, у, "Калом синоати ила миллатнинг асосчиси айтган чегараланган гап ва ишларга нусрат берилур ва унга хилоф қилган барча



сўзларни беҳудага чиқарилур", деган. Илми калом ҳақида Ғаззолий куйидагиларни айтади; "У бир илм бўлиб унинг мақсади аҳли суннанинг ақидасини аҳли бидъатнинг ташвишидан муҳофаза қилиш ва кўриқдашдир. Аллоҳ таоло Ўз бандаларига Ўз пайғамбари тилида ҳақ ақидани илқо қилди. Унда уларнинг дини ва дунёсининг салоҳи бордир. Шунингдек, унинг ҳақида Қуръон ва хабарлар нутқ қилди. Сўнгра шайтонлар ўз васвасаси ила бидъатчиларга суннатга хилоф ишларни илқо қилди. Улар ўша ишларни гапирдилар ва аҳди ҳақнинг ақидасини бузмокчи бўлдилар. Бас, Аллоҳ бир тоифа мутакаллимларни пайдо қилди ва уларнинг ҳимматини тартибга солинган калом ила суннатнинг нусрати йўлида ҳаракатга солди. Шу орқали аҳли бидъатнинг суннатга хилоф равишда чиқарган алдамчиликлари фош қилинади. Ана шундай илми калом пайдо бўлди". Илми калом пайдо бўлган вақтга келиб ақидага оид масалаларга аввалги вақтларга ўхшаб фақат Қуръон ва суннатдан далил келтириш билан кифояланиб бўлмай қолган еди. Қарши тараф ақлий далил ҳам келтиришни талаб қилар еди. Каломга хос услуб ва мавзулар мажмуи биринчи бор ал-Жаъд ибн Дирҳам (742 й. қатл етилган) ижодида учрайди. У доимо ақл-идрокка таяниш талабини илгари сурди ва фақат инсон салоҳияти ожизлик қилган ҳоллардагина Қуръон оятларини рамзий-мажозий маънода талқин қилиш мумкин, деб ҳисоблади. Унинг шогирди Жаҳм ибн Сафвон (745 й. қатл етилган) устозининг ғоясини давом еттирди. Жаҳмнинг қарашлари муътазилийларга яқин бўлгани боис одатда бу икки таълимотни бир-биридан фарқламайдилар. Муътазилийларнинг каломи 9-а.нинг 1-ярмида равнақ топди. Аммо, халифа ал-Мутаваккил (847-861) даврида қувган остига олинди. Маълум вақтгача суннийликда муътазилийларнинг фалсафий далилларига қарши курашда ғоявий курол ролини ўйнаши мумкин бўлган ақоидлар тизими мавжуд емас еди ва фақат Қуръон ҳамда ҳадисларга ҳавола қилиш билан чекланиларди. Айнан муътазилийлар ўзларининг мантиқий-фалсафий исботлаш услублари билан ҳақиқий ислом йўли шаклланишига бевосита таъсир кўрсатди. Бундай тизим 10 а.га келиб ишлаб чиқилди ва уни каломни ақидапарастлар билан мурасага

келтиришни ўз олдига мақсад қилиб қўйган ал-Ашъарий (873-935) ва ал-Мотуридий (870-944) амалга оширдилар. Натижада КАЛОМнинг ашъарий ва мотуридийлик мактаби вужудга келди. Машҳур мусулмон уламолари илми КАЛОМ ҳақида ўз замонлари ва билимларига қараб турлича фикр биддирганлар. Имом Абу Ҳанифа илми каломда "ал-Фикҳул Акбар" номли китоб ёзган ва "диндаги фикҳ илмдаги фикҳдан афзалдир. Чунки, диндаги фикҳ аслдир. Илмдаги фикҳ фаръдир. Асл фаръдан афзаллиги маълумдир" деган. Имом Молик, Аҳмад ибн Ҳанбал, Жалолиддин Суютий ва Ибн Абдул Баррлар ҳам бу илм ҳақида салбий фикрда бўлганлар. Имом Абул Ҳасан ал-Ашъарий илми каломни мадҳ етиб китоб ёзган. Имом Ғазолий ўртача йўл тутган ва илми каломда яхши тараф ҳам салбий тараф ҳам борлигани таъкидлаб, у билан фақат мутахассис олимлар машғул бўлиши кераклигини уқтирган. Бу фикрларни тадқиқ қилиб ўрганган олимлар, илми КАЛОМни, хусусан, ундаги адашувларни танқид қилганлар. Уни мадҳ қилганлар еса, фойдали тарафларини еътиборга олганлар. Шунинг учун унинг ижобий тарафларидан кўп нарсани ўрганса бўлади, дейдилар. Боқиллоний (1013 й. в.е.), ал-Жувайний (1085 й. в.е.), аш-Шаҳристоний (1153 й. в.е.) ва ар-Розий (1209 й. в.е.)лар ашъарийлик мактабининг йирик намояндаларидир. Ашъарийлар зоҳиран ўзларини муътазилийларга қарши қўйиб, ҳанбалийлар билан мураса қилишга интилган бўлсалар-да, дунёқараши бўйича мутазилийларнинг ақл-идроққа асосланган йўлини давом еттирди. Каломнинг иккинчи йирик мактаби -мотуридийлик ҳам мустақил тарзда тараққий етди. Ашъарийлар мактаби асосан шофиъийлар орасида тарқалган бўлса, мотуридийлик ҳанафийлик доираларида кўплаб тарафдорларга ега бўлди ва хусусан, Мовароуннаҳр мусулмонларининг асосий ақидасига айланди. 13-адан калом Ибн Сино асос солган шарқ фалсафаси билан яқинлаша бошлади. Натижада, Ибн Халдун таъбири билан айтганда, калом ва фалсафани бир биридан ажратиш мушкул бўлиб қолди. Бу ҳол Байдовий (1286 й. в.е.), Исфаҳоний (1349 й. в.е.), Ижий (1355 й. в.е.), Тафтазоний (1390 й. в.е.), Журжоний (1413 й. в.е.)лар ижодида ўз ифодасини топди. Янги ва енг

янги даврларда Жамолиддин Афғоний, Муҳаммад Абду, Аҳмад Амин, Ҳасан Ҳанафий каби мусулмон ислохотчиларининг асарларида калом ва айниқса, муътазиллийлар ғоялари мафкуравий асос вазифасини бажариб келди. Вақт ўтиши билан ислом оламида фақат ахли сунна ва жамоанинг илми калом бўйича таълимотлари ҳукм сурадиган бўлди. Фалсафа ва б. фикрий мазҳаблар чиққанидан кейин илми калом истилоҳининг ўзи ҳам истеъмолдан чиқиб кетди.

2. Исломдаги бағрикенглик тушунчаси нафақат мусулмонларни, балки бутун башариятни, таъбир жоиз бўлса, бутун яратилган нарсаларнинг қамраб олганлиги барчамизга маълум. Битта мушукни очидан ўлдирганнинг дўзахи, чанқаган итга ковушида сув келтирган инсоннинг жаннати бўлганлигининг башорати фикримизнинг яққол далилидир. Айниқса, иймон-эътиқод ва ибодат эркинлиги инсонларнинг энг асосий ҳақларидир. Бу ҳуқуқни ҳурмат қилиш ҳар бир инсоннинг мажбурияти ҳисобланади.

Бағрикенглик ислом ахлоқининг асли, ўзагидир. Бағрикенглик – ҳеч кимни айбламаслик, бошқалардан паст кўрмаслик, хафа қилмаслик, доимо кечиримли бўлиш, бошқа инсонларнинг ишонч ва қарашлари, эътиқодларини ҳурмат қилиш, хушфееълик билан қабул қилиш, демакдир.

Барча илоҳий динларнинг ибодатхоналари у мусулмонларнинг масжиди бўладими, насароларнинг черковими, яҳудийларнинг синагогасими муқаддаслик хусусиятига эга. Муқаддас динимизда мусулмонларнинг масжидлари қай даражада ҳимоя қилинса, бошқа ибодатхоналар ҳам айнан шу даражада қўриқланиши зарурлиги белгилаб берилган. Зеро, Аллоҳ таоло Қуръони каримда марҳамат қилиб айтадики: “Агар Аллоҳ одамларнинг айримларини айримлари билан даф қилиб турмаганида, шубҳасиз, (роҳибларнинг) узлатгоҳлари ҳам, (насронийларнинг) бутхоналари ҳам, (яҳудийларнинг) ибодатхоналари ҳам, Аллоҳнинг исми кўп зикр қилинадиган (мусулмонларнинг) масжидлари ҳам вайрон қилинган бўлур эди” (*Ҳаж сураси, 40 оят*).

Динимизда мусулмон одам бемалол масжидга бориб ибодатини адо қилишида қанчалик эркин бўлса, насронийлар черковларига, яҳудийлар эса синагогларига худди шунингдек эмин-эркин бориб ибодат қилиш ҳуқуқи мавжуд ва ҳеч ким бу масалада ҳеч кимга босим ўтказиш ёки даҳл қилиши қатъиян мумкин эмас. Бошқа дин вакиллари ва динсизларга ҳам айни мезон ва ҳақлар ўринли.

Бу ҳолатни пайғамбаримиз Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам Мадина давридаги яҳудий ва насроларга кўрсатган марҳамати, Ҳазрати Умарнинг Масжидул Ақсодаги насронийларга бўлган муомаласи ҳамда шу кунгача мусулмон ҳукмдор ва олимларнинг бошқа дин вакилларига бўлган эҳтиромлари ҳақида кўплаб мисоллар келтиришимиз мумкин.

Ҳазрати Расули Акрам алайҳиссалом барча инсонга гўзал муомалада бўлиш лозимлигини уқтирганлар. Шахсан ўзлари ҳаётда яшаб, ўрнатган ҳам бўлганлар. Буни Аллоҳнинг ўзи Қуръони каримда қиёматга қадар муҳрлаб, тасдиқлаб қўйибди: “Агар кўпол, қаттиқ дил бўлганингизда, албатта улар атрофингиздан тарқалиб кетган бўлар эди” (*Оли Имрон сураси, 159 оят*).

Исломнинг дастлабки 2-3 асрларида ким мусулмон, ким мусулмон эмас, деган тортишувлар авж олган бир пайтда Марказий Осиё уламолари ислом динини қабул қилиб, ўзини мусулмон санаган кишини кофирликда айблаш мумкин эмас, деган қоидани ислом динининг манбалари билан асослаб бердилар.

Ислом динининг Мавороуннахр (ҳозирги Марказий Осиё)да кенг тарқалган мазҳаби ҳанафийликнинг бош ақидавий тамойиллари ана шундай бағрикенгликка асосланган. Имоми Аъзам Абу Ҳанифа (699–767) томонидан бошланган бундай бағрикенгликнинг илмий-ақидавий асослари юртимиз алломаларидан Имом Мотуридий (870–944), Абул Муин Насафий (1046–1115) каби зотлар томонидан давом эттирилди. Улар қолдирган бой илмий мерос асрлар оша мусулмон мамлакатлар мадрасаларида диний бағрикенгликка асосланган қўлланмалар сифатида ўқитиб келинди ва ҳозирги кунда ҳам ўқитилмоқда.

Марказий Осиёдаги мусулмон ва бошқа дин вакиллари ўртасидаги муносабатлар ўзаро ҳурмат ва бағрикенгликка асосланган. Бугун республикамизда

16 конфессия вакиллари эмин-эркин фаолият олиб бормоқдалар. Мураккаб тарихий жараёнлар синовларини мардонавор енгиб ўтишлари натижасида шаклланган диний бағрикенглик муҳити мамлакатда тинчлик, тараққиёт ва фаровонликка хизмат қилмоқда. Чунки бу ҳолатдан барча дин вакиллари манфаатдордирлар. Мана шу олийжаноб мақсад йўлида барча конфессиялар юртимизда ва хорижда ташкил этилаётган маънавий ва маърифий тадбирларда республикамизда диний бағрикенглик ва ижтимоий барқарорликни янада мустаҳкамлаш борасида амалга оширилаётган ислохотларни қўллаб-қувватлаб келмоқдалар.

Бугунги кунда Ўзбекистонда ҳар бир диний конфессия ўзининг диний ташкилотига эга бўлиб, диний маросимларини эътиқодлари асосида амалга оширмоқда. Конфессиялар ўз фаолиятларини Ўзбекистоннинг «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги Қонунига амал қилган ҳолда олиб бормоқдалар.

XX аср башарият тарихига иккита жаҳон уруши содир бўлган аср сифатида ёзилди. Бутунжаҳон афкор оммаси XXI аср — тинчлик асри бўлмоғи учун курашмоқда.

Бу йўлда диний бағрикенглик, динлараро мулоқот катта аҳамият касб этади. Анъанавий диний бағрикенглик ўлкаси сифатида маълум ва машҳур бўлган Ўзбекистон бу жабҳада ҳам ўз вазифасини шараф билан адо этмоқда.

**Ҳозирги кунда маданиятимиз ривожланишида ислом динининг ўрни.** Марказий Осиё худудига кенг тарқала бошлаган ислом дини, унинг таълимотлари асосида дунёга келган маънавий маданият ҳозирги кунга қадар ардоқли бўлиб қолмоқда. Албатта, мусулмон маданияти деб ном олган улкан маънавий кадриятларни фақат ислом динидан иборат қилиб қўйиш тўғри бўлмайди. Лекин шунга қарамай, ҳаёт қамрови жиҳатларига кўра,

маданиятлар яқинлашуви ижтимоий тафаккурнинг сиёсий ва маънавий соҳаларнинг барча томонларини янада кенгайтирган. Ана шу маданиятлар муштараклигида янги «араб тили маданияти» деган маънавий бойлик-цивилизация вужудга келган, маданиятлар яқинлашуви ҳозирги кунда урф-одат, анъана, турмуш тарзи яқинлигига олиб келди. Аксарият кишиларда исломга эътиқод қилиш, ҳатто миллий бирликда ҳам алоҳида мазмун касб этмоқдаки, буни биз кундалик турмушда кузатиб турибмиз.

Мусулмон олами маданияти ҳозирги кунда бир миллиард 400 млн.дан ортиқ аҳоли яшайдиган ҳудудларда инсоният турмуш тарзи ва онгига баракали таъсир кўрсатиб келмоқда. Ҳаёт зиддиятларини бартараф этишда фақат илмий билишнигина қудрати камлик қилиб қолди. Қисқаси, у илмий камолот доираси ҳаётининг ранг-баранг соҳаларини қамраб ололмаётир.

Мамлакатимизда ҳам ислом дини ижтимоий-сиёсий ҳаётнинг барча соҳаларида фаоллик билан аралашувига олиб келди. Қуръонда, ҳадисларда баён этилган қатор ахлоқий қоидалар ҳаёт заруриятидан келиб чиқиб истеъмолга кирган, инсон ва жамият учун, уларнинг бирини-бирига мустаҳкам боғлаб турувчи тамойиллардир. Масалан, ҳадислардаги «Сизларга яхшиларингиз билан ёмонларингиздан хабар берсам, сизларни яхшиларингиз-яхшиликка умид қиладиган ва ёмонликдан эса ўзини тиядиганларингиздир»,<sup>1</sup>-деган ривоят бизни шу маънавий манбадаги қадриятлар, диний арбоблар уқтирганларидек, фақат Муҳаммад пайғамбар ҳаёти, фаолияти ҳақидаги ривоятлар бўлибгина қолмай, шу билан бирга ижтимоий амалиёт зарурияти туфайли юзага келган аччиқ ҳаёт сабоқларидир. Мазкур сабоқларни пухта эгаллаган киши ахлоқ одобда етук ва баркамол бўлади.

Диний ақидаларнинг мусулмон олами сажда қиладиган кўринишлари ўзининг амалиёти (практика)га ўта яқинлиги ва маҳаллий аҳолининг турмуш тарзи меъёрларини чуқур ҳисобга олганлиги билан ҳам қимматлидир. Чунончи, халқнинг, миллат ва элатнинг этнографик хусусиятлари, урф-

<sup>1</sup> Ахлоқ-одобга оид ҳадис намуналари. Тошкент, 1990, 60-бет.

одатлари, қолаверса, жуғрофий яшаш муҳитининг ўзига хослиги ҳисобга олинса самарали бўлади.

Кейинги пайтларда биз ҳар томонга оғишларидан халос бўлиб, ҳаётнинг чексиз зиддиятларини худди унинг ўзидан англаб етишга киришдик. Жумладан, диний қадриятларга ҳам кенг йўл очиб берилди. Очиғини айтганда, ислом оғушида дунёга келган қадриятлар синонимига айланиб қолди. Исломга, Қуръонга, ҳадисларга бўлаётган қизиқиш ортмоқда. Халқ ўзининг ўтмишини чуқур ўрганиш сабоқларини ислом қадриятлари доирасидан қидирмоқчи бўлиб, маънавий меросни, эски ўзбек бадиий ва илмий адабиётни кенгроқ ўрганишга киришди.

Ислом доирасида вужудга келган урф-одатларга эътиқод, бу дин қадриятларига эҳтиромларда ўз ифодасини топмоқда. Масалан, кенг жамоатчилик Ўзбекистонда Каъба Мадина шаҳридаги Муҳаммад қабрини тавоф қилишга, кўплаб ҳаж сафарига борганлар фаолиятини сергаклик ва ҳурмат билан кузатди. Яқин 70 йиллик тарихимиз жараёнида мустақиллик туфайли биринчи бор кўрсатилган бундай илтифот ва мурувватдан мамлакатимиздаги барча мусулмонлар жуда мамнун бўлмоқдалар.

Мазкур мустақиллик шароитида ҳурфикрлик негизида юзага келган маросимлар билан бирга диний қадриятлар, урф-одатлар инсон қалбини мунаввар этишдек улуғ хизмат қилмоғи лозим.

Шундай маросимлар умуминсоний фазилатлар хазинасига ўзбек халқининг ислом ақидалари доирасида шаклланган қадриятлари бўлиб қўшилади, бинобарин, башарият маънавий тараққиётига қўшилган муносиб ҳисса бўлиб қолади.

Хулоса шундан иборатки, кўпгина ислом қадриятлари дунёвий асосларга эга бўлиб, уларга риоя қилиш бошқа диний қадриятларда бўлгани каби кишиларни сабот-матонатига, ўтмиш ахлоқ-одоб тамойилларига садоқатга, ҳаёт қийинчиликларини мардона, чидам билан енгиб ўтишга ўргатади. Мазкур қадриятлар асрий анъаналаримиз ва маданиятимизга, яшаш тарзи мушкулотларимиз ва гоҳо тушкунликка учраган руҳиятимизга боғлиқ

бўлгани учун ҳам ҳаётимизга яқин ва бизга тушунарлидир.

Ҳозир ҳам бир қатор ислом кадриятлари ўзининг ижобий таъсирини кўрсатмоқда. Маънавий ва моддий ҳаётнинг турли соҳаларида ислом нури ила йўғрилган кадриятлар изчиллик билан сақланиб, давом этиб келмоқда. Тўйлару маъракаларда, турли таомилларда, турмушнинг турли онларида хайрли анъаналар кўпинча Қуръон суралари, оятлари, ҳадис намуналари орқали одамлар қалбидан ўрин олмоқда. Бундай эҳтиром ўтмиш авлодлари урф-одатларига садоқат рамзи сифатида қабул қилинмоқда ва ардоқланмоқда. Оддий халқ-зиёли ҳам, ишчи ҳам, деҳқон ҳам фақат тинчилик ва ҳаёт фаровонлигини орзу қилади. Буни амалга оширишда эса асрий эзгу ақидалар, кадриятлар тимсоли бўлган ислом анъаналари ҳам маънавий ва амалий ёрдам беради.

3. Юртимизда мустақилликдан сўнг диншунослик, исломшуносликка ёндашув тубдан, кескин ўзгарди. Ушбу янгиланиш, ўзгаришга Республикамиз Президенти, мухтарам Шавкат Мирзиёевнинг олиб борган ҳар томонлама оқил сиёсати, шахсан у кишининг ислом дини ва кадриятларига, шунингдек, ислом маданияти билан узвий боғлиқ бўлган маданий, маънавий меросимиз дурдоналарига бўлган эътиборлари туртки бўлди. Шу боис, диншунослик, исломшуносликка тўлақонли илмий соҳа сифатида қарала бошланди, ҳам дунёвий, ҳам диний мазмунда умумлаштирилган илмий ёндашув шакллана бошлади. Ушбу соҳаларни илмий жиҳатдан тўғри шакллантириш учун биринчи навбатда асл манбаларни ҳозирги замон ўзбек тилида, замондошларимиз тушунадиган тарзда нашр этилиши лозим эди. Қуръони карим матнининг ўзбекча изоҳли таржимасининг яратилиши исломшунослик, хусусан, қуръоншунослик фанининг сезиларли ютуқларидан бўлди. Абдулазиз Мансур томонидан амалга оширилган ушбу таржима аждодларимиз ҳамда ҳозирги кунда биз эътиқод қилиб келаётган ислом дини таълимоти асосларини тўлақонли англашга хизмат қилади. Бу йўналишдаги тадқиқотлар бугунги кунда жадал давом этмоқда. Бунинг таъкиди сифатида Абдулазиз Мансур томонидан



амалга оширилаётган Қуръони каримнинг янги тўлдирилган изоҳли таржимасини келтириш мумкин. 2018 йил ушбу изоҳли таржиманинг янги нашри амалга оширилди. Исломшуносликнинг энг муҳим, долзарб муаммоларидан бири Қуръон мавзулари ҳисобланади. Бу мавзулар қадимдан у ёки бу кўринишларда адабиёт, илму фаннинг турли соҳаларига оид асарларда ўз аксини топган. Шунингдек, кейинги йилларда исломшуносликка оид кўплаб манбалар ўзбек тилида нашр этилди. Улар сирасига Имом Бухорийнинг 16 йиллик меҳнати самараси бўлган, Қуръондан кейинги мўътабар, ишончли манба ҳисобланмиш «Саҳих» ҳадислар тўпламининг 4 жилдли ҳамда 2 жилдли, Имом Термизий «Сунан»ининг 1 жилди, ханафий мазҳаби ҳуқуқшунослигининг асосий манбаси Бурҳонуддин Марғинович «Ҳидоя»сининг 1 жилди ҳамда шариат қонунларига қисқача шарҳ тарзида битилган «Мухтасар» китоби, исломшунослик, дунё динлари тарихига бағишланган қатор асарларни киритиш мумкин. Мустақиллик йилларида исломшунослик соҳаларида тубдан сифат ўзгаришлари амалга ошмоқда. Ўзбекистон халқаро ислом академиясини ташкил этиш тўғрисидаги фармон ушбу сифат ўзгаришларига тамал тошини қўйди. Ушбу фармонга мувофиқ дастлаб Исломшунослик илмий-тадқиқот маркази сифатида фаолият олиб борган илм маскани илмий тадқиқотлар ва инновацион лойиҳалар марказига айлантирилди. Бу муҳим фармон Академияда ҳам дунёвий, ҳам диний билимларга эга бўлган юқори малакали мутахассисларни тайёрлаш билан бирга исломшуносликнинг долзарб муаммолари бўйича илмий тадқиқотларнинг амалга оширилишига кенг йўл очиб беради. Марказга исломшунослик илмий-тадқиқот тамойиллари, ислом дини тарихи, фалсафаси, уларнинг жамият ҳаёти ва ривождаги ўрни билан боғлиқ масалаларни тадқиқ этиш, аждодларимизнинг бой диний, илмий-назарий меросларини тиклаш, чуқур ўрганиш, таҳлил этиш ва ривожлантириш, жаҳон цивилизацияси тарихида ислом динининг тутган ўрнини тадқиқ этиш асосида ҳозирги шароитда исломнинг роли ва аҳамиятини аниқлаш, ривожланиш йўналишлари, ғоялари ва қонуниятларини

назарий, амалий жиҳатдан тадқиқ этиш, шунингдек дин билан боғлиқ замонавий тадқиқотларни амалга ошириш юклатилган[2]. Ўтган давр мобайнида бу илмий маскан республикада олиб борилаётган диншунослик, исломшунослик соҳаларига оид тадқиқотларнинг том маънодаги марказига айланди. Ҳозирда марказ ўз фаолиятини фундаментал, амалий ва инновацион лойиҳалар грантлари асосида амалга оширмоқда. Мазкур тадқиқотлар доирасида ислом манбашунослиги ривожига улкан ҳисса қўшган беназир алломалар ҳаёти ва уларнинг илмий меросини тўлиқ аниқлаш, уларни илмий тавсиф ҳамда таҳлил қилиш асосий йўналишларидан бири ҳисобланади. Яқин ўтмишда ўрганилишига рухсат этилмаган Абу Мансур Мотуридий, Маҳмуд Замахшарий, Абу Лайс Самарқандий, Абу Муъин Насафий, Ҳаким Термизий, Низомиддин Шоший, Имом Доримий каби юзлаб олимларнинг илмий лабораторияси аниқланди ва уларга оид илмий тадқиқотлар ўзининг дастлабки натижаларини бермоқда. Булар сирасига Абу Мансур Мотуридийнинг «Китабу-т-тавҳид», Маҳмуд Замахшарийнинг «Мақомот», «Рабиъу-л-аброр ва нусусу-с-ахёр», «Атвоқу-з-заҳаб фи-л-мавоъиз вал-хутаб», Имом Доримийнинг «Сунан», Абу Муъин Насафийнинг «Табсирату-л-адилла», Ҳаким Термизийнинг «Наводиру-л-усул», Абу-л-Баракот Насафийнинг «Мадорику-т-танзил», Абу Ҳафс Насафийнинг «Ақоид», «Китабу-л-қанд», Бурҳонуддин Марғинонийнинг «Ҳидоя», Аловуддин Ўзбекистонда исломшунослик соҳаси ривожига катта эътибор берилмоқда. Халқаро йирик илмий марказлар, янги диний таълим масканларининг очилиши соҳа ривожига ижобий ўзгаришларга ишора қилади. Айниқса, Тошкент ислом университети негизида ташкил этилган Ўзбекистон халқаро ислом академияси ҳам исломшунослик ривожига сезиларли ҳисса қўшмоқда. Бакалавриятда исломшунослик, магистратурада қуръоншунослик, ҳадисшунослик, фикҳ, ақида мутахассисликлари, докторантурада исломшунослик ихтисослигининг очилиши соҳадаги катта ўзгаришларни кўрсатади. Самарқандийнинг «Тухфату-л-фуқаҳо», Аловуддин Бухорийнинг «Ҳайрату-л-фуқаҳо», Лутфуллоҳ Насафийнинг «Фикҳи Кайдоний»,

Бурхонуддин Бухорийнинг «Муҳит» каби асарининг таҳлилига бағишланган тадқиқотлар киради. Илмий изланишларнинг каттагина қисмини Қуръони карим ва унинг тафсирларига бағишланган тадқиқотлар ташкил этади. Бу йўналишда Қуръони карим маъноларининг ўзбек тилидаги таржима ва тафсири билан бир қаторда уларнинг илмий таҳлили ҳам амалга оширилмоқда. «Қуръон, тафсир ва муфассирлар», «Қуръон оятларининг мазмуний мундарижаси ва унинг маънавий аҳамияти», «Абу Лайс Самарқандийнинг «Баҳру-л-улум» тафсири ва унинг Мовароуннаҳр маънавий-маърифий ҳаётида тутган ўрни» мавзуларидаги тадқиқотлар асл манбаларга таянганлиги билан ажралиб туради. Ҳадис манбаларини илмий таҳлил қилиш ҳам исломшуносликнинг муҳим йўналишларидан бўлиб, соҳа бўйича чуқур илмий тадқиқотларни амалга ошириш имконияти мавжуд. Мана шу мақсадда Самарқандда Абу Мансур Мотуридий номидаги ҳадис илмий мактабининг очилиши соҳа ривожига катта таъсир кўрсатади. Жумладан, ҳадисшунослик манбалари, ҳадис тўпламларидаги матнларни таҳлил қилиш, ҳадис маъноларини тўғри талқин қилиш ҳозирги кунда долзарблик касб этмоқда. Мазкур соҳада «Абдуллоҳ Субазмунийнинг «Кашфу-лосор» асари ҳадис илмига оид манба», «Абу Ҳафс Насафийнинг «Китобу-л-қанд фи маърифат уламо Самарқанд» асари – Самарқандда ҳадис илми тарихи бўйича муҳим манба», «Ҳаким Термизийнинг «Наводиру-л-усул» асари ҳадис ва тасаввуф илмига оид муҳим манба», «Мовароуннаҳр ва Хуросон олимларининг ҳадис илми ривожига тутган ўрни (Бухорий, Муслим, Термизий)», «Имом Доримийнинг ҳадис илми ривожига қўшган ҳиссаси» мавзуларидаги илмий тадқиқотлар амалга оширилган. Ислом ҳуқуқшунослигига бағишланган тадқиқотлар ҳам каттагина ҳажми ташкил этади. «Мовароуннаҳр фикҳ илми ривожига Алоуддин Самарқандийнинг ўрни ва «Тухфат ал-фуқоҳо» асарининг аҳамияти», «IX аср Мовароуннаҳр маданий ҳаётида Имом Бухорийнинг мавқеи ва унинг «Жомиу-с-саҳиҳ» асаридаги фикҳий масалалар», «Маждуддин Уструшанийнинг Мовароуннаҳр фикҳ илми тарихида тутган ўрни», «Абу Зайд Дабусий меросининг

Мовароуннаҳрда фикҳ илми ривожда тутган ўрни», «Бурҳонуддин Маҳмуд Бухорийнинг «Муҳит» асари ва унинг Мовароуннаҳр қозилигида тутган ўрни», «Ислом ҳуқуқшунослиги ва ҳанафий мазҳаби тараққиётида Ўрта Осиё фақиҳларининг ўрни», «Лутфуллоҳ Насафийнинг «Фикҳи Кайдоний» асари ва унга ёзилган шарҳ ва хошиялар таҳлили», «Бурҳониддин Марғинонийнинг «Ҳидоя» асари – муҳим ҳуқуқий манба», «X–XIII асрлар Мовароуннаҳр ижтимоий муносабатларига оид процессуал ва нотариал ҳужжатлар», «Абу Ҳафс Кабир Бухорий ва ҳанафий фикҳи». «Аловуддин Бухорий «Ҳайрату-л-фуқаҳо» асарининг ислом манбашунослигида тутган ўрни» мавзуларидаги диссертациялар ва улар асосида яратилган монографиялар соҳага оид муҳим тадқиқотлардан саналади. Илмий аҳамияти билан бир қаторда муҳим амалий қимматга эга бўлган тадқиқотлар ҳам талайгина. Ислом манбалари асосида атама ва ибораларнинг энциклопедик луғатини яратиш ҳам шундай тадқиқотлардан ҳисобланади. Маълумки, шу вақтга қадар яратилган ислом луғатлари бирёқлама ёндашув асосида ёзилган. Мазкур луғатга эса мингга яқин истилоҳлар киритилган бўлиб, уларнинг аксарияти Мовароуннаҳр маънавий муҳитга оид. Дунё эътироф этган ислом цивилизацияси маркази мақомига эга юртимизнинг минглаб алломалари, улар яратган бой илмий маънавий мерос ҳақида маълумот бериш, уни дунёга танитиш жараёнида энциклопедияларнинг ўрни катта. Ушбу соҳа бўйича амалга ошириладиган ишлар сифатида «Ислом энциклопедияси»нинг яратилиши Ўзбекистон халқаро ислом академиясининг асосий вазифаларидан бири ҳисобланади. 2018 – 2028 йиллар мобайнида энциклопедиянинг 50 мингдан ортиқ мақола, безак материаллари, харита ва чизмалар киритилган 20 жилдлигини нашрга тайёрлаш ва чоп этиш режалаштирилган. 2019 йили энциклопедиянинг биринчи жилдини нашр этиш мўлжалланган. Энциклопедияни нашрга тайёрлаш жараёнига юртимизнинг кўзга кўринган олимлари, диний уламолари жалб этилган. Яратилажак «Ислом энциклопедияси» ўзининг мазмун-моҳияти, мундарижаси, хусусиятлари билан бошқа шу соҳадаги энциклопедиялардан тубдан фарқ қилади. Унда айниқса юртимиз

алломалари, уларнинг ислом цивилизациясига муносиб улуш бўлиб кўшилган нодир асарлари, шарҳлари, ватанимиздаги ислом маданияти обидалари, мукаддас кадамжолари ва зиёратгоҳларини ёритишга алоҳида урғу берилади. Илмий тадқиқотларнинг катта қисми замонавий характерга эга бўлиб, улар диний бағрикенглик, диний оқимлар, динларнинг жамият ҳаётидаги ўрни, давлат ва дин масалаларига бағишланган. Замонавий тадқиқотлар доирасида «Дин психологияси» номли ўқув қўлланма, «Исломшунослик» қомусий луғати, «Глобаллашув ва диний жараёнлар», «Тасаввуф атамалари» изоҳли луғати, «Диний бағрикенглик ижтимоий-психологик феномен сифатида», «Ислом маърифати ва ҳозирги замон», «Жаҳолатга қарши маърифат» каби ўнлаб китоблар нашр этилган. Тадқиқотлардаги концептуал хулосалар, назарий ва амалий ишланмалар, чоп этилган нашр ишларидан маънавий-маърифий тарғибот ишларининг таъсирчанлигини таъминлаш, мутаассиблик, экстремизм ва терроризмнинг асл мақсадини фош этишга қаратилган самарали усул-услугларини ишлаб чиқиш, ёш авлодни миллий ва диний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялаш ҳамда давлат ва жамоат ташкилотларида тарғибот-ташвиқот ишлари, ўқув семинар, давра суҳбатларини ўтказиш жараёнида фойдаланилмоқда. Тадқиқот натижаларидан олий таълим муассасалари, касб-ҳунар коллеж, академик лицейлар ва халқ таълими мактабларида «Экстремизм ва терроризмга қарши курашнинг маънавий-маърифий асослари», «Диншунослик асослари», «Дунё динлари тарихи» фанларини ўқитишда, Ўзбекистон мусулмонлари идораси тасарруфидаги диний ўқув билим юртларининг ўқув жараёнида, шунингдек Ўзбекистон халқаро ислом академиясидаги «Ислом тарихи», «Қуръоншунослик», «Ҳадисшунослик», «Тасаввуф», «Ислом ва ҳозирги замон», «Динлардаги оқимлар ва секталар», «Ахборот истеъмоли маданияти», «Ислом манбашунослиги», «Дин фалсафаси», «Дин социопсихологияси», «Дин психологияси» каби фанларни ўқитишда кенг фойдаланилмоқда. Умуман, исломшуносликка бағишланган тадқиқотлар ўзининг илмий-назарий асослари, асл манбаларнинг истифода

этилиши, холислиги билан ажралиб туради ва улар жамиятда баркамол шахсларни шакллантириш, комил инсон сифатида тарбия топишига хизмат қилади. Ўзбекистонда исломшуносликнинг илмий, назарий асосларини мустаҳкамлаш бўйича амалга оширилган муҳим ишларнинг маълум қисми диссертацияларда ўз аксини топади. Жумладан, биринчи марта олий малакали илмий кадрлар рўйхатига янги 24 рақами билан «Исломшунослик» мутахассислиги киритилди. Ушбу мутахассислик таркибига «Ислом тарихи ва манбашунослиги», «Қуръоншунослик, ҳадисшунослик», «Фикҳ, калом илми ва илоҳиёт», «Мумтоз шарқ адабиёти ва манбашунослиги» ихтисосликлари киритилган ва юқоридаги ихтисосликлар бўйича фан доктори илмий даражасини олиш бўйича диссертациялар ҳимоясига ихтисослашган Илмий кенгаш очилиб, ўз фаолиятини бошлаб юборган. Илмий кенгашда исломшуносликнинг долзарб муаммоларига бағишланган илмий тадқиқотлар натижасида шаклланган диссертациялар ҳимоя қилинмоқда.

Академияга халқаро мақом берилганлиги муносабати билан ўтган қисқа муддат ичида Мисрнинг Ал-Азҳар, Туркиянинг Ибн Халдун, Истанбул Займ, Салжук, Кастамону, Индонезиянинг Жакарта Саҳид университетлари, шунингдек Буюк Британия, Қозоғистон давлатлари олий таълим муассасалари ва марказлари билан тўққизта Англашув меморандуми имзоланди ва ҳозирда улар бўйича жадал иш олиб борилмоқда. Академияга 2018 йилнинг иккинчи ярмида Европа, Африка, Америка, Австралия ва Осиё китъаларининг 20 та давлатидан ташриф ва мурожаатлар амалга оширилди. Айниқса, Миср Бош имоми, Ал-Азҳар мажмуаси раҳбари Аҳмад ат-Тойиб бошчилигидаги делегация, Ислом тараққиёт банки Президенти Бандар Хажжар бошчилигидаги делегациянинг ташрифлари халқаро алоқаларни ривожлантиришда муҳим ўрин тутади. Академия профессор-ўқитувчилари, илмий ходимлари, докторантлари томонидан ўндан зиёд мамлакатга йигирмага яқин хорижий илмий сафарлар ташкил этилди. Шунингдек, Интернет жаҳон ахборот тармоғида таълим ресурсларини яратиш ва

мунтазам янгилаб бориш, малакали хорижий мутахассисларни таълим жараёнига жалб қилиш, Академия мутахассисларини нуфузли хорижий олий диний таълим ва илмий муассасаларга малака ошириш ҳамда тажриба орттириш учун юбориш каби муҳим вазифаларни амалга оширишни назарда тутди.

### **Ўтилган мавзу бўйича саволлар**

1. Ислом дини қачон ва қаерда юзага келган?
2. “Жоҳилия” деб қайси даврга айтилади?
3. Муҳаммад пайғамбарга қачон ва қаерда илк ваҳий нозил бўлди?
4. Маккадан Мадинага ҳижратнинг сабаблари нимада эди?
5. Исломшуносликнинг замонавий масалалари юзасидан баҳс юритадиган қандай анжуманларни биласиз?

### **Мавзу: Президент Ш.Мирзиёев асарларида диний масалаларнинг ёритилиши.**

#### **Режа:**

1. Ўзбекистонда динга муносабатнинг янги босқичи.
2. Президент Ш.Мирзиёев асарларида диний масалаларнинг ёритилишининг ўзига хос жиҳатлари.
3. Ўзбекистонда диний бағрикенглик маданияти ва динга муносабат.

**Таянч тушунчалар:** Ислом цивилизацияси, “Маърифат ва диний бағрикенглик” махсус резолюцияси, бағрикенглик маданияти, Ислом конференцияси, ташқи таҳдидлар, ҳуқуқ ва эркинликлар, Виждон эркинлиги.

1. Ўрта Осиё минтақасида, хусусан, Ўзбекистон азалдан турли урф-одат, маданият, тил, турмуш тарзига эга бўлган, хилма-хил динларга эътиқод қилувчи бир-бирига ўхшаш бўлмаган бир неча халқлар яшаган ўлкадир. Ўзбекистоннинг жўғрофий нуқтаи назардан муҳим савдо йўллари чорраҳасида жойлашгани, кўплаб давлатлар билан иқтисодий, маданий

алоқалар қилгани ерли халқнинг диний ва маданий ҳаётига катта таъсир кўрсатган. Миллати ва диний қарашидан қатъи назар инсонни ардоқлаш ва ўзгаларни қадрлаш, катталарга хурмат ва бошқаларни иззат қилиш каби туйғулар Ўрта Осиё халқларининг юксак сифатларидир. Айнан шу омиллар халқимизнинг нафақат маънавий-маърифий, балки динлараро мулоқотнинг маънавий асосини ташкил қилади.

Ўзбекистон дастлабки диний қараш ва тасаввурлар юзага келган энг қадимий ўлкалардан бири эканлиги қатор тарихий манбаларда қайд этилган. Ўлкамизда қадим замонларданок зардуштийлик, буддизм, яҳудийлик, насронийлик каби мураккаб идеологик тизимга эга динлар тинч-тотув фаолият олиб борганлар. Тешик-Тош ғорларидаги қадимий қабрлар, Фаёз ва Қора-Тепанинг буддавийлик топилмалари, Далварзинтепа ва Суғдиёна қолдиқлари ва ҳозирда француз ва япон археологлари билан ҳамкорликда олиб борилаётган изланишлар натижалари бундан яққол далолат беради.

Қадим замонларданок бизнинг ўлкамизда зардуштийлик, буддавийлик, яҳудийлик, насронийлик каби мураккаб мафкуравий тизимга эга динлар мавжуд бўлган.

Зардуштийлик заминида Марказий Осиё шароитидаги ҳаёт тарзи ўтроқ деҳқончилик ва кўчманчи чорвадорлик ўртасидаги зиддиятлар ётади. У кейинчалик монотеистик ғоялар ривожига шубҳасиз катта ҳисса қўшган. Чунки, “Зардушт одамларни Ахура Маздага сажда қилишга чақириб, инсоният маънавияти тарихида янги босқични бошлаб берди. Биринчидан, у кўпхудоликка (политеизм) қарама-қарши яккахудолик (монотеизм)га, яъни, диний эътиқоднинг юқори босқичига қадам қўйган эди. Иккинчидан, илгари одамлар худолар қаҳридан, уларнинг даҳшатли вайрон қилувчи қудратлари олдида ожиз, кўрқув даҳшати остида сиғинишган бўлса, эндиликда эса Зардушт одамларга қалби кишиларга меҳр-шафқат билан тўлган, яхшилик томон ундовчи, уларнинг ўлиmidан кейин мангу фаровон ҳаёт билан таъминлай оладиган тангри Ахура Маздага ибодат қилишга чақирди”.

Ўз навбатида халқимизнинг ўша қадим даврлардаги меҳр-оқибат, одоб-



ахлоқ, бағрикенглик каби умуминсоний қадриятларини зардуштийлик дини манбаси – “Авесто” битикларида ҳам кўриш мумкин.

Буддавийликнинг Ҳиндистондан Марказий Осиёга кириб келишини одатда кушонларнинг ҳукмронлиги билан боғлайдилар. Император Канишка (I асрнинг охири – II асрнинг бошлари) даврида Кушон подшоҳлиги ушбу диннинг марказларидан бирига айланган. Жумладан, Канишка зарб қилдирган тангаларда бошқа илоҳиятлар билан бир қаторда Будда тасвири ҳам учрайди. Хитойлик Сюань-Цзянь берган хабарга кўра, VII асрнинг бошларида Термизда 10 та буддавийлик хонақоҳи (сангарамма) ва мингта роҳиб фаолият олиб борган.

XX асрнинг бошларида Амударёнинг ўнг қирғоғида буддавийликка мансуб кўплаб қимматбаҳо металллар – олтин ёки кумушдан ясалган кўп сонли тангалар, ҳайкалтарошликка оид майда тасвирлар ва бошқа ёдгорликлар топилган.

Халқимизда динлараро мулоқот, бағрикенглик ва муросанинг илдизлари узоқ асрларга бориб тақалади. Мамлакатимиз худудида фаолият кўрсатган турли динлар маданияти бўйича изланишлар олиб бораётган япон олими Като Сурхондарё воҳасида аниқлаган ноёб Будда маданияти ёдгорликлари, яҳудий ёдгорликлари, Бухорода насронийларнинг зиёратгоҳлари юртимиздаги ислом обидалари билан бир қаторда туриши ҳеч кимни ажаблантирмайди.

Жаннатмакон диёримизда яҳудийлик дини вакилларининг истиқомат қилиши халқимизга хос ўзбекона бағрикенглик, этник, маданий ва диний сабр-бардошлиликнинг яна бир юксак намунаси бўлса, ажаб эмас. Хусусан, яҳудийлар жамоасининг вакиллари билан бири Р.Бенсман шу ҳақда тўхталар экан, Бухорода дастлабки синагога VIII асрдаёқ қурилгани, бошқа дин вакиллари билан бир қаторда ўз динларига эркин эътиқод қилиш учун ўша пайтда ҳам шароит яратиб берилганини таъкидлаб “Ўрта аср Европаси ва Византия империясида қувғин қилинган яҳудийлик Марказий Осиёда бошқа динлар билан бир хил ҳуқуққа эга эди”, – деб ёзади.

Юқорида зикр этилган динлардан ташқари, Ўзбекистоннинг баъзи ерларида яҳудийлар, монийчилар, маздакийлар жамоалари истиқомат қилган. Бундан деярли 1,5 минг йил аввал ҳозирги Марказий Осиёни ўз ичига олган Ғарбий турк ҳоконлиги тахтида ўтирган Истами (552–576 йиллар) бағрикенг ҳоким сифатида танилганди. Шу даврда туркий қабилаларда диний тафаккур ўз тараққиётининг энг юқори поғонасига кўтарилган, бош худо – Тангрига сиғиниш кенг миқёсда бошланганди. Шундай бўлса-да, Истами-ҳокон ўлкада маълум бўлган барча динларга эркин йўл қўйиб берди.

Ўзбекистонда исломдан олдин мавжуд бўлган динлар қаторида Шом (Сурия) ва Эрон орқали кириб келган христиан динининг несториан мазҳаби сезиларли ўрин тутган. Христиан жамоалари ғуз, тўққизўғиз каби баъзи кўчманчи турк қабилаларининг вакиллари ҳам ўз ичига олган. Академик В.Бартольднинг фикрича, VI асрда Самарқандда христиан епископи ва бевосита араблар келишидан олдин эса митрополити бўлган. Ҳозирги Тошкент ва Хоразм вилоятлари ҳудудида ҳам христиан динига мансуб аҳоли мавжуд эди.

Маълумки, IX асрдан бошлаб ҳозирги Ўзбекистон ҳудудида ислом дини сунна йўналишининг ҳанафий (Имом Аъзам) мазҳаби қарор топган. Бу ҳам бежиз бўлмаса керак, зеро Имом Аъзам мазҳаби ўзга динлар ва маҳаллий урф-одатларга нисбатан эркинлик бериш билан бошқа мазҳаблардан ажралиб туради. Ҳанафийлик таълимотини такомулга етказган ватандошларимиз – Абу Мансур ал-Мотуридий, Абул Муъин Насафий ва Бурҳониддин ал-Марғиноний каби алломалар мусулмонлар орасидаги ғоявий тарафкашликка барҳам бериш, ислом динининг “аҳли сунна ва жамоа” йўли барқарор бўлиб қолишига катта ҳисса қўшдилар. Нафақат буюк алломалар, балки Марказий Осиё ҳукмдорлари ҳам бу йўлда курашдилар. Масалан, X аср ўрталарида мусулмон дунёсида шиа йўналиши устунликка эришган бир пайтда (Шимолий Африка, Миср, Сурия, Ҳижозда – фотимийлар, Яманда – зайдийлар ва ҳатто аббосийлар пойтахти Бағдодда – бувайҳийлар) Марказий Осиёлик тоҳирий, сомоний, ғазнавий ва қорахоний ҳокимлар “аҳли сунна ва

жамоа”ни қаттиқ туриб ҳимоя қилдилар.

Амир Темур ҳам “аҳли сунна вал-жамоа”га доим содиқ, диний ақидапарастликка қатъий қарши бўлган.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, собиқ “қизил империя” мажбуран киритилган Ўзбекистон фуқароларининг аксариятида “совет кишиси”дан ташқари яна бир “нарса” бор эди. Бу “нарса” – этник, тил ва ирқий мансубликдан қатъи назар мусулмончилик эди. Жаҳондаги барча мусулмонлар ҳеч бўлмаганда икки маданий муҳитда яшайдилар. Бири – она Ватаннинг этник таркиби билан боғлиқ маҳаллий маданияти, иккинчиси – исломга киргач шаклланган мусулмон маданияти. Узоқ тарихга эга бўлган мусулмон жамоаларида мазкур иккала муҳит бир-бирлари билан чамбарчас боғланиб кетган.

Мустақиллик туфайли ўзлимизни англаш, маънавий қадриятларимизни тиклаш жараёни кечаётган ҳозирги пайтда динга ва айниқса, ота-боболаримиз дини бўлиб келган исломга муносабат тубдан ўзгарди.

Минг йиллар мобайнида Марказий Осиё ғоят хилма-хил динлар, маданиятлар ва турмуш тарзлари туташган ва тинч-тотув яшаган марказ бўлиб келди. Этник сабр-тоқат, бағрикенглик ҳаёт бўронларидан омон қолиш ва ривожланиш учун зарур табиий меъёрларга айланди. Диний бағрикенглик ҳамиша диний заминдаги адоватга қарши ўзига хос қалқон вазифасини ўтаган. У турли эътиқодларнинг бир замон ва маконда биргаликда мавжуд бўлишига, уларнинг ташувчилари ўртасидаги ҳамкорлик ва ҳамжиҳатликнинг шаклланишига йўл очган. Бу эса, ўз навбатида, юрт тинчлиги ва тараққиётига, умуминсоний маданият ва маънавият ривожига хизмат қилган.

XIX асрда Россиянинг марказий минтақаларидан мажбурлаб кўчирилган рус крестьянлари ночор аҳволга тушиб қолганда мусулмон аҳоли уларга ҳар томонлама ёрдам кўрсатган. Ўша давр воқеаларини кўрган иеромонах Харитон “маҳаллий аҳоли ночор кўчманчиларга раҳмдиллик билан

муносабатда бўлдилар, бусиз уларнинг кўпчилиги очлик ва муҳтожликдан ўлиб кетган бўлар эдилар”, – деб гувоҳлик берган.

Бундай дўстона алоқалардан хулоса қилиб, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов: “Мусулмонлар ва христианларнинг Ўзбекистон заминида биргаликда ҳамнафас бўлиб яшаши диний-маънавий тотувликнинг нодир тимсоли ва барча дин вакилларига нисбатан бағрикенгликнинг энг яхши намунаси деб ҳисобланишига арзигуликдир”, – деб таъкидлаган эди.

Ўзбекистон ҳукумати диний бағрикенглик сиёсатини оқилона олиб бормоқда. Республикада 16 диний конфессия эмин-эркин фаолият кўрсатмоқда. Фуқароларнинг миллати, ирки, динидан қатъи назар барча учун тенг ҳуқуқлар Қонун орқали кафолатланган.

1995 йилнинг октябр ойида Тошкент шаҳрида “Бир само остида” шиори остида халқаро мусулмон-христиан конференцияси ўтказилди. 1996 йилнинг ноябрида шу ерда Рус православ черковининг Тошкент ва Марказий Осиё епархиясининг 125 йиллиги тантаналари ўтказилди.

2. Мамлакатимиз Президенти Ш.М.Мирзиёев томонидан ижтимоий барқарорлик, динлараро ҳамжиҳатлик, халқимиз тарихида азалдан мавжуд бўлган бошқа эътиқод вакилларига ҳурмат муносабатининг тарихий ворисийлигини мустаҳкамлаш мақсадида 2017 йил 23 июнда “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида Ўзбекистонда “Ислом цивилизацияси Маркази”ни ташкил этиш чора тадбирлари тўғрисида”1 ги Қарор имзоланди. Ушбу Қарорда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита, Маданият вазирлиги, Фанлар Академияси, Республика Маънавият ва маърифат маркази, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, Тошкент ислом университети, Ўзбекистон Мусулмонлар идораси, Ўзбекистон Ёшлар Иттифоқи ва бошқа ташкилотлар олдига аниқ вазифалар қўйилди. Хусусан ёш авлодни гуманистик ғоялар, миллий ва диний бағрикенглик руҳида тарбиялаш бундан буён давлатимизнинг динга оид сиёсатининг устувор йўналиши эканлиги қайд этилди. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, “Виждон эркинлиги ва

диний ташкилотлар тўғрисида”ги Қонун ва бошқа диний муносабатларга оид ҳужжатлар ва хусусан юқорида тилга олинган Президент Қароридан келиб чиққан ҳолда ушбу китобда динлараро ҳамжиҳатликнинг қатор долзарб ижтимоий-фалсафий масалалари ва уларнинг ечимлари ёритилади. Юзаки караганда, мамлакатимизда мавжуд ижтимоий ҳолат, миллатлараро ва динлараро ҳамжиҳатлик ўз-ўзидан мавжуд 1 Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарори “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси маркази фаолиятини ташкил этиш тўғрисида” 2018 йил 12 январь, 23-сон. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 17.01.2018 й., 09/18/23/0576-сон. 8 бўлаверади, уни мустаҳкамлаш учун зарурат йўқ, қонунларимиз миллий ва диний низоларга йўл қўймайди, деган тасаввур ва тушунча пайдо бўлади. Аслида эса бундай тасаввур ва тушунчалар асоссиз бўлиб, реал ижтимоий воқеликда динлараро муносабатларни янада такомиллаштиришни тақозо этади. Чунки дунёда кечаётган турли ихтилоф ва келишмовчиликлар бошқа ҳудудларга таъсир этмай қолмайди. Буни фаҳмламаслик илмий қарашларга зид бўлиб қолади. Ҳаёт диалектик жараёнدير, кечаги нарса бугунга, бугунги нарса эса эртанги кун талабларига жавоб бермай қолиши мумкин. Шу нуқтаи назардан ҳатто “Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида”ги (янги таҳрири) (1998) Қонун ҳам ҳаёт талабларига мос такомиллаштириб борилиши лозим. Биринчидан – Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Президент Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида Ўзбекистондаги Ислом цивилизация марказини ташкил этиш чоратадбирлари тўғрисида”ги 2017 йил 23 июндаги ПҚ-3080-сон Қарори, 2017 йил 5 июлдаги ПФ-5106-сон “Ёшларга оид давлат сиёсати самарадорлигини ошириш ва Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи фаолиятини қўллаб-қувватлаш тўғрисида”ги Фармонларини ҳамда мавзуга доир бошқа меърий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган

вазифаларнинг мантиқий давомийлиги ҳам ижтимоий воқеликка догматик ёки эклектик ёндашув эмас, балки диалектик ва синергетик ёндашувни тақозо этади. Иккинчидан – эса кўпконфессияли бўлган Ўзбекистон халқаро жараёнлар ва муносабатлар билан ҳам бевосита, ҳам билвосита алоқадорликда ривожланади. Айрим Араб дунёсида, Яқин Шарқда кечаётган диний-сиёсий жараёнлар ислом маданиятининг йирик марказларидан бири деб тан олинаётган юртимизга ҳам таъсир этмай қолмайди. 9 Учинчидан – жаҳоннинг етакчи давлатлари Яқин Шарқдаги биродаркуш зиддиятларни бартараф этиш бўйича ҳали ҳамон яқдилликка эриша олмаётирлар. Бундай шароитда ислом дини тўғрисида бирёқлама, уйдирма ва бўҳтонларни фож этиш юртимизда динлар ва конфессиялар ўзаро ҳамжиҳатликни таъминлашга қаратилган давлат сиёсатини янада мустаҳкамлайди. Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 19 сентябрь куни Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 72- сессиясида –Бош Ассамблеясининг “Маърифат ва диний бағрикенглик” деб номланган махсус резолюциясини қабул қилиш таклифи билан мурожаат қилди. “Ушбу резолюция бағрикенглик ва ўзаро ҳурматни қарор топтириш, диний эркинликни таъминлаш, эътиқод қилувчиларнинг ҳуқуқини ҳимоя қилиш, уларнинг камситилишига йўл кўймасликка кўмаклашишга қаратилган”<sup>1</sup> дея таъкидлади. Ушбу юкасақ таклиф янграганига бир йилдан сал кўпроқ вақт ўтди. Шу муддат ичида бу эзгу ташаббуснинг қанчалик аҳамиятли экани, шу она замин истиқболи учун нақадар муҳим аҳамият касб этишини бутун дунё халқлари англаб етди ва натижада, 2018 йилнинг 12 декабрь куни БМТ Бош Ассамблеясининг ялпи сессиясида Ўзбекистон томонидан таклиф этилган мазкур резолюция БМТга аъзо давлатлар томонидан бир овоздан қўллабқувватланди. Ушбу резолюцияни 50 дан зиёд мамлакати билан ҳаммуаллифликда қабул қилинди. Резолюцияда маърифатпарварлик ғоясини илгари суришга алоҳида эътибор қаратилиб, сайёрамизда хавфсизлик ва тинчликни мустаҳкамлаш йўлидаги интеграция, ўзаро ҳурмат, инсон ҳуқуқлари ҳимояси, муроса ва ўзаро англашувнинг нечоғли муҳимлиги эътироф этилди. 1 Ўзбекистон

Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 72-сессиясидаги нутқи // “Халқ сўзи”, 2017 йил 20 сентябрдаги 189 (6883). 10 Мазкур тадқиқот динлараро ҳамжиҳатликни таъминлашнинг ижтимоий-фалсафий муаммоларига бағишланган бўлиб, унда демократик давлат шароитида дин ва давлат муносабатлари, динга оид давлат сиёсати, миллатлар ва динлараро ўзаро тотувлик ва ҳамжиҳатликни таъминлашда миллий ғоя ва унинг методологик аҳамияти, ушбу сиёсатга доир ички ва ташқи таҳдидлар масалалари таҳлил қилинади, халқимиз танлаган дунёвий демократик тараққиёт йўлининг тарихан ўзини оқлаётганлиги масалалари ёритилади. Ушбу китобда юртимиздаги бир нечта мазкур соҳада илмийназарий фикрларга таянган ҳолда иш олиб борган бир қатор кўйидаги олимлар: А. Очилдиев “Миллий истиқлол ғояси – миллатлараро муносабатларни такомиллаш омили”, З. Хуснидиновнинг “Ўзбекистонда диний бағрикенгликни мустаҳкамлаш омиллари ва муаммолари”, Э. Ибрагимов “Ўзбекистонда христиан конфессиялари фаолияти ва уларнинг диний бағрикенглик анъаналари шаклланишида тутган ўрни”, М. Хашимов “Юнеско фаолиятида диний бағрикенглик тамойиллари”, К. Камиллов “Глобаллашув шароитида диний соҳа ривожланишининг ўзига хос хусусиятлари”, А. Каримов “Диний мутаассибликнинг тарихий илдизлари, замонавий кўринишлари ва унга қарши кураш асослари (Ўзбекистон мисолида)”, У. Кушаев “Жаҳон динларида Бағрикенглик ғояларининг уйғунлиги” каби мавзусидаги диссертация ишлари ва ишланмаларидан фойдаланилди.

3. Бағрикенглик турли миллат ва элатга дахлдор кишиларнинг, турли хил диний эътиқодли инсонларнинг бир замин, ягона Ватан, бир юртда, бир худудда олийжаноб ғоя, орзу-умид, мақсад ва ниятлар йўлида ҳамкор, ҳамфикр ва ҳамжиҳат бўлиб яшашини англатади.

Ўзбекистонда турли динларга мансуб қадриятларни асраб-авайлашга, барча фуқароларга ўз эътиқодини амалга ошириш учун зарур шароитларни яратиб беришга, динлар ва миллатлараро ҳамжиҳатликни янада

мустаҳкамлашга, улар ўртасида қадимий муштарак анъаналарни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Конституциясида “Ўзбекистон Республикасида барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, ирки, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахси ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар қонун олдида тенгдирлар”, – деган қонуннинг мустаҳкамлаб қўйилгани бундай ютуқларга сиёсий-ҳуқуқий замин яратди.

Конституциянинг 12-моддасида ижтимоий ҳаёт сиёсий институтлар, мафкуралар ва фикрларнинг хилма-хиллиги асосида ривожланади, ҳеч қайси мафкура давлат мафкураси сифатида ўрнатилиши мумкин эмас, дейилган. Шунга биноан, ҳар бир диний конфессия ўз мафкурасига эга бўлиши мумкин. Лекин бу мафкура халққа тазйиқ билан сингдиришга йўл қўйилмайди. Жамиятимизда диний ташкилотлар фаолияти халқимизда миллий ғурур ва ифтихор, ватанпарварлик ва фидокорлик, қонун инсонни шакллантиришга қаратилган.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 31-моддасида, жумладан, шундай дейилади: “Ҳамма учун виждон эркинлиги қафолатланади. Ҳар бир инсон хоҳлаган динига эътиқод қилиш ёки ҳеч қайси динга эътиқод қилмаслик ҳуқуқига эга. Диний қарашларни мажбуран сингдиришга йўл қўйилмайди”.

Дин ва давлат орасидаги муносабат асосида диннинг давлатдан ажратилиши тамойили ҳам ётади. Бу ҳақда Конституцияда шундай дейилади: “Диний ташкилотлар ва бирлашмалар давлатдан ажратилган ҳамда қонун олдида тенгдирлар. Давлат диний бирлашмалар фаолиятига аралашмайди”.

Ўзбекистонда эътиқод эркинлиги ва диний бағрикенгликни мустаҳкамлашда қонунчилик ҳам такомиллашиб борди. “Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида”ги қонун 1991 йилда қабул қилинган бўлиб, 1993 йилда киритилган баъзи қўшимча ва ўзгартиришлар билан 1998 йилга қадар амалда бўлиб келди. Сўнгги йиллар давомида мазкур қонунни давр талаблари асосида тубдан ўзгартириш зарур бўлиб қолди ва 1998 йилнинг 1



май кунда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан қонуннинг янги таҳрири қабул қилинди.

Виждон эркинлиги ҳақидаги қонун динга эътиқод қилиш ёки ўзга эътиқодлар эркинлиги миллий хавфсизликни ва жамоат тартибини, бошқа фуқароларнинг ҳаёти, саломатлиги, ахлоқи, ҳуқуқи ва эркинликларини таъминлаш учун зарур бўлган даражадагина чекланиш мумкинлигини таъкидлайди. Мазкур меъёр 1966 йил 16 декабрда БМТ Бош Ассамблеяси томонидан қабул қилинган Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги Халқаро пактнинг 18-моддасига мувофиқдир.

Айтиш жоизки, ҳозирга қадар ЮНЕСКО томонидан бағрикенгликка доир 70 дан ортиқ халқаро ҳужжат, конвенция, келишув ва протоколлар қабул қилинган. Жумладан, 1995 йил 16 ноябрда ЮНЕСКО Бош конференциясининг 28-сессиясида “Бағрикенглик тамойиллари Декларацияси” қабул қилинди. Декларацияда ирки, жинси, келиб чиқиши, тили, динидан қатъи назар бағрикенгликни тарғиб этиш, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларига ҳурмат билан қараш каби мажбуриятлар акс этган. 1995 йил “Халқаро бағрикенглик” йили деб эълон қилинди.

Шунингдек, 1995 йилда ЮНЕСКОнинг “Динлараро ва маданиятлараро мулоқот” Дастури қабул қилинди. У диний урф-одатлар ва ўзига хос маданий қадриятлар, уларнинг дунё маданиятида тутган ўрнини ёритишга хизмат қилади. Дастур доирасида Работ (1995, 1998), Мальта (1997) шаҳарларида динлараро мулоқот мавзусида халқаро анжуманлар ўтказилди.

1998 йил 6 ноябрда Тошкентда ўтказилган ЮНЕСКО Ижроия Кенгашининг 155-сессиясида “Тинчлик маданияти ва ЮНЕСКОнинг аъзо давлатларидаги фаолияти” Декларацияси қабул қилинди. ЮНЕСКОнинг “Тинчлик маданияти” концепцияси БМТ томонидан маъқулланиб, 2000 йил “Халқаро тинчлик маданияти йили”, 2001 йил эса “Халқаро маданиятлараро мулоқот йили” деб эълон қилинди.

2000 йил 13-15 сентябрда Тошкентда ўтган “Дунё динлари тинчлик маданияти йўлида” мавзусидаги халқаро симпозиумда Марказий Осиёдаги

маданий, диний ва этник хилма-хиллиги муҳокама қилинди.

Ўзбекистоннинг анъанавий диний бағрикенглик ўлкаси экани, ислом фани ва маданиятига қўшган улкан ҳиссасини эътироф этиб, нуфузли халқаро ташкилот – Ислом конференцияси ташкилотининг таълим, фан ва маданият бўйича Бошқармаси (ISESCO) Тошкент шаҳрини 2007 йилда ислом маданияти пойтахти деб эълон қилди.

Шундай қилиб, халқаро ҳамжиҳатлик йўлида ҳар бир инсон, жамоа ва миллатлар башариятнинг турли-туман маданиятлардан иборат эканини англаши ва ҳурмат қилиши жуда муҳимдир. Бағрикенгликсиз демократия асослари ва инсон ҳуқуқларини мустаҳкамлаб бўлмайди. Тинчликсиз тараққиёт ва демократия бўлмагани каби, бағрикенгликсиз тинчлик бўлмайди.

#### **Ўтилган мавзу бўйича саволлар**

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида диний эътиқод эркинлигига қандай муносабат билдирилган?
2. “Диний ташкилотлар” деганда нималар назарда тутилади?
3. Турли конфессиялар орасида низо чиқмаслиги учун давлат қандай тадбирларни қўллайди?
4. Бағрикенглик тушунчасининг асл маъноси хусусида қандай фикрдасиз?
5. Халқаро бағрикенглик куни бутун дунёда нишонланишини биласизми?
6. Президентимиз Янгиланаётган Ўзбекистонда диний-маърифий соҳада ўтказган ислохотларининг моҳиятини қандай изоҳлайсиз?

## IV. АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАРИНИНГ МАЗМУНИ

### Мавзу: Ислом динининг вужудга келиши.

1. Ислом динининг вужудга келишининг тарихий, ахлоқий зарурати
2. Қуръон ва Сунна Исломнинг асосий манбалари сифатида.
3. Ислом – яккахудолик дини.

**Масаланинг қўйилиши:** Арабистон ярим оролида вужудга келган яккахудолик динининг тарихий ва ахлоқий зарурат эканлигини таҳлил қилиш ва ўрганиш усуллари тавсия қилиш.

### Назорат саволлари:

1. Исломдан аввалги жоҳилият даврининг ўзига хос хусусиятлари ва тарихий вазият
2. Ислом таълимоти юзага келишининг объектив сабаблари
3. Қуръони каримнинг ваҳий бўлиши ва яширин даъватга бўлган эҳтиёж
4. Исломнинг асосий манбаларининг аслиги кафолати
5. Тавҳиднинг моҳияти нима?

### Мавзуни ўтишга оид педагогик технология:


#### “ВИДЕОТОПИШМОҚ” МЕТОДИ

Сўнгги йилларда педагогик фаолиятда турли ахборот воситалар (компьютер, телевидение, радио, нусха кўчирувчи қурилма, слайд, видео ва аудио магнитофонлар) ёрдамида таълим жараёни ташкил этилишига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ўқитувчилар олдида ўқитишда турли ахборот воситаларидан ўринли, мақсадли, самарали фойдаланиш вазифаси турибди.

Видеолавҳалар намойиш қилинган, тингловчилардан лавҳада қандай жараён, ҳодиса ёки воқелик акс этганлиги, қайси тарихий шахс ифодаланганлиги юзасидан мушоҳада юритиш талаб қилинади. Видеотопишмоқнинг жавобини топиш орқали тингловчилар ўрганиладиган янги мавзу ҳақида тасаввурга эга бўлади.

“Видеотопишмоқ” методидан фойдаланишда қуйидаги ҳаракатлар

амалга оширилади:



**Мавзу: Ислом дини ва ислом илмлари ривожда Марказий Осиё  
алломаларининг ўрни ва роли**

1. Исломий илмлар ривожига Абу Ҳафс Кабир Бухорий, Имом Бухорий, Ҳаким ат-Термизий ва бошқа олиму уламоларнинг қўшган ҳиссаси
2. Аниқ ва табиий фанлар ривожда ислом уламолари жумладан, Ўзбекистон худудидан етишиб чиққан алломаларнинг қўшган ҳиссаси.

**Масаланинг қўйилиши:** Абу Ҳафс Кабир Бухорий, Имом Бухорий, Ҳаким ат-Термизийларнинг исломий фан тараққиётига қўшган ҳиссалари ва буюк хизматлари, аниқ фанлар соҳасининг ривожланишида исломнинг аҳамияти.

**Назорат саволлари:**

1. Исломий илмлар тараққиётига улкан ҳисса қўшган ва Марказий Осиё худудидан чиққан мутафаккирлар кимлар?
2. Ҳадисшунослик илми тараққиётида ватандошларимизнинг хизматлари нимада?
3. Саҳиҳи Бухорий ва Сунани Термизийларнинг ислом тараққиётида тутган ўрни.

4. Аниқ фанлар таракқиётида Ибн Сино, Ал-Хоразмий, Берунийларнинг илмий фаолиятини таҳил қилиб беринг

**Мавзуни ўтишга оид педагогик технология:**

### **“БУМЕРАНГ” ТЕХНОЛОГИЯСИ**

Технология ўқувчи (талаба)ларни дарс жараёнида, дарсдан ташқарида турли адабиётлар, матнлар билан ишлаш, ёдда сақлаш, сўзлаб бериш, фикрларни эркин баён этиш, қисқа вақт ичида кўп билимга эга бўлиш, ўқитувчи томонидан барча ўқувчилар фаолиятининг бирдек баҳоланиши учун шароит яратишга хизмат қилади. У ўқитувчига тарқатма материалларнинг ўқувчилар томонидан гуруҳли, индивидуал шаклда самарали ўзлаштирилишини, аудиторияда ташкил этиладиган суҳбатнинг мунозарага айланишини таъминлаш орқали уларнинг фаолиятини назорат қилиш имконини беради. Бу технологиядан суҳбат-мунозара шаклидаги дарсларда индивидуал, жуфтлик, гуруҳли ва жамоавий шаклларда фойдаланиш мумкин. Бошқа интерфаол методлар каби таълим жараёнида мазкур технологияни қўллаш ҳам муайян тартибда амалга оширилади. Яъни:



### **Мавзу: Ислом ва ҳозирги замон.**

1. Ислом динидаги бўлинишлар ва уларнинг тарихий илдизлари.
2. Исломнинг замонавий оқимлари ва йўналишлари.
3. Исломнинг ҳозирги замондаги ўрни ва аҳамияти.

**Масаланинг қўйилиши:** Илк бўлинишга сабаб бўлган воқеа, пайғамбаримизнинг видо хутбаси, исломдаги оқимлар ва мазҳаблар

### **Назорат саволлари:**

1. Исломдаги илк бўлинишлар натижасида юзага келган хаворижлар ҳақида қандай маълумотга эгасиз?
2. Суннийлик ва шиъалик оқиларининг нисбати ва маросим-урф-одатларидаги фарқлар
3. Исломдаги замонавий оқимлар ва йўналишлар хусусида кичик тақдимот ўтказинг
4. Исломнинг ҳозирги замондаги ўрни ва аҳамиятини қандай изоҳлайсиз?

### **Мавзуни ўтишга оид педагогик технология:**

#### **БИР КИШИ ҲАММА УЧУН, ҲАММА БИР КИШИ УЧУН МЕТОДИ**

Академик гуруҳ жами талабалар сонидан келиб чиққан ҳолда 4-5 кишидан ташкил топадиган бир неча кичик гуруҳларга ажратилади. Кичик гуруҳнинг талаб даражасида ўқув фаолияти кўрсата олиш учун унинг таркибида билимларни ўзлаштириш бўйича битта яхши, битта ундан сустрок талаба-ўқувчининг бўлиши шарт. Қолганлари қобилиятлари ва билим даражалари бўйича сустр ўқийдиган талаба-ўқувчилар бўлиши мумкин. Яхши ўзлаштирувчи талаба-ўқувчи кичик гуруҳнинг сардори бўлиб, ўз навбатида шерикларининг маълум ҳажмдаги билимларни ўзлаштиришлари бўйича ўқитувчига ёрдамчилар ҳисобланади. Ҳар бир талаба-ўқувчининг дарсга тайёргарлик даражасидан келиб чиққан ҳолда барча шерикларининг баҳоланиши ўқитувчи томонидан ўқув йили бошида ҳаммага эълон қилинади.

Кичик гуруҳдаги талабаларнинг фан бўйича бутун ўқув фаолияти катъий ўзаро масъулиятга асосланган бўлиб «Бир киши ҳамма учун, ҳамма

бир киши учун» шиори остида боради. Чунки сардорларга жорий назорат бўйича рағбатлантирувчи балларни қўйишда кичик гуруҳлар талаба-ўқувчиларининг уйга берилган топшириқларни бажарганлик даражалари, айниқса сушт ўзлаштирувчи талабаларнинг мавзу бўйича ўқитувчи ва бошқаларнинг саволларига оғзаки ёки ёзма жавоб беришлари, масала ечимини тушунтира олишлари эътиборга олинади. Уй вазифасини кўпроқ сушт ўзлаштирувчи, бироқ билим олишга иштиёқи бор талаба-ўқувчилардан сўраб, кичик гуруҳнинг барча талаба-ўқувчиларини унинг жавобини эътиборга олган ҳолда баҳолаш катта таълимий ва тарбиявий самара беради. Сушт ўзлаштирувчиларни яхши тайёрлаган кичик гуруҳ сардорларига энг юқори балл қўйилади. Натижада сардорларга ҳам табақалаштирилган балл қўйишга эришилади. Кичик гуруҳдан бирор талаба-ўқувчи уй вазифасини бажармаган ёки қисман бажарган бўлса, бу камчиликни йўқотиш учун унинг сардори ёки барча шерикларини бир-икки марта қўйиладиган баллардан маҳрум этиб, ўша мавзунини қайта ишлаб дарсдан кейин топширадиган қилиш кифоя. Ўқитувчининг уй вазифасини нега тайёрламай келдинг дейиши билан бу гапни кичик гуруҳ талабаларининг жамоа бўлиб норози оҳангда шерикларига айтиши орасида жуда катта тарбиявий фарқ бор.

Дарснинг мустақил ишлаш қисмида барча кичик гуруҳларга бир хил муаммо (масала)ни сушт ўқийдиган талаба-ўқувчиларга ўргатишлари сўралади. Чунки, берилган топшириқ типигаги муаммо(масала)лар дарснинг асосий қисмида ўқитувчи ва талаба-ўқувчилар ҳамкорлигида ўрганилган бўлади.

Битта кичик гуруҳга кирган талаба-ўқувчилар аудиториянинг маълум қисмидаги кетма-кет қўйилган парталарда биргаликда, сардор эса орқадаги партанинг ўқитувчи бориб ёрдам кўрсатиши ва ўзининг келиб ўқитувчидан ёки бошқа кичик гуруҳ сардоридан ёрдам олиши учун қулай қисмида ўтиради. Иккита парта бир-бирига қаратиб қўйилса талаба-ўқувчиларнинг ҳамкорликда ишлашлари учун янада қулай бўлади. Сардорнинг амалий машғулот пайтида аудитория бўйлаб эркин ҳаракатланиб, ўқитувчи ва бошқа

сардорлар билан ҳамкорликда вужудга келган тушунмовчиликни ҳал қилиш бўйича мулоқотда бўлишига рухсат этилади. Бироқ, ўқитувчи ҳузурига бирданига бир нечта эмас фақат битта сардорнинг келишига йўл қўйилади.

Бир кичик гуруҳ қўйилган муаммони (масалани) ҳал этгач, унинг тўғрилигини ўқитувчи томонидан текширилиб, сардорга шерикларига ўргатиш таклиф қилинади. Унинг ўргатиши жараёнида масалани еча олмаган гуруҳчаларнинг сардорлари ҳам шу гуруҳга келиб қўшилади, сўнгра ўзларининг гуруҳларига қайтишиб шерикларига ўргатишади.

### **Мавзу Ислом фалсафаси. Ислом динида бағрикенглик масаласи.**

1. Ислом фалсафининг вужудга келиши, унинг манбалари.
2. Ислом динида бағрикенглик масаласи.
3. Исломшуносликнинг замонавий масалалари.

**Масаланинг қўйилиши:** Ислом фалсафаси моҳияти нима, ислом фалсафаси намояндаларининг фан ривожига қўшган ҳиссаси, бағрикенглик ва чидамлилиқ, кечиримлилиқ фазилатлари, ҳозирги кун Исломшуносликнинг замонавий масалалари.

### **Назорат саволлари:**

1. Тасаввуф таълимоти намояндаларининг ислом фалсафасига қўшган ҳиссалари нимада?
2. Аниқ фанлар соҳасида амалга оширилган тадқиқотларда ислом динининг таъсири нималарда намоён бўлади?
3. Толерантлик ва бағрикенглик бир нарсами? Унинг қандай кўринишлари бор?
4. Ўзбекистонда исломшуносликка оид олиб борилаётган тадқиқотлар мавзулари қанақа?

### **Мавзуни ўтишга оид педагогик технология:**

#### **ДУМАЛОҚ СТОЛ МЕТОДИ**

Бу метод амалий машғулот учун қулай. Бунда ўқитувчи томонидан



битта савол ёзилган варақ кичик гуруҳга тақдим этилади. Талабалар ўзларининг исми-шарифлари ва саволга жавобларини ёзиб, варақни ёнидаги талабага узатади. Шу тариқа ёзилган жавоблар йиғиштириб олиниб, талабалар иштирокида нотўғрилари ўчириб чиқилади ва натижалар баҳоланади.

**Мавзу: Президент Шавкат Мирзиёев асарларида диний масалаларнинг ёритилиши.**

1. Ўзбекистонда динга муносабатнинг янги босқичи.
2. Президент Ш.Мирзиёев асарларида диний масалаларнинг ёритилишининг ўзига хос жиҳатлари.
3. Ўзбекистонда диний бағрикенглик маданияти ва динга муносабат.

**Масаланинг қўйилиши:** Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда динга муносабатнинг тубдан ўзгарганлиги, Ислом маданияти пойтахти, исломий кадриятлар.

**Назорат саволлари:**

1. Ўзбекистонда Давлат ва дин муносабатларининг янги босқичи нималарда намоён бўлмоқда?
2. Президент қарор ва фармонларида диний масалалар борасида илгари сурилган долзарб вазифалар таснифини келтиринг.
3. Ўзбекистонда бағрикенглик маданияти нималарда намоён бўлади

**Мавзуни ўтишга оид педагогик технология:**

**“3x3 лойиҳаси” қондаси**

- Учта гуруҳ учта фикр.
- Гуруҳларга уч хил савол ёзилган ватман қоғозлари тарқатилади.
- Ҳар бир гуруҳ ўз ватманига учтадан жавоб ёзади.
- Жавоблар қолади гуруҳлар жой алмашади (3 дан 1 га; 1 дан 2 га; 2 дан 3 га).
- Ҳар стол алмашганда учтадан жавоб ёзилади.
- Охирида жами 9 та жавоб тўпланади.
- Мустақил равишда ҳар бир гуруҳ умумий таърифни келтиради

## V. ГЛОССАРИЙ

Термин	Ўзбек тилидаги шарҳи
<b>Ансорлар</b>	(араб. «ёрдам берувчилар») илк ислом тарихида Маккадан ҳижрат қилган Пайғамбар ва муҳожирларга ёрдам берган мадиналик мусулмонлар.
<b>Арафот</b>	(араб. «танимоқ, билмоқ» феълидан) Макка шаҳрининг шарқ томонидаги тепалик. Ривоятларга кўра, жаннатдан туширилган Одам Ато ва Момо Ҳавво ерда илк бор мана шу тепаликда учрашганлар. Шунинг учун ҳам уни «Арафот» – «Танишув» деб атаганлар. Ҳаж мавсумида барча ҳожилар қурбон ҳайитидан олдинги кун тонгдан кун қайтгунга қадар шу тепалик атрофидаги майдонда туришлари фарз. Шу сабабли ҳайитдан олдинги кун «арафа куни» деб аталади.
<b>Ақида</b>	араб тилида бирон нарсани бир-бирига боғлаш маъносини англатади. Истилоҳда эса ақоид илмининг машҳур номларидан бири.
<b>Ақиқа</b>	“Ақиқа” луғатда “қорин сочи” деган маънони англатади. Атама сифатида эса, туғилган чақолоқнинг сочини олиш ва таваллуди муносабати билан сўйиладиган қўйга айтилади.
<b>Ақлий далил</b>	мутакаллимларнинг ўз раъйлари. Фикрий қарашлари асосида бирон ақидавий масалага берган жавоблари. Ақлий далил асосан мантиқ билан боғлиқ ҳисобланган.
<b>Васания</b>	(араб. «васан» – «ёғочдан ишланган бут») бутпарастлик.
<b>Ваҳий</b>	илоҳиёт билан инсонларнинг пайғамбарлар орқали мулоқот йўли
<b>Виждон Эркинлиги</b>	диний эътиқод эркинлиги.
<b>Зикр</b>	сўзлаш, баён қилиш, хотирлаш, ёд айлаш, хотирдагини унутмаслик маъноларини англатадиган арабча бир калима. Тасаввуфда бу сўз ғафлат ва исён - эсдан чиқаришнинг зидди ўрнида татбиқ этилган. Тадқиқотчиларнинг аниқлашларича, зикр сўзи Қуръони каримда 254 маротаба такрорланган экан. Тасаввуф тариқатларидаги зикр жараёнлари Қуръондаги "Эй мўминлар, Аллоҳни кўп зикр қилинглари!" ("Ахзоб" сураси, 41-оят), "Аллоҳни кўп зикр қилингларики, шояд нажот топурсиз" ("Жумъа" сураси, 10-оят) каби ҳукмлар таъсирида юзага чиққан. Зикр мажлисларида Аллоҳни ёд айлашнинг уч йўли бўлган: истиғфор, саловат ва асмой сабъа (Аллоҳнинг етти исми ва уларни зикр этмоқ).

<b>Зиндик</b>	дастлаб эронийлар орасида кенг тарқалиб, кейин арабларда ҳам қўллана бошлаган "занодика" сўзининг бирлиги. Бу атама хусусий бир маънога эга бўлмагани ҳолда мусулмонлар ўртасидаги қиморбоз, маишатпараст ва динга беписанд кимсаларга нисбатан ишлатилган. Вақт ўтиши билан Аллоҳга, унинг пайғамбари ва охират кунига инонмайдиғанларга ҳам зиндик (мулҳид маъносида) дейилган. Бу калима даҳрийлар, ботинийлар ва баъзи тасаввуф арбобларига, нисбат берилган ( <i>Урхон Ханжарли ўғли. Ислом инончлари сўзлиги. Истанбул, 1981, 747-бет</i> ).
<b>Зот</b>	ўз, жавҳар, бирор нарсанинг асли. Сўфийлар аъмолича, коинотда мавжуд ҳар қандай борлиқ Тангри сифатларининг зуҳури, сифатлар эса - ул зотнинг тажаллисидан иборат
<b>Вожиб</b>	Ҳанафий мазҳаби таълимотига кўра, Қуръони каримда тўғридан-тўғри буйруқ келмаган ҳолда бажарилиши шарт бўлган амалларга нисбатан ишлатилади.
<b>Жаброил</b>	Аллоҳ билан пайғамбарлар ўртасида элчи вазифасини бажарувчи фаришта.
<b>Жоҳилия</b>	(араб. «ягона Аллоҳни танимаслик») Арабистон ярим оролининг ислом динидан аввалги даври шундай аталган.
<b>Закот</b>	(араб. «тозаланиш, покланиш») исломнинг беш рукнидан бири. Мол-мулк <i>нисобига</i> (муайян миқдорга) етгач, унинг қирқдан бири (2,5 %) камбағаллар фойдасига садақа сифатида берилади.
<b>Зино</b>	ўзаро никоҳда бўлмаган эркак ва аёлнинг жинсий алоқаси. Зино аксарият динларда катта гуноҳлардан саналади.
<b>Ижтиҳод</b>	исломда янги пайдо бўлган диний муаммоларни ҳал қилишнинг ўзига хос усули.
<b>Илоҳий Китоб</b>	Аллоҳ томонидан пайғамбарларга нозил қилинган Забур, Таврот, Инжил ва Қуръон каби китоблар.
<b>Имон</b>	луғавий маъноси <i>ишонмоқ, тасдиқламоқ</i> бўлиб, истилоҳда эса “ <i>Ло илоҳа иллаллоҳу Муҳаммадур расулуллоҳ</i> ” (“Аллоҳдан ўзга илоҳ йўқ ва Муҳаммад – Аллоҳнинг пайғамбари”) <i>калимасини</i> тил билан айтиб ( <i>ал-иқрор би-л-лисон</i> ), дил билан тасдиқлаш ( <i>ат-тасдиқ би-л-қалб</i> ) демакдир.
<b>Санад</b>	– (араб. «суяниш») ҳадисни ривоят қилган ровий исмларининг кетма-кет занжири.

<b>Калом</b>	сўз, нутқ маъносини билдиради. Мўътазилийлар пайдо бўлгандан кейин ақида илмининг номи “калом” деб атала бошланган.
<b>Каромат</b>	(араб. «улуғлик, буюклик») ислом таълимотига кўра, Аллоҳ томонидан унинг дўстлари – авлиёларга ато этиладиган сеҳрдан фарқли ғайриоддий қудрат.
<b>Каъба</b>	(араб. «куб») Макка шаҳрида ҳозирги даврда Байтул Ҳаром (Муқаддас Масжид) ичида жойлашган ислом динининг қибласи ҳисобланмиш бино. Ислом таълимотига биноан, уни буюк тўфондан сўнг Иброҳим пайғамбар ўғли Исмоил билан қайта тиклаган.
<b>Қиёмат</b>	(араб. «тик туриш») маъноларни англаб, атама сифатида ўликларнинг қайта тирилиши ва ўрнидан туриши маъносида ишлатилади.
<b>Конфессия</b>	(лот. «эътироф, эътиқод») дин, диний эътиқод.
<b>Мазҳаб</b>	(араб. «йўл») исломдаги шариат қонунлари тизими ва йўналиши.
<b>Макруҳ</b>	бажарилиши ёмон саналган амал.
<b>Мандуб</b>	бажарилиши тарқ қилинишидан афзал бўлган амал.
<b>Модернизм</b>	динни ҳозирги замон воқелигига мослаштиришни ёқлаб чиқувчи оқим.
<b>Монотеизм</b>	(қад. юнон. «моно» – «ягона», «тео» – «илоҳиёт») яккахудолик.
<b>Мубоҳ</b>	ислом шариати қилиш ёки қилмасликни кишилар ихтиёрига қўйган амаллар.
<b>Мужтаҳид</b>	ижтиҳод қилиш даражасига етган фақиҳ олим.
<b>Мурид</b>	(араб. «хоҳловчи») суфизм йўлига кириб, муршидга қўл берган шогирд.
<b>Муршид</b>	(араб. «тўғри йўлга бошловчи») суфизм йўлига кирганларни ҳидоятга бошловчи устоз, шайх.
<b>Муснад</b>	1. Санади муттасил равишда ўз ниҳоясига етган ҳадис, яъни санади билан ривоят қилинган ҳадис. 2. Санад, санад сўзларининг синоними. 3. Ҳадис тўпламларининг тури.
<b>Мусҳаф</b>	(араб. «саҳифаланган») Қуръони каримнинг номларидан бири.
<b>Мутаассиблик</b>	ўз ғоясини «тўғри» деб, бошқача фикр эгаларини тан олмаслик ва уларни бузғунчиликда айблаш.
<b>Мутавотир</b>	ёлғонга йўл қўйиши мумкин бўлмаган ростгўйлиги эътироф этилган даражадаги кўпчилик кишиларнинг бошдан охиригача ўзлари каби кишилардан нақл қилган ривояти.

<b>Мутакаллим</b>	калом илми билан шуғулланган олимлар “мутакаллим” деб аталган.
<b>Муҳаддис</b>	(араб. «ҳадис сўзловчи») ҳадислар билан шуғулланувчи олим.
<b>Муҳожирлар</b>	(араб. «муҳожир, эмигрант») илк ислом тарихида Пайғамбар билан Мадинага ҳижрат қилган маккалик мусулмонлар.
<b>Мушрик</b>	кўпхудоликда айбланган одам.
<b>Мўътазилия</b>	араб тилида “ажралиб чиқмоқ” маъносини англатади. Ислом оламида энг катта эътиқодий таълимотнинг номи.
<b>Нақлий далил</b>	ақлий далилдан фарқли равишда нақлий далил фақат Қуръон ва суннатга асосланган.
<b>Охират</b>	(араб. «бошқа, охирги, иккинчи») бу дунё охирига етганидан кейин барча қайта тирилиб, қилган амалларига яраша мукофот ёки жазо оладиган иккинчи ҳаёт.
<b>Оят</b>	(араб. «белги; мўъжиза») Қуръон сураларини ташкил этувчи қисм, «жумлалар».
<b>Пайғамбар</b>	Аллоҳнинг ердаги элчиси бўлиб, одамларни Аллоҳга ибодат қилишга чақирувчи ва охират ҳақида хабар берувчи киши
<b>Панисломизм</b>	XIX асрнинг охирларида Ўрта Шарқда вужудга келган ислом мамлакатларини ягона байроқ остида бирлаштириш ғоясини кўтариб чиққан сиёсий оқим.
<b>Пир</b>	муршид, устоз.
<b>Пора (Жуз)</b>	(форс. «пора», араб. «жуз’» - «қисм, бўлим») Қуръоннинг ўттиздан бир қисми.
<b>Рисолат</b>	пайғамбарлик.
<b>Ровий</b>	(араб. «ривоятчи») ҳадис ривоят қилувчи киши.
<b>Рўза</b>	йилда бир ой – ҳижрий қамарий календарнинг <i>Рамазон</i> оyi давомида кундуз кунлари ейиш-ичиш ва жинсий алоқада бўлишдан тийилиш.
<b>Сафо</b>	Макка шаҳрида Каъба яқинидаги тепалик. Ҳаж ва умра қилувчилар Сафо ва Марва тепаликлари орасида етти бор югуришлари лозим.
<b>Саҳиҳ ҳадис</b>	(араб. «соғлом; тўғри») олимлар тарафидан ишончли, тўғри деб топилган ҳадис.
<b>Саҳобий</b>	Расулуллоҳ алайҳис-саломни имон келтирган ҳолда кўрган ва шу мусулмонлик ҳолида вафот этган киши.
<b>Сунан</b>	Ҳадислар “тахорат” бобидан “васиятлар” бобигача фикҳ тартиби бўйича жамланган тўпламлар.
<b>Сунна</b>	– исломда «Пайғамбар йўли».
<b>Сура</b>	(араб. «девор, тўсик») Қуръонни ташкил этувчи

	қисмлар. Қуръон жамланиш даврида уларнинг умумий сони 114 та деб белгиланган.
<b>Суфий</b>	исломдаги мистик-аскетик оқим вакили.
<b>Табу</b>	тотемистик тасаввурлар мавжуд бўлган жамиятдаги диний тақиқ. Бу тасаввурларга кўра, табуни бузган одам руҳлар ва худолар томонидан унга оғир касаллик ёки ўлим юбориш билан жазоланади. Табу маълум бир буюмга тегмаслик, маълум сўзни айтмаслик, маълум ҳайвонларнинг гўштини емаслик кабилардан иборат бўлиши мумкин.
<b>Таваккул</b>	тасаввуф таълимотига кўра, ўз иродасини Аллоҳга ишониб топшириш.
<b>Тавоф</b>	Каъбанинг атрофини айланиш.
<b>Такририй суннат</b>	саҳобийлар томонидан қилинган бирор хатти-ҳаракат ёки гап-сўзга Пайғамбарнинг индамасликлари ёки маъқуллашлари.
<b>Тафсир</b>	(араб. «баён қилиш») Қуръон оятларига ўзига хос равишда маъно бериш.
<b>Терроризм</b>	(фр. «қўрқитиш») ўз фикрини зўравонлик йўли билан бошқаларга ўтказиш. Бу йўлда суиқасд, қўпоровчилик каби усуллардан фойдаланилади.
<b>Тобиун</b>	– (араб. «эргашувчилар») Пайғамбар саҳобаларини кўрган ва уларга эргашган кишилар.
<b>Улум ал-ҳадис</b>	ҳадисларни ривоят қилиш, ишончли ва ишончсизини ўрганадиган илм.
<b>Фақиҳ</b>	фиқҳ илмининг билимдони.
<b>Фарз</b>	ислом дини таълимотига кўра, инкор қилиб бўлмайдиган даражада қатъий далил билан бажарилиши талаб қилинган амалга айтилади.
<b>Фарзийлар</b>	қадимий яҳудийликдаги оқим.
<b>Фаришта</b>	– нурдан яратилган, нафс ва хоҳишга эга бўлмаган, фақатгина унга худо томонидан буюрилган муайян вазифаларни оғишмай бажарадиган, инсонлар кўзига кўринмайдиган махлук.
<b>Фатво</b>	фақиҳнинг динда пайдо бўлган янги муаммоларни Қуръонга зид келмайдиган равишда ҳал қилиб чиқарган ҳукми
<b>Фатҳ</b>	(араб. «очиш») бирор шаҳар ёки мамлакатга ҳарбий йўл билан динни олиб кириш
<b>Фиқҳ</b>	(араб. «тушуниш») шариат қонун-қоидаларини ўрганувчи фан.
<b>Фиръавн</b>	илоҳиёт даражасига кўтарилган Қадимги Миср подшоҳлари титули.
<b>Фундаментализм</b>	маълум дин вужудга келган илк даврига қайтиш ва бу

	йўл билан замонанинг барча муаммоларини ҳал қилиш мумкин деган фикрни илгари суриш таълимоти.
<b>Хабар</b>	Муҳаммад алайҳис-саломнинг сўзлари ва ҳатти-ҳаракатлари ҳақида ривоят (синоними ҳадис, осор).
<b>Хонақоҳ</b>	1) суфийлар жамланиб зикру само билан машғул бўладиган махсус бино; 2) масжиднинг меҳроб ва минбар ўрнатилган қисми.
<b>Шом</b>	Суриянинг қадимий номи.
<b>Экстремизм</b>	ўз мақсади йўлида турли ҳаддан ортиқ кескин тадбир-чоралар кўришга тарафдорлик.
<b>Эсхатология</b>	дунёнинг охири, нариги дунё, жаннат, дўзах ҳақидаги тасаввурлар мажмуи.
<b>Эътиқод</b>	дунёқараш. Бирор динга эътиқод қилиш - уни ҳақ деб билиб, унинг таълимотини тан олиш.
<b>Яриб</b>	Мадина шаҳрининг ҳижратдан аввалги номи.
<b>Қудсий ҳадис</b>	Маъноси Аллоҳ таолодан бўлиб, айтилиши, яъни лафзи Расулуллоҳдан бўлган ҳадислар.
<b>Қуръони карим</b>	Ислом динининг бирламчи муқаддас манбаси, 23 йил мобайнида Муҳаммад пайғамбарга Жаброил фаришта орқали баъзан оят-оят, баъзан эса тўлиқ сура тарзида нозил қилинган илоҳий китоб ҳисобланади.
<b>Ҳадис</b>	(араб. «янги; сўз») Муҳаммад пайғамбарнинг айтган сўзлари, қилган ишлари ҳақидаги ривоятлар.
<b>Ҳаж</b>	қодир бўлган киши учун умрида бир марта Макка шаҳридаги Каъбани зиёрат қилиш ва ушбу ибодат ўз ичига оладиган арконларни адо этишдан иборат
<b>Ҳажарул асвад</b>	(араб. «қора тош») Каъбанинг жанубий-шарқий бурчагида ердан 1, 5 м. баландликда ўрнатилган муқаддас тош.
<b>Ҳанифлик</b>	исломдан аввал Арабистон ярим оролида мавжуд бўлган яккахудолик ғояси.
<b>Ҳаром</b>	ислом таълимотига кўра, инкор қилиб бўлмайдиган даражада қатъий далиллар билан бажарилиши таъқиқланган амал.
<b>Ҳасан ҳадис</b>	сахих ҳадис шартларига эга бўлган, лекин забти пастроқ бўлган адолатли ровийнинг ўзи кабилардан қилган ривояти.
<b>Ҳошимийлар</b>	Маккада яшаган Қурайш қабиласидан бўлган Ҳошим ибн Абдуманофнинг авлодлари.



## VI. АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажигимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қураимиз. – Т.: “Ўзбекистон”, 2017. – 488 б.
2. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. 1-жилд. – Т.: “Ўзбекистон”, 2017. – 592 б.
3. Мирзиёев Ш.М. Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир. 2-жилд. Т.: “Ўзбекистон”, 2018. – 507 б.
4. Мирзиёев Ш.М. Нияти улуғ халқнинг иши ҳам улуғ, ҳаёти ёруғ ва келажаги фаровон бўлади. 3-жилд.– Т.: “Ўзбекистон”, 2019. – 400 б.
5. Мирзиёев Ш.М. Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари. 4-жилд.– Т.: “Ўзбекистон”, 2020. – 400 б.
6. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2018.
7. Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 23 сентябрда қабул қилинган “Таълим тўғрисида”ги ЎРҚ-637-сонли Қонуни.
8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 10 декабрдаги “Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-1875-сонли қарори.
9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июнь “Олий таълим муасасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4732-сонли Фармони.
10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февраль “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги 4947-сонли Фармони.
11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрель “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2909-сонли қарори.
12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 21 сентябрь “2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5544-сонли Фармони.

13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 май “Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5729-сон Фармони.
14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 июнь “2019-2023 йилларда Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида талаб юқори бўлган малакали кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш ва илмий салоҳиятини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4358-сонли Қарори.
15. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 август “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг узлуксиз малакасини ошириш тизимини жорий этиш тўғрисида”ги ПФ-5789-сонли Фармони.
16. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябр “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5847-сонли Фармони.
17. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 23 сентябрь “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 797-сонли қарори.
18. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 4 сентябрдаги “Диний-маърифий соҳа фаолиятини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 4436-сонли Қарори.
19. Ланд, П. Ислам /Пол Ланд. -[Ред. Е. А. Варшавская]. – [Пер. с англ. И. А. Бочкова]. – М. :Астрель; АСТ, 2003. – 192 с.
20. Лубський, В.І., Лубська, М.В. Історія релігій: підруч. [для студ. вищ. навч. закл.] /В.І.Лубський, М.В.Лубська. – [2 вид.]. – К.: Центр учбової літератури, 2009. – 776 с.
21. Максаковский, В.П. Географическая картина мира. В 2-х книгах. /В.П.Максаковский В.П.-[ 4-е изд., испр. и доп.]. – М.: Дрофа, Кн.1 – 2008. – 495с.; Кн.2 – 2009. – 480с.

22. Мирзахмедов, А. Феномен ислама /А. Мирзахмедов. – Социологические исследования. – № 3. – 2003. – С.93 – 96.
23. Аширов А. Ўзбек халқининг қадимий эътиқод ва маросимлари. – Т.: Алишер Навоий номли миллий кутубхона нашриёти, 2007
24. Кароматов Ҳ. Ўзбекистонда мозий эътиқодлар тарихи. – Т.: Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатияси университети нашриёти, 2008.
25. Мўминов А., Йўлдошхўжаев Ҳ., Раҳимжонов Д., Комилов М., Абдусатторов А., Орипов А. Диншунослик. – Т.: Mehnat, 2004.
26. Кривелев И.А. История религий. – М.: 1989.
27. Кулаков А.Е. Религии мира. – М.: 1996.
28. Мень А. История религии. – М.: 199424.Петер Антерс. Религии современности. История и вера. – М.: Прогресс-Традиция, 2001.
29. Радугин А.А. Введение в религиоведение: теория, история и современные религии. – М.: 1996.
30. Токарев С.А. Религия в истории народов мира., – М., 1965.
31. Исмоил ал-Бухорий. Ал-Адаб ал-муфрад. – Т.: Ўзбекистон, 1990.
32. Ислом: энциклопедия. – Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2004.
33. Уватов У. Муслим ибн ал-Ҳажжож. Т.: А. Қодирий номли “Халқ мероси” нашриёти, 1995.
34. Қуръони карим маъноларининг таржима ва тафсири / Таржима ва изоҳлар муаллифи Абдулазиз Мансур. – Т.: Тошкент ислом университети, 2007.
35. Ҳасанов А., Комилов Н., Уватов У., Азимов А., Раҳимжонов Д., Зоҳидов Қ. Ислом тарихи. – Т.: “Тошкент ислом университети” нашриёт.
36. Игнатова Н. Ю. Образование в цифровую эпоху: монография. М-во образования и науки РФ. – Нижний Тагил: НТИ (филиал) УрФУ, 2017. – 128 с. [http://elar.urfu.ru/bitstream/10995/54216/1/978-5-9544-0083-0\\_2017.pdf](http://elar.urfu.ru/bitstream/10995/54216/1/978-5-9544-0083-0_2017.pdf)
37. Ишмухамедов Р.Ж., М.Мирсолиева. Ўқув жараёнида инноватсион таълим технологиялари. – Т.: «Фан ва технология», 2014. 60 б.
38. Маънавият асосий тушунчалар изоҳли луғати. –Т.:Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2009.

39. Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. –Т.: Ўзбекистон, 2000.
40. Муслимов Н.А ва бошқалар. Инноватсион таълим технологиялари. Ўқув-методик қўлланма. – Т.: “Сано-стандарт”, 2015. – 208 б.
41. Хусниддинов З.М. “Ислом: йўналишлар, оқимлар, мазҳаблар”. «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» давлат илмий нашриёти. Тошкент, 2000 йил.
42. <http://edu.uz> – Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги
43. <http://lex.uz> – Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси
44. <http://bimm.uz> – Олий таълим тизими педагог ва раҳбар кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни ташкил этиш бош илмий-методик маркази
45. [www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz) – Таълим портали